

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ – ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC – ANALYTIC
BULLETIN



Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев Р.В.
(бош муҳаррир)
Мамадалиева Н.С.
(масъул котиб)
Абдуллаев А.Б.
Абдуҳалимов Б.А.
Акмалов Ш.И.
Алимов А. А.
Аъзамхўжаев С. С.
Иброҳимов Н.И.
Исломов З.М.
Мансуров А.Д.
Очилдиев А.С.
Уватов У.М.
Ҳасанов А.А.



© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Мундарижа

Сўз боши.....	3
Б. Ҳусанов. Ислом этикети ва муомала маданияти.....	4
О. Ғайбуллаев. Ислом динида шахс эстетик маданиятининг шаклланиш масалалари.....	7
З. Арипова. Миср мамлуклари даврида ҳарбий тарбия хусусида.....	9
Д. Мадаминаова. Исломда инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари.....	13
Б. Абдушукуров. “Қисаси Рабғузӣ”даги маъно тарайишига учраган лексемалар хусусида.....	16
Б. Каримов. Жалолиддин Румий маънавий меросининг умуминсоний маданиятда тутган ўрни.....	20
О. Мусаев. Навоийнинг мухаммас боғлашдаги ўзига хос услуби.....	23
Ҳ. Аминов, Ж. Юсупов. “Канзу-д-дақиқ” асарининг “Мухтасар ал-Викоя” билан қиёсий таҳлили.....	26
А. Жўраев. Зириклийнинг “Ал-Аълум” асари ва унда мовароуннаҳрлик алломалар.....	30
Б. Намозов. Абу Бакр Калободий – тасаввуф таълимотининг донишманди.....	33
Ҳ. Усмонова. “Салоти Масъудий” – ханафий мазҳаби бўйича ноёб фикҳий манба.....	37
М. Раҳмонова. Фитрат кишлоқ таракқиёти хусусида.....	40
М. Юлдашева. Мафкуравий таҳдидларнинг моҳияти.....	44
К. Шермуҳамедов. Ҳасан ал-Банно – ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий асосчиси.....	48
Ё. Ҳамраева. Ўзбек тилининг минимал идеографик луғатини тузишга доир мулоҳазалар.....	51
А. Ҳасанов, У. Уватов. Араб тили хрестоматияси.....	56
М. Қурбонова. Фил.ф.н. Наибахон Мамадалиеванинг “XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек тили ёзма ёдгорликлари лексик хусусиятлари” номли монографиясига ТАҚРИЗ.....	58

СЎЗ БОШИ

Ҳар бир юртнинг тараққиёти унинг миллий маънавиятига ҳам боғлиқ. Миллий-маданий мерос эса унинг таянч нуқталаридан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий маънавиятимиз ҳазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг миллий ва умуминсоний маданиятда тутган ўрнини аниқлаш беқиёс ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Илмий-таҳлилий Ахборотнинг ушбу сониди ҳам анъанага мувофиқ тадқиқотчи ва олимларимизнинг улуғ мутафаккир аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш, таҳлил қилишга бағишланган мақолалари ўрин олган. Хусусан, Жалолиддин Румийнинг тасаввуфий, исломий ва умуминсоний қарашлари унинг асарларида ифодаланган ғоялари асосида очиб берилган, Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асаридаги маъно торайишига учраган лексемалар мисоллар орқали кўриб чиқилган. Шу билан бирга, ханафий мазҳаби фикҳининг мўътабар китоблари бўлган «Канзу-д-дақоик» ва «Мухтасар ал-Викоя» асарлари қиёсий таҳлил қилинган, иккиси ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳамда афзалликлар кўрсатиб берилган. X асрда яшаб ўтган буюк мутасаввиф аллома Абу Бакр Калободийнинг «Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф» асари воситасида алломанинг тасаввуфий-ирфоний фикрлари мушоҳада этилган, унинг тасаввуф таълимотининг донишманди экани асосланган.

Шунингдек, бюллетень саҳифаларидан ислом этикети ва муомала маданияти, ислом динида шахс эстетик маданиятининг шаклланиш масалалари, исломда инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига оид мақолалар ўрин олган. Навоийнинг муҳаммас боғлашдаги ўзига хос услуби, Зириклийнинг «Ал-Аълом» асарида мовароуннаҳрлик алломалар хусусидаги мақолалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Ханафий мазҳаби бўйича ноёб фикҳий манба «Салоти Масъудий», ислом никобидаги экстремизмнинг ғоявий асосчиси Ҳасан ал-Банно тўғрисидаги мақолалар муштарийларимизга манзур ва мақбул бўлади, деган умиддамиз.

БОШИ МУҲАРРИР



ИСЛОМ ЭТИКЕТИ ВА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

Муомала маданиятида тез-тез тилга олинаётган “этикет” истилоҳи Европа ахлоқий маданиятидан кириб келган сўздир. Бу сўз “этикетка” – ёрлик маъносини англатади. Этикет дастлаб қирол Людовик XIV даврида қирол қабулидаги иззатли меҳмонларга қирқма қоғоз (карточка) кўринишида тарқатилган, унда қирол қабули пайтида амал қилиниши шарт бўлган муомала қоидалари битилган. Мазкур қоидаларда саломлашиш, мурожаат қилиш, суҳбатлашиш, ўзини тутиш, овқатланиш, кийиниш, илтифот кўрсатиш, совға бериш каби одоб меъёрлари қатъий қоидалаштириб қўйилган. Бугунги кунда этикет – ахлоқий маданият кўринишларидан бирига айланган. У кўпроқ инсоннинг хатти-ҳаракатида яққол кўзга ташланувчи ташқи маданиятини ҳамда ўзаро муносабатларидаги ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашса, яъни бир ҳолатда бир неча хил муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади. Шунга кўра, этикет кенгқамровли тушунча бўлиб, маълум маънода, умумбашарий микёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади.

Этикет “этика” сўзининг ўзаги сифатида бевосита ахлоқий меъёрлар, тамойиллар ва мезонларнинг “юкини” кўтаришга қодир бўлган ахлоқнинг амалий кўринишидир. Ҳар бир соҳада этикет кўринишлари мавжуд бўлиб, уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин. Этикет – тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган

бўлиши мумкин. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб-қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимлик ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Айтиш мумкинки, гарчанд “этикет” тушунча сифатида Европа маданиятининг махсули бўлсада, унинг қоидалари, одоб меъёрлари, мулоқот маданияти Шарқда, хусусан мусулмон Шарқида азалдан мавжуд бўлган ва ўзининг илмий-ахлоқий кўринишларини касб этган. Бу борада ислом динининг манбаи ва илмий асоси бўлган Қуръони карим ва ҳадиси шарифда қатор кўрсатмалар мавжуд бўлиб, улар худди этикет қоидалари каби ислом одобида қатъийлаштирилган. Бу хусусда ислом динига доир манбаларда замонавий этикет турлари ва кўринишлари сифатида қабул қилаётганларимиз пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларида келтириб ўтилган. Хусусан, кийиниш этикетига доир – “Либос ҳақида китоб”да, муомала этикетига доир – “Латиф сўзлар китоби”да, савдо ва тижорат этикетига доир – “Савдо-сотикдаги шартлар хусусида”, совға олиш ва совға бериш этикетига доир – “Ҳадя қилмоқ ва унинг фазилати ҳамда ҳадя қилмоққа ундамоқ ҳақида китоб”да, овқатланиш этикетига доир – “Таомлар китоби”да, эр-хотин ўртасидаги этикетга доир – “Никоҳ китоби”да, ибодат қилиш этикетига доир – “Намоз вақтлари ҳақида китоб”, “Ҳаж китоби”, “Рўза китоби”, “Таровиҳ китоби” ва бошқа шу сингари умумий этикетга доир – “Адаб китоби”да бир қатор илмий асосга эга бўлган амалий тавсиялар мавжуд.

Мамлакатимизда ислом одоби ва ахлоқи билан боғлиқ кўплаб илмий манбалар чоп этилди ва этилмоқда. Шулар орасида ҳожи Аҳмаджон Бобомурод қаламига мансуб “Ислом одоби ва ахлоқи” китобида замонавий этикет ўргатаётган кўплаб масалалар ислом одоби нуқтаи-назаридан ўрганилган ва тавсия қилинган¹.

Ислом этикети исломий ахлоқнинг амалий кўриниши бўлган муомала маданиятида тўлақонли акс этади. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, қуйида муомала маданиятига ис-

1. Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод. Ислом одоби ва ахлоқи. Т.: Мовароуннахр, 2008.

ломнинг муносабати хусусида айрим фикрларимизни ҳавола этамиз.

Маълумки, инсон барча яратилганлар орасида ажиб ва латиф бир табиат билан ажралиб туради. Бу табиатда инсоннинг турли-туман майллари, орзулари майдонга келган. Масалан, инсон энг яхши нарсаларни истайди, энг гўзал нарсаларга мойиллик билдиради, зийнатли нарсаларни орзу этади, инсониятга хос шараф билан яшамокка интилади. Ана шундай шараф ислом динида хушмуомалалик, ширинсўзлик, очик чехралик, тўғрисиўзлик, мулойимлик, хушзабонлик, ширинсуханлик каби қатор ахлоқий тушунчалар билан белгиланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифда баён этилган ғоялар инсоният тафаккури ва фаолиятдан айри холда эмас. Айниқса, ислом манбаларида инсонлардаги муомала маданияти яхшилик, бурч, адолат, имон сингари одоб-ахлоқ тушунчалари билан уйғун холда олиб қаралади. Шунингдек, ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро муомалада гўзалликка интилиши масалаларига ислом дини жуда катта эътибор қаратади. Бу борада Абу Ҳурайра (р.а) дан ривоят қилинган мана бу ҳадис тарбиявий жиҳатдан аҳамиятга молик: “Бир одам Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?” – деб сўраганида Пайғамбаримиз (с.а.в.) уч мартасида ҳам «Онанг!», сўнгра эса «Отанг!» – деб жавоб берадилар. Ота-онани ҳақорат қилиш, уларга ёмон муомалада бўлишни «одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири» деб айтадилар².

Муомала маданиятининг мезонларидан бири – ширинсўзликдир. «Фарзанд неъматининг шуқри унинг гўзал тарбиясидир» деган тамойилга асосланган ислом таълимоти ҳар бир туғилган чақалоқ то тили чиқиб гапира олгунча ислом табиати билан туғилишини, бироқ ота-оналар фарзандини ғайридин ёки имонсиз қилиб қўйишини уқтиради. Шунингдек, Қуръони карим ота-онага фақат яхшилик қилишга чақирув билан чекланиб

В данной статье рассматриваются моральные проблемы исламского этикета и культуры общения как актуальное проявление нравственных ценностей религии ислам в процессе глобализации. Также анализируется нравственное значение религии ислам и современное значение исламского этикета и культуры общения.

The article analyzes the most fundamental issues of ethical norms of Islam in the process of globalization as well as moral values of Islam. Additionally, the author illuminates the moral essence of Islam and a contemporary significance of Islamic etiquette and dialogue.

қолмай, балки уларга олижаноблик билан муомала қилиш кераклигини ажойиб услубда тушунтиради: «Парвардигорингиз ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» дема ва уларнинг сўзларини қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт. Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени улар гўдаклик чоғимда тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб ҳақларига дуо қил» (“Исро” сураси, 22, 24-оятлар)³.

Бу оятлар мазмунига эътибор берадиган бўлсак, Аллоҳ таоло ота-онага яхшилик қилишни бевосита ўзига ибодат қилиш билан бирга ёнма-ён қўйяпти, ота-оналар кексайиб, заифлашиб қолганларида уларга қандай муомала қилиш кераклигини ўргатмоқда. Бу борада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф фарзанднинг ота-онасига нисбатан яхши муомаласини қуйидаги бешта хусусият орқали кўрсатиб ўтади:

1. Улардан бирор гап ўтса, малол келиб, «уф» ҳам демаслик.

2. Ота-онани хафа қиладиган сўз сўзламаслик.

3. Уларга доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлик.

4. Уларга доимо раҳм-шафқат кўрсатиб, ўзини улар олдида камтар тутиш.

2 Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4-қитоб. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. Б.78.

3 Қаранг: Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992. Б. 367.

5. Аллоҳдан уларга раҳмат тилаб дуо қилиш⁴.

Ҳадиси шарифда ширинсўзлик билан яхшилик ўртасида диалектик бирлик мавжуд бўлиб, улар олий қадрият сифатида улуғланади. Аксинча, ваъдабозлик, омонатга хиёнат қилиш ва ёлғончилик ёмон иллат сифатида қораланади.

Ҳадисларда инсон маънавий камолотида муомала маданияти билан боғлиқ барча диний муаммоларга эътибор қаратилиши баробарида умумбашарий муаммоларга ҳам катта ўрин берилади. Бошқа динга эътиқод қилувчи кишиларни камситиш, лаънатлаш, сўқиш ва ҳақорат қилиш мусулмончиликда катта гуноҳ ҳисобланаши бунинг яққол исботидир. Бу хусусда Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки мўминни лаънатлагайдир ёки кофирликда айблағайдир, уни ўлдирган баробарида гуноҳга қолғайдир!» – деганлар⁵. Шунингдек, кимда ким бировни қарғаса ёки лаънат айтса, оғзидан чиққан сўз осмонга қараб интилади, ундан чиққан сассиқ ҳидга осмон эшиклари бекилиб, чиқиб кетишга йўл топа олмагач, қарғиш ёки айтилган лаънат ҳақ бўлса айтилган кишига бориб тегади, агар ноҳақ бўлса айтган кишининг ўзига уради, деган мазмундаги ҳадислар мавжуд. Бу ислом динида муомала маданияти инсонпарвар ғоялар билан йўғрилганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, инсонларнинг бир-бирига лаънат айтиб қарғашлари нокомиллик белгисидир. Одамларнинг оғзидан чиққан хунук сўзлар бевосита ҳақоратланган кишиларнинг жисми ва руҳига ўрнашиб пировардида ўша одамнинг қалбига сингиб боришини бугунги замонавий фан ва таълимотлар исботламоқда (Бу борада руҳий таҳлил фалсафасидаги фикрларни мисол қилиб келтириш ўринлидир – муаллиф).

«Шаръий ҳукмларда, Қуръони карим ва ҳадисларда ўртага қўйилган кўплаб ахлоқий фазилатлар тизимлари ҳар бир мусулмон риоя қилиши шарт бўлган бурч сифатида кўрсатилган, – деб таъкидлайди файласуф Э.Юсупов, – Шариат қоидаларига имон ва эътиқод билан риоя қилиш асрлар давомида

жамиятда адолат, ҳалоллик, инсонпарварлик ғоялари барқарор туришига олиб келган»⁶. Шу боис исломда ахлоқий тараққиёт ва муомала маданиятининг муҳим омилларидан бири бекорчи сўзлар, ғийбат гаплар, ёмон қилиқлардан узоқ бўлишдир. Бу борада ислом дини яхши муомалани рўёбга чиқариш учун яхши ҳамсуҳбат топиш ва унинг воситасида муомалани мустаҳкамлашни таклиф этади.

Умуман олганда, ислом динида муомала маданиятига жиддий эътибор қаратилгани ҳолда унинг диний-ахлоқий асослари моҳиятан инсонпарвар тамойилларга асосланади. Зеро, муомала маданиятининг динийлик шакли дунёвийлик шаклини инкор этмайди, балки унинг кўринишларини уйғунликда олиб ўрганади.

Баҳодир ҲУСАНОВ,

Ўзбекистон Миллий университети
Фалсафа факультети Этика ва
эстетика кафедраси мудири,
фалсафа фанлари номзоди.



⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. Т.: «Шарқ», 2006. Б. 280.

⁵ Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4-қитоб. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. Б.95.

⁶ Маънавий камолот омиллари. Т.: Университет, 1995. Б.10.

ИСЛОМ ДИНИДА ШАХС ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ислом дини халқимизнинг кўп асрлик тарихий тараққиётида шахс маънавияти шаклланишига катта таъсир кўрсатган, жамиятдаги мафкуравий қарашлар ва ғояларда муҳим ўрин тутган, инсонларни ахлоқий покликка ва маънавий гўзалликка даъват этган инсонпарварлик динидир. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов: "...миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол яшаб келишида муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз"¹, – дейди. Ҳақиқатдан ҳам бу дин тарихда ҳам, ҳозирда ҳам халқимизнинг, хусусан шахснинг моддий, маънавий, ахлоқий ва эстетик маданияти шаклланиши ва юксалишига катта таъсир кўрсатаётганлиги билан бекиёс аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда барпо этилган эстетик аҳамиятга эга маданий ёдгорликлар, меъморий иншоотларнинг бунёд қилинишида исломий анъаналарга амал қилинган бўлса, баъдий адабиёт, шеърят, хаттотлик ва санъатнинг бошқа турларида Қуръони карим ва ҳадисларда илгари сурилган асосий ғоялар тарғиб қилинди ва шу асосда шахсни маънавий гўзал, ахлоқий пок ҳамда баркамол қилиб тарбиялашнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, муқаддас динимиз шахснинг эстетик маданияти ва идеалларини ахлоқий ғоялар билан боғлиқ ҳолда ривожлантириши билан бирга фан, адабиёт, маданият ва нафосат соҳаларини бир-бирига узвий алоқадорлигини ўзида мужассамлаштирди. Унда шахснинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари диний туйғулар билан йўғрилиб, ёшларга билим бериш учун илм масканлари яратилди. Қолаверса, шахсни маърифатли, маънавий-ахлоқий ва эстетик дидга эга бўлишга чорлади.

Исломда гўзаллик тушунчаси турли талқин қилиниб, моддий ва маънавий гўзаллик каби шаклларга ажратиб ўрганилиши эсте-

тика ривожига катта аҳамият касб этди. Қуръони каримнинг «Оли Имрон» сураси 14-оятида «Одамларга аёллар, болалар, туғанмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-текинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг (ўтқинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бордир. (Яъни ўтқинчи нарсаларга кўнгил бермай, ҳақиқий гўзалликни севмоқ лозим)»², деб таълим берилади.

Шахснинг эстетик маданиятга эришуви масалалари инсонпарварлик ғоялари ва гўзаллик дунёси билан боғлиқ равишда Аллоҳ номи билан узвийлашган тарзда талқин қилинади. Бу борада юқоридаги суранинг 148-оятида «Аллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади»³, деб таъкидланади.

Қуръони каримда шахснинг маънавий олами ва ҳаётига чуқур ўрнашиб қолган юксак эстетик маданият ва диний маросимлар ўз ифодасини топган. Бу борада «Бақара» сура-сининг 83-оятида «Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндош-уруғ, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг»⁴, деган сўзлар баён қилинган. Ислом динида сўз воситасида шахснинг гўзалликка бўлган интилиши, воқеликни идрок қилиши, яхшилик сари талпиниши фалсафий мушоҳада этилади.

Шу боис ислом эстетик маданиятида ҳар бир шахс сўз воситасида ўзини Аллоҳга бахшида этади, яъни юракдан айтаётган сўзи туфайли инсон ўзини Аллоҳга топширади. Сўзнинг қудратли кучи туфайли шахс оламдаги гўзалликларни ва азобу уқубатларни бир-биридан фарқлайди. Шу тарзда шахс дунёвий ва диний билимларни эгаллаб, комил инсон даражасига кўтарилади. Ислом маданиятида сўз шахсни гуноҳлардан фориғ қилиб, уни яхшилик ва гўзалликка интилишга чорлайди. Бунинг моҳияти Қуръони каримнинг «Сажада» сурасида Аллоҳнинг сифати билан уйғунлашган тарзда эътироф этилиб, юк-

2 Қуръони карим. «Оли Имрон» сураси, 14-оят /Алоуддин Мансур таржимасида. Т.: Чўлпон, 1992.

3 Ўша манба. 148-оят.

4 Қуръони карим. «Бақара» сураси, 83-оят / Алоуддин Мансур таржимасида. Т.: Чўлпон, 1992.

1 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 36.

В статье отражены аспекты развития эстетической культуры личности и ее взаимосвязь с эстетическими ценностями религии ислам. Также рассматривается влияние эстетической культуры личности в исламе и религиозных духовных ценностей на всестороннее развитие личности.

This article is about reforming esthetic culture of a person and his relation with values of Islam.

A great influence of esthetic culture of Islam in the development of person is also emphasized in the article.

сак эстетик маданиятнинг намунаси сифатида бериллади. Куръони каримнинг “Шўро” сураси 23-оятда шахснинг гўзал фазилятлари ва эстетик маданиятининг нозик қирралари ҳақида сўз юритилиб, «Ким бирон чиройли амал қилса, Биз унинг учун ўша (чиройли амали)да яна ҳуснни зиёда қилурмиз (яъни зиёда савоб ато этурмиз)»⁵, деб таъкидланади. Шундай экан, бу ёруғ оламга ҳукмрон қилиб яратилган инсон ва унинг учун зарур бўлган барча нарсалар ҳамиша гўзал бўлади. Шунингдек, исломнинг инсон кўли билан яратилган нафосат олами, жумладан меъморий обидалари ҳам чиройли эканлиги айтиб ўтилади. Ислום меъморий обидалари бўлган масжид, мадраса, макбара ва бошқа диний иншоотлар нафосат оламини ўзида кўз-кўз қилиб туради. Шу боисдан ислом эстетикасининг моҳияти «Каҳф» сурасининг 7-оятда шахснинг ахлоқий гўзаллиги масаласи билан боғлиқ исломий обидаларни ўзида ифодалаган ҳолда «Албатта, Биз (бандаларимиздан) қайсилари чиройлироқ амалларни қилишларини синамоқ учун Ер устидаги бор нарсани унга зийнат-безак қилиб қўйдик (яъни ўша безакларга алданиб, мағрурланиб қолмаган кишилар Бизнинг синовимиздан ўтурлар)»⁶ дейилган. Бу синов учун яралган гўзалликларнинг маъно-мазмунини биз кўпроқ исломий обидалардан излашимиз лозим.

Ислום меъморий обидаларидаги эшикларни ўймакорлик ва наққошлик санъати би-

лан безаш, деворларига ганчлардан турли шакллар ясаш, устунларини араб ёзуви асосида нақшлар билан безатиш бугунги кунда кенг тус олган. Бу ҳақда Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ шундай дейди: «Араб ёзувининг гўзаллигига алоҳида эътибор берилгани ва унинг турли-туман шаклларда дид ва нафосат билан ишлатилиши сабабли, араб хати фақат маъно ташиш воситаси эмас, балки кишиларга юксак эстетик завқ берувчи санъат намунаси сифатида машҳурдир»⁷.

Пайғамбаримиз доим кишиларнинг ахлоқий жиҳатдан мукаммал ва гўзал туйғулар билан турмуш кечиришини саҳобаларига билдирган фикрларида баён этган. Бу ҳақда Куръони каримнинг «Юнус» сураси 26-оятда «Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир»⁸, дейилди. Бугунги кунда ислом маданияти ва эстетикасини чуқур ўрганиш ва халқнинг онгига етказиб бериш борасида мана шундай улуг зотлар учун гўзал оқибатларнинг маҳсули сифатида республикамизда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1998 йил октябрида Самарқандда Президентимиз Ислום Каримовнинг шахсий ташаббуси билан унинг лойиҳаси асосида буюк зотнинг номини эъзозлаш ва қадрлаш мақсадида ҳазрат Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси очилди. Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий жамлаган ҳадисларда шахс эстетик маданиятининг олий кўриниши ислом дини асосида ёрқин ифодаб берилди.

Ҳадисларда шахснинг эстетик маданиятига оид хилма-хил фикрлар мавжуд. Уларда ҳар бир шахснинг тўғриси бўлиши, хушмуомалалиги, ўзида эстетик маданиятни намоён этиши масалаларига ҳам катта эътибор берилган бўлиб, «Кишининг гўзаллиги – унинг тилидан билинур...», «Кишининг беъмани гаплардан тилини тийиши – унинг мўминлиги нақадар чиройли эканлигидан дарак беради»⁹, деб таъкидланади.

Шахснинг эстетик маданиятини ёрқин ифодаб берувчи ҳадисларда ахлоқ ва гўзалликнинг алоқадорлиги масаласи ҳам чи-

5 Ўша манба. “Шўро” сураси, 23-оят.

6 Ўша манба. “Каҳф” сураси, 7-оят.

7 Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислום маданияти. Т.: Шарқ, 2005. Б. 267.

8 Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т.: Чўлпон, 1992. Б. 139.

9 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: Фан, 1990. Б. 80.

ройли тарзда баён этилган. Хусусан, «Сизларнинг яхшиларингиз — хушхулқ, ширин суҳбатлиларингиздир», «Сизларнинг яхшиларингиз ўз олган қарзларини чиройли қайтарадиганларингиздир» каби ҳадисларда шахс маънавияти ва маданиятининг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Шундай экан, ҳар бир «Мўмин кишига берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқдир. Унга берилган нарсаларнинг ёмони эса, кўриниши чиройли бўлса-да, қалбида ёмонлиги бориридир»¹⁰, дейилади.

Ҳадисларда шахс эстетик маданияти, дунёвий гўзаллик ва инсоний гўзаллик уйғунлигига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ҳадисларда табиат, жамият ва инсон (шахс) гўзаллиги борасида эстетик маданиятга оид фикрлар баён этилган. Бу ҳадисларда шахснинг эстетик маданияти беғубор ва мусаффо, кўркам дидли, маънавий кадриятлари нафосат ғояларига бой, покиза қалбли бўлишлари тасвирланган.

Бундан ташқари, шахснинг маънавий гўзаллиги унинг бахтли ҳаёти билан алоқадорлиги масаласига ҳам эътибор қаратилган. Бу борада «Кимки қалбини имон учун холис ва соғлом, тилини ростгўй, ўзини хотиржам, хулқини тўғри, қулоғини тингловчи, кўзни ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак, у бахтлидир»¹¹ дейилган ҳадисда шахснинг сабр-тоқати, матонати, иродаси ва имони гўзаллик олами асосида талқин этилади.

Ислом эстетик маданияти доимо шахснинг илоҳий севгиси, диний илм хазинаси, маънавий маданиятининг юксалишига катта таъсир этган. Ислом эстетик маданиятини илм-фан, билимлар, одоб-ахлоқ, ҳуқуқий воситалар, нафосат олами асосида англамас эканмиз, унинг моҳиятини ҳеч қачон тушунолмаимиз. Шундай экан, ислом эстетик маданияти шахснинг ҳар томонлама ривожланишига, ҳам диний, ҳам дунёвий билимларга, улуғвор туйғуларга эга бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Миллий университети докторанти.

МИСР МАМЛУКЛАРИ ДАВРИДА ҲАРБИЙ ТАРБИЯ ХУСУСИДА

Маълумки, Мисрда мамлуклар 1250–1517-йилларда ҳукмронлик қилганлар. Дастлаб мамлуклар ислом оламида Аббосий халифа Ма‘мун (813–833) даврида пайдо бўлган, сўнг халифа Му‘тасим (833–842) ўзининг ҳарбий қўшинида туркманлар ва хоразмликлар хизматидан фойдаланган. Шундан халифалик силсиласида мамлукларнинг муттасил ҳарбий хизмати бошланди¹. Шунингдек, Аббосийлар давлатида форслардан тузилган дастлабки шундай ҳарбий бўлинма халифа ишончини оқламаган. Буни яна халифаликда вазирлик лавозими форслар қўлига ўтиб қолгани, агар армияда ҳам форслар устунликка эришишса, ҳокимият тўлиғича уларга ўтиб кетиши мумкинлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу боисдан, халифалар ҳарбий хизматда туркийлардан фойдаланишни маъқул билганлар². Ҳаттоки ушбу жараёнда халифа ва ҳокимлар ўртасида ўзига хос мусобақа бошланган эди. Айниқса, Мисрда Тўлунийлар (868–905), Ихшидийлар (935–969), Фотимийлар (969–1171) сулолалари даврида мамлукларни ҳарбий хизматга жалб этиш жуда кенг тус олганини кузатишимиз мумкин.

1171 йилда Салоҳиддин Айюбий курд мамлукларидан тузилган ҳарбий қўшин ёрдамида Миср ҳукмрони бўлган эди. Унинг даврида турк мамлуклари янада кўпайди. 1174–1175-йилларда Бағдод халифаси Мустазиъ (1170–1180) Мисрда Салоҳиддин Айюбий ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, унга султонлик мансабини берди ва ҳуқуқий томондан ҳам тасдиқлади³. Бу шуни англатадики, султон Салоҳиддин ва унинг издошлари мустақил ҳукмдор сифатида давлатни бошқаришган. Уларнинг обрў-эътибори ошишига асосан диний омил сабаб бўлган. Зеро, Айюбийлар сулоласининг асосчиси биринчи навбатда фотимийлар даврида жорий этил-

1 Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта при черкесских султанах (1382–1517). Автореф. дис. ...кан. ист. наук. М., 1975. Б. 3. (Бундан кейин: Хасанов А.А. Автореферат.); Ал-Ибодий Аҳмад Мухтор. Фи-т-тарих ал-айюбий ва-л-мамлукий. Искандария: Ал-муассаса шаббоб ал-жоми‘а, 1992. Б. 6–7.

2 Қаранг: Ҳасан Али Иброҳим. Тарих ал-мамолик ал-бахрия. Қоҳира: Мактабат ан-наҳда ал-мисрия. 1967. Б. 23.

3 История стран Азии и Африки в средние века. М., 1969. Б. 278.

10 Ўша манба. Б. 88.

11 Ўша манба. Б. 114.

ган шиа йўналишини сиқиб чиқариб, суннийликни қайтаришга қарор қилди ҳамда фотимийларнинг Мисрдаги ҳукмронлик қолдиқларини тамомила йўқотиб, улар ўрнига ўзининг суннийлик сиёсатини кириштишга муваффақ бўлди⁴.

Аслида мамлук (кўплиги мамолик)“оқ кул” деган маънони англатиб, бунда улар қора кул “абид”лардан ажралиб туришлари учун ҳам шундай номланган.

1240 йилда мамлук ҳарбийлар Одил II ни тахтдан ағдариб, ўрнига Султон Солиҳ Нажмиддин (1240–1249) ни қўйдилар. Янги султон мамлуклар сотиб олиш ва уларга шарт-шароитлар яратиб беришга эътибор қаратди ҳамда шу мақсадда туркий мамлуклардан ташкил топган қўшинни Қоҳиранинг жанубий чегараларидаги Рўда⁵ оролида жойлаштирди ва шу даврдан бошлаб, уларни “Баҳрий мамлуклар”деб атай бошладилар⁶.

Мамлукларни бошқа давлатлардан харид қилиб, Мисрга кул сотувчи – “хавожа” лар олиб келарди. Ушбу иборани хорижий сотувчиларга нисбатан қўллаганлар⁷.

Ёш мамлукни ёши ва келиб чиқишига қараб бир хил ҳарбий казармага жойлаштиришган. Мактабнинг тузилиши, дастури ва ҳаёти ҳақида баъзи маълумотлар бор⁸. Дастлабки таълим жараёни Қуръонни ёд олиш билан бошланган. Ҳар бир тибокка (гурух) дин бўйича алоҳида ўқитувчи ёки фақиҳ ажратилган. У ҳар куни Қуръон ва шариат қоидалари ҳамда ўқишни ўргатарди. Сўнг фақиҳ ўз шогирдларига мусулмончилик қоидалари, руқнлари ҳақида ўқитган ва ниҳоят, ҳарбий санъатга, жумладан, чавандозлик сирлари, отиш ва бошқалардан билим берилган. Султон Барқук давридан “Куттобия” ҳарбий мактаби талабалари ўртасида чавандозлик бўйича мусобақа ўтказилиб, унда султон иштирок этган⁹.

4 Ар-Рофи'ий ва Ашур. Миср фи-л-усур ал-вуста. Б. 546–547; Сурур Мухаммад Жамолдин. Давлат аз-Зоҳир Бейбарс фи Миср. Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1993. Б. 10–15.

5 Рўда - луғавий маъноси – бог.

6 Ал-Айний, Бадр ад-дин. ‘Ақд ал-Жамон фи тарих аҳл аз-замон. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрия. Б.35; Хасанов А.А.Формирование черкесской группировки мамлюков в Египте // Арабские страны, Турция, Иран, Афганистан. История, экономика, М., 1973. Б. 158–166.

7 Ал-Қалқашандий, Шаҳобиддин. Китоб субҳ ал-‘А’ша фи қавонин ал-‘инша’. Ж.12. Қоҳира, 1913–1919. Б. 69–73. (Бундан кейин: Қалқашандий. Китоб субҳ.)

8 Ал-Макризий, Такийюддин. Китоб ал-Маво’из вал-‘и’тибор би зикр ал-хутат вал-осор. Булок, 1906–1908. Ж. 3. Б. 346.

9 Ибн Йёс Мухаммад ибн Аҳмад. Китоб тарих Миср ал-машхур би бадо’и аз-зухур фи вико’и ал-духур. Ж.1. Булок. 1893–1894. Б. 266 (Бундан кейин: Ибн Йёс. Китоб тарих Миср).

“Куттобия” каттиқ низомга бўйсунади. Дастлаб, казармалардан чиқиш, айниқса, кечқурун тақиқланган. Ҳафтада бир марта жамоа билан ҳаммомга борилган. Ҳарбий тайёргарлик вақтида аскарга ҳам, амирга ҳам мактаб талабалари билан гаплашиш, ҳатто, уларга яқинлашишга рухсат берилмаган. Бироқ аста-секин интизом енгиллашди. “Куттобия” талабаларига шаҳарга чиқиш ва кечқурун қолишларига ҳам рухсат берилди. Тибок тарбия, ҳарбий интизом жойидан фақатгина ўқитиш жойига айланди. Ўрта аср тарихчиси Ал-Макризийнинг айтишича, бу баҳрий мамлуклар амалга оширган интизомнинг секин-аста йўқолиши натижасида мамлукларнинг яхши одатлари унутилиши ва уларнинг кўпроқ тарбияси сушт одамларга айланишига олиб келди¹⁰.

Ҳарбий мактабдаги мамлук на шахсий қурул, на бошқа ҳарбий аслаҳа, на отга эга эмасди. Лекин улар қайд этилган ҳамма нарсани ўқишни тугатганларидан сўнг олганлар. “Куттобия” мактабини битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома (итоқа) тантана ва намойиш тарзида берилган. Бу ҳужжатнинг берилиши унинг озод бўлганлигини билдирган. Мамлуклар мусулмон қоидалари асосида бу маросимнинг ўтишига катта эътибор берганлар. Агар мамлук ўз вақтида озод қилинмаган бўлса ёки унинг озод қилиниши ноқонуний бўлса ёки у қоида бўйича амалга ошмаган бўлса, ҳаттоки, у олий тоифадаги амир бўлса ҳам унда қайтадан расмий равишда сотиб олиниши ва озод қилиниши амалга оширилган.

1363 йилда юзбоши Айтамиш ал-Асан Дамурий ўз вақтида Ҳалаб ҳокими амир Журжийнинг қули бўлган, Журжий Айтамишни ноқонуний равишда сотиб олган. Барқук тортишувларнинг олдини олиш ҳамда юзбошини ўлимдан халос этиш учун 100 минг динар тўлади ва уни шу заҳоти озод қилди. Бу ҳодисадан бироз ўтгач, уни бош қўмондон лавозимига тайинлади¹¹.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳарбий мактаб талабаларидан битирувчи гуруҳи қоида бўйича озод қилинган. Бир гуруҳда ўқиган

10 Ал-Макризий, Такийюддин. Китоб ал-Маво’из вал-‘и’тибор би зикр ал-хутат вал-осор. Булок, 1906–1908. Ж. 2. Б. 347–348.

11 Хасанов А.А. Автореферат. Б. 13.

мамлюкларни “хушдошия” деб аталган. Баъзи тарихчилар хушдошия (бирлиги хушдош) хакида куйидагича ёзадилар: «Мамлюклар даврида Мисрда садоқатли бўлиш, ҳамкасблик ришталари бўйича уларга тенги йўқ эди»¹².

Ўша даврда мамлюк салтанатга ёки катта лавозимларга кўтарилгандан сўнг, унда дўстликка садоқат ва ҳамкасблик унутилса, ёшлигидан бирга ўсган мамлюкларини эсдан чиқарса айб ҳисобланарди.

Улар ўзларининг ичидан бирини султонлик даражасига эришишига интиланлар. Агар бу хоҳиш амалга ошса, унинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, султон бўлган хушдош масъул лавозимларга ўзининг собиқ кулликдаги ўртоқларини кўйишга интиларди. Улар орасидаги руҳий ҳолат шундай кучли эдики, бир-бирини қўллашдан бош тортиш, ўзаро жанжаллашиш пасткашлик ҳисобланган. Шу билан бирга, хушдошиялар орасида кучли ва инсофли амирлар бор эдики, улар ҳокимият учун курашмаган.

Мамлюкларнинг балоғат ёшига етган бўлиши озод қилишнинг мажбурий шарти саналган. Султоннинг ўлими ёки тахтдан афдарилиши натижасида мактабни якунлай олмаган мамлюкларни байт ал-молга (ҳазина бўлими) юборишган, унда қози гувоҳлигида уларни янги султон сотиб олган.

Ҳарбий мактабда билим олган султон мамлюклари зобитлар тайёрловчи махсус мактаб йўқлиги туфайли кўшин амирлари бўлиб чиққанлар. Султон мамлюкларига нисбатан амир мамлюкларида заифлик бўлган. Султон мамлюкларининг ҳарбий кучи ва сиёсий таъсири шундаки, улар мамлакатнинг турли қисмларига юборилмай, пойтахтда қолдирилари.

Шарқшунос олим А.Ҳасановнинг эътирофи этишича, султон мамлюклари икки қисмга ажратилганди: 1) Тахтдаги султон мамлюклари – “Муштаравот”, “жилбон”; 2) собиқ хўжайинларидан амалдаги султон хизматида ўтган мамлюклар, сўнгилари ҳам ўз навбатида икки қисмга бўлинган: а) собиқ султондан ўтган мамлюклар – “Мамолик ал-салотин ал-

Известно, что династия мамлюков находилась у власти в средневековом Египте в течение 1250–1517 годов. Данная статья посвящена изучению и анализу материалов, связанных с военной подготовкой у мамлюков. Автор путём анализа данных, полученных из различных исследований, сопоставляя их с историческими источниками на арабском языке, приводит сведения о том, что, когда мамлюка покупали, его отправляли в военную школу, где обучали сначала Корану и шариатским наукам, а потом военным дисциплинам. Также была отмечена разница между мамлюками султана и эмира и взаимоотношение братьев.

It is known that Mamluks governed Egypt during 1250-1517. This article is dedicated to the military discipline of Mamluks. The author studied the difference between Mamluks of amir and sultan compares them with sources in the Arabic language. After Mamluk had been bought, he was sent to military school where he studied Koran and Sharia and military sciences as well. The author also examines the relation between brothers.

мутақаддим”, “ал-қарониса” ва “ал-қаронис”; б) амирнинг ўлиmidан сўнг тахтдаги султонга ўтган мамлюклар – “сайфия”¹³. Фотимийлар сулоласи даврида улар “сибйан ал-хужар” номи билан машхур бўлган. Сайфия сўзи черкеслар даврида юзага келган. Сайф ад-дин (диннинг қиличи) иборасидан олинган бўлиб, ўша вақт амирлари бу номга эга эди. Табиийки, бошқа бир жамоа хўжайини хизматида бўлган ҳар бир сайфия мамлуки ушбу султон ва унинг бошқарувидаги жилбон ва қаронис билан киришиб кетгунга қадар бегонадек бўлган. Сайфиянинг ҳолати бошқа султон мамлюкларининг ҳолатига қараганда ёмонроқ бўлган. Баъзида султонлар сайфиялар сонини амирларга бир қисмини қайтариш билан қисқартирардилар. Сайфияларнинг аксарияти юқори Миср ва бошқа жойларга узок муддатга сафар қилинган. Сайфиялар сиёсий куч сифатида заиф бўлиб, ўз билганларича ҳаракат қилмасди. Одатда улар қаронис то-

¹² Wiet Paeis. ‘dep ‘Historia Egypte. Б. 238.

¹³ Хасанов А.А. Автореферат. Б. 13.

монида туриб, уларнинг курашларида уларга ёрдамчи сифатида қатнашарди.

Черкеслар даврида ўсмирлар ва катта ёшдаги кулларнинг кўплаб келтирилиши натижасида уларни ҳарбий санъатга ўргатиш қийин кечган, жилбон секин-аста ўз кучини йўқота борган, бироқ кураш майдонида улар сиёсий фитналарда эпчилликлари билан ажралиб турардилар, шунинг натижасида қолган мамлуклар жамоасини ўзига бўйсундириш, назорат қилишга интилардилар. Ўрта аср тарихчиси Ибн Тангриберди 1453–1461-йилларда ҳукмронлик қилган Султон Инол даври ҳақида гапириб, султон ўз мамлуклари устидан назоратни бутунлай йўқотганини айтади. Бу ҳақда мамлук манбалари жилбон террори, бозордаги келишмовчиликлар, дўконлардаги ўғрилиқ, шаҳарликлар уй-жойини ёқиш каби ҳолатлар ҳақида хабарлар беради. Иш шу даражага бориб етадики, жилбонлар бир куни одамлар орасида обрўсизлантирилиб, султонни тошбўрон қиладилар¹⁴. Бироқ султон ўз мамлукларини ўғрилиқ учун жазолаб, қўл ёки оёғини кесишга ҳукм қилгани ҳақида маълумотлар ҳам келтирилади.

Черкес мамлуклари ҳукмронлиги даврида баҳрийлар замонидаги минглаб шахсий мамлукларига эга бўлган кучли амирлар сафдан чиқа бошлади. Маълумки, Амир Йилбуғада 1000 та мамлук бўлган. Шунини айтиш жоизки, черкеслар даврида кўп мамлукка эга бўлган ҳар қандай амир султонга қарши чиқишга тайёргарлик кўриши мумкин эканлиги кўриниб турарди. Ибн Йёснинг “Баъзи амирларда мамлуклар сони 5–7 минг эди”, деб келтирган маълумотлари бошқа манбалар томонидан тасдиқланмаган¹⁵.

Амирларнинг умумий сони муқим эмасди. Султон Носир Муҳаммад уюштирган 1315-йилдаги ер бўлишда “амир ми’а муқаддам алф”, яъни 100 мамлукка эга ва 1000 устидан қўмондонларни 24 та деб ҳисоблашган. Лекин ал-Қалқашандий уларнинг сонини ҳар доим кўтарилиб-тушиб турувчи деб, қуйи ва юқори Миср, Искандария ҳокимини ҳисоблаганда 18–20 та деб ёзади¹⁶.

Кейинчалик юзбоши амирлар сони 1423-йилда 11 тага, 1460-йилда 12 тага, 1463-йилда 13 тага, 1467-йилда 14 тага камайди. Бироқ XVI аср бошида бу кўрсаткич ўсди: 1502-йилда 26 та, 1514-йилда 27 та юзбоши амирлар ҳисобланган¹⁷.

Турли тоифадаги амирларнинг сони ҳар хил султонда турлича эди, чунки янги султон хоҳлаган амирнинг лавозимини кўтариши ёки тушириши мумкин эди. Лекин аниғи шуки, черкеслар даврида амирлар сони баҳрийлар давридагига қараганда кам эди.

Мамлуклар бир неча хўжайинга эга бўлганлар. Энг асосийси уни сотиб олиб тарбиялаган ва озод қилгани эди. Мамлуклар уларни «ал-устоз» деб атарди. Мамлук фақатгина унга нисбатан боғланган ва охирги кунигача содиқ бўлган. Ўз устозига содиқликнинг бузилиши энг ёмон ҳолат деб баҳоланган. Мамлук ўз устозига агар собиқ қул бўлиб, сўнг султон бўлган бўлса ҳам эхтиром кўрсатган. Шунингдек, вақф хужжатларида вақф мулкидан тушган фойданинг бир қисми устознинг қабрини таъмирлашга сарфлангани хусусида маълумотлар мавжуд¹⁸.

Мамлуклар маҳаллий аҳолига уйланиши мумкин бўлмаган. Қул сотувчилар Мовароуннаҳр халқларидан жорияларни келтиришган ва уларга султон тасдиғидан сўнггина амир ва мамлуклар уйланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биронта ҳам никоҳ султоннинг розилигисиз бўлмасди, бундай аралашув ген бузилишига олиб келиши мумкинлигидан ҳисобга олинган. Ушбу кўрсатмалар баъзида мамлуклар томонидан бузилган. Мамлук тарихчилари бу ва аксарият бошқа тартиб бузилиши ҳолатларидан мамлуклар қондасига амал қилмаслик натижасида уларнинг ахлоқи ёмонлашган деб кўрсатадилар. Аслида мамлуклар наслининг кўпчилиги тоза мамлук қонидан эди.

Ҳарбий мактабда ёш мамлук “ини”, унинг тарбиячиси “оға” деб аталарди. Мактабни тугатгандан сўнг мамлук озод бўлгач, унинг кўтарилиши оға ва ини ўртасидаги алоқаларга боғлиқ эди. Кўпинча мамлук

14 Ибн Тангриберди Абу ал-Маҳосин. Китоаб ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва-л-Қоҳира. Қоҳира, 1963–1972. Б. 101, 151–152.

15 Ибн Йёс. Китоаб тарих Миср. Ж. 1. Б. 315.

16 Ал-Қалқашандий. Китоаб субҳ., Ж. 4. Б. 14.

17 Хасанов А.А. Автореферат. Б. 15.

18 Ашур. Ал-муҷтама ал-мисрий фи аср салотин ал-мамолик. Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1962. Б. 24.

мансабининг кўтарилишига оғанинг тавсияси сабаб бўлган. Мансабларни, мукофотни тақсимлашда оға катта рол ўйнади. Шу ҳам маълумки, 1482-йилда султон «оғанинг розилигисиз мамлукни никоҳ қилиш ҳақида қозига (махд ал-‘адл) ман қилувчи фармонни берди»¹⁹.

Алоҳида ҳолатларни эътиборга олмаганда, агар оға тавсия бермаса инининг мансаби кўтарилиши мумкин эмасди. Казармада қанча оға бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ, ҳар бир тибокнинг бошқарувчиси – оға ат-тибоқа бўлган²⁰.

Агар мамлуклар тизими ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу деярли 100 йиллик даврни ўз ичига олган, худди ўрта аср Япония тарихидаги “самурайлар”га ўхшаш Яқин Шарқ учун хос бўлган ҳодиса деб қиёслаш мумкин. Худди ўрта аср самурайларининг бугунги Японияда таъсири сақланиб қолгани каби Мисрда ҳам мамлуклар таъсирини кўриш мумкин.

Демак, султон мамлуклари махсус ҳарбий мактабларда Қуръони карим ва шариат илмлари, чавандозлик сирларидан билим олганлар. Баҳрий мамлуклар даврида ҳарбий интизом кучли тартиб асосида бўлган, черкеслар даврида у аста-секин сусайиб борди.

Зухра АРИПОВА,
тарих фанлари номзоди.



ИСЛОМДА ИНСОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосий мақсад ва вазифаси – халқаро ҳамжамият аъзолари бўлмиш давлатлараро муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ушбу бошқарув тенглик ва адолат тамойиллари асосида амалга оширилади. Ислом халқаро ҳуқуқи доктринасининг ҳам асосий мақсади, халқаро муносабатларни ўзаро тенглик тамойилларига асосланган ҳолда тартибга солишдан иборатдир.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойиллари ва ислом халқаро ҳуқуқининг тамойиллари кўпгина масалаларда ўхшашдир. Бу икки ҳуқуқий тизимнинг ўртасида фарқ катта эмас.

Агар халқаро ҳуқуқни тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизими деб таърифлайдиган бўлсак, ислом халқаро ҳуқуқига Қуръон ва суннага асосланган ҳолда давлатлар орасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган шариат ҳукмлари мажмуаси, дея таъриф бериш мумкин.

Ислом халқаро ҳуқуқи – давлатнинг бошқа хорижий давлатлар, ташкилотлар билан алоқаларини йўлга қўйиш, ислом ва мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатлар ўртасидаги уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилиш қабиларни ўз ичига олади.

Ислом халқаро ҳуқуқи концепцияси манбаларига: Қуръон, сунна, халифаларнинг дипломатик тажрибаларидан прецедентлар, бошқа мусулмон ҳукмдорларнинг тажрибадаги прецедентлари, атоқли ва машҳур олимларнинг фикрлари, суд қарорлари, битимлар ва бошқа халқаро актлар, алоҳида давлатларнинг қонунлари, урф-одатлар кирази.

Ислом дини таълимоти ёйилгунга қадар ҳам қабилалараро турли тарзда иттифоқлар тузилиб турган. Мисол учун «Мухаммад (с.а.в.) 14 ёки 15 ёшида экан, икки қабила ўртасида уруш чиқади. Бу уруш дам тўхтаб, дам қўзғалиб, узоқ давом этади. Ўшанда арабларда тўрт ой муқаддас саналарди. Бу – Зулқаъда, Зулҳижжа, Мухаррам ва Ражаб ойлари. Ҳатто ана шу қутлуғ айёмларда ҳам одамлар ўзаро жанг-жадал қилиб, қон тўкишлари Мухаммадни из-

¹⁹ Хасанов А.А. Автореферат. Б. 16.

²⁰ Ибн Иёс. Китоб тарих Миср. Ж. 2. Б. 16.

тиробга солади. Оқсоқоллар билан кенгашиб, ўз қабиласи аъзолари билан келишиб, амаки-ваччаси Зубайр (Абу Толибнинг ўғли) бошчилигида қабилалараро иттифоқ тузади. Иттифоқ аъзолари:

- мамлакатда ҳукм сураётган бошбош-доқликка чек қўйишга;
- карвонларни ўғри ва қароқчилардан ҳимоя этишга;
- камбағалларга ёрдамлашишга;
- жинойтчиларни Маккага қўймасликка;
- безориларни жазолашга қасамёд қиладилар»¹.

Ислом динида турли давлатлар билан алоқалар қўллаб-қувватланар экан, ислом ва мусулмонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари каттиқ ҳимояланади. 1980 йилда Сурия Вақф ишлари вазирлиги таклифига биноан тарихда биринчи бор “Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари ислом декларацияси” қабул қилинди. Ушбу декларацияга мувофиқ ислом халқаро ҳуқуқида қуйидаги инсон ҳуқуқларига қонуний тус берилди:

- «яшаш ҳуқуқи;
- тенглик ҳуқуқи;
- озодлик ҳуқуқи;
- ҳур фикрлилик ҳуқуқи;
- сиёсий эркинлик ҳуқуқи;
- эмиграция ва бошпана ҳуқуқи;
- муносиб турмуш тарзини таъминловчи меҳнат ҳуқуқи;
- одил судлов ҳуқуқи;
- қонун олдида тенглик ҳуқуқи;
- шахс шаъни ҳимояси ҳуқуқи;
- ижтимоий барқарорлик ҳуқуқи;
- оила қуриш ҳуқуқи;
- шахсий ҳаёт ва хавфсизлик ҳуқуқи;
- шахс кадр-қиммати ҳуқуқи;
- таълим олиш ҳуқуқи;
- мустабидликка қарши эътироз билдириш ҳуқуқи;
- сўз эркинлиги ҳуқуқи;
- жамоавий йиғилиш ҳуқуқи;
- виждон эркинлиги ҳуқуқи;
- диний ҳис-туйғулар ҳимояси ҳуқуқи;
- давлат ишларида иштирок этиш ҳуқуқи;
- муносиб ҳаётга бўлган ҳуқуқ;
- майитни ҳурмат қилиш ҳуқуқи»².

Умумислом декларациясидаги кўплаб моддалар «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси», 1966 йилги Халқаро пактлар, Инсон

ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисидаги Европа конвенцияси ва бошқалар билан ўхшаш.

Машҳур араб ҳуқуқшуноси Ваҳба Зухайлий исломда инсон ҳуқуқларига таъриф берар экан, шундай деб ёзган:

«Ислом конференцияси ташкилотига аъзо бўлган давлатлар Аллоҳ таоло инсонни энг яхши сифатлар асосида яратганини, Ер юзига халифа қилиб юборганини, Еру осмондаги барча нарсаларнинг сир-асрорини ўргатганини тан олишади. Бунга далил сифатида Аллоҳ таоло Муҳаммад (с.а.в.)ни инсонларни тўғри йўлга бошлаб, истибдоддан халос қилиш учун вакил қилиб юборган. Инсонлар орасида ҳамкорлик алоқаларини тарғиб қилиб, ҳеч бир инсон бошқа инсондан устун бўлиши мумкин эмаслигини айтган. Ирқий, табақавий фарқланишларни инкор этгани ҳолда, барча инсонлар бир одамдан яратилганини уқтирган. Холис тавҳид ақидасидан келиб чиқиб, инсонларни Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмасликка ва унга ширк келтирмасликка буюрган. Ушбу давлатлар инсонларнинг қуйидаги ҳуқуқларини ҳимоялашга ҳамда озодликларини таъминлашга келишиб олишган:

Асосий ҳуқуқлар:

Биринчи модда:

– башарият қайси қитъадан бўлишидан қатъи назар, бир оиладир, бир ота-онадан яратилган, кадр-қиммат, бурч ва мажбуриятлари тенг;

– ирк, тил, дин, жинс, ақида, сиёсий мансублик, ижтимоий ҳолатдан қатъи назар ажратилмайди.

Иккинчи модда:

Инсон ҳур, эркин бўлиб туғилади, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга қул эмас. У эксплуатация қилинадиган махлуқ ҳам эмас.

Учинчи модда:

Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи шариат билан кафолатланган; шахс, жамоалар, давлат ушбу ҳуқуқни ҳар қандай ҳужумдан ҳимоя қилиши керак. Бу – башариятнинг ҳаёти давом этишининг усулларида бири. Ҳар бир инсон ўзи ва оиласи билан хавфсиз яшаши, ижтимоий мавқе ва мол-мулкнинг ҳар қандай хавфидан озод бўлиши мумкин.

Тўртинчи модда:

Ҳар ким бирор динга эътиқод қилиш ҳуқуқига эга ҳамда динда зўрлаш йўқ. Уни ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди»³.

¹ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Муҳаммад пайғамбар киссаси, ҳадислар. Т.: Камалак, 1991. Б. 14.

² Ваҳба Зухайлий. Ал-фикхул-ислабий ва адиллатуху. 8-жилд. Дамашк, 1997. Б. 6446–6455.

³ Ўша манба. Б. 6447–6449.

Муаллиф шу тариқа ислом халқаро ҳукуки доктринасидаги асосий инсоний ҳуқуқ ва эркинликларга шарҳ берган:

1. Инсонларнинг ўзаро тенглиги.
2. Озодлик.
3. Яшаш.
4. Виждон эркинлиги.

Инсон ҳуқуқларига бўлган юксак эътиборни ислом халқаро ҳуқуқига тегишли вазифаларда ҳам кузатиш мумкин. Биринчи вазифа: халқаро ҳаёт заруриятларига эътибор беришга асосланган вазифа бўлиб, ҳар бир давлат халқаро майдонда мустақил субъект сифатида ўз фаолиятини амалга оширади. Ислом халқаро ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ тамойилларининг мақсади тинчликни таъминлашдан иборат. Ушбу вазифанинг иккинчи қисми ислом давлатининг ерларини ва аҳоли эркинлигини муҳофаза қилишдир. Ҳар бир давлатга ўзининг ҳудуди, мол-мулки ва ундаги инсонларни ҳимоя қилиш, шунингдек, ўз фуқароларига ташқи ҳудудларда бўлса ҳам, ғамхўрлик қилиш ва ҳимоя қилиш вожиблиги юклатилган.

Ислом халқаро ҳуқуқининг иккинчи вазифаси – имконият ва қудрат борица зулм кўрган мусулмонларни ҳоҳ битта мўмин бўлсин, ҳоҳ катта бир мўминлар жамоаси бўлсин ҳимоя қилиш, ёрдамга муҳтож мусулмонларни қутқариш ёки бошқа давлатлардаги камсонлиларини адолатсизликдан ва ҳуқуқларининг чекланишидан ҳимоя қилишдир.

Бу борада Аллоҳ таоло: «Албатта, имон келтирган, ҳижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган ва (муҳожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстдирлар. ...Агар (улар) сизлардан дин хусусида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш сизнинг зиммангиздадир»⁴, деб айтган. Ҳадиси шарифда ҳам Расулulloҳ (с.а.в.): «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. У биродарига зулм қилмайди, хиёнат қилмайди. Биродарининг ҳожатини чиқарганининг ҳожатини Аллоҳ чиқаради. Мусулмоннинг оғирини енгил қилган кишининг оғирини қиёмат кунинда Аллоҳ енгил қилади. Мусулмонни паноҳига олгани қиёмат кунинда Аллоҳ паноҳига олади», деганлар. (Имом Бухорий ривояти, 2262-ҳадис)⁵.

4 Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. Т.: Тошкент ислом университети, 2006. «Анфол» сураси, 72-оят. Б. 186.

5 Ваҳба Зухайлий. Ал-фикхул-ислабий ва адиллатуху. 8-жилд. Дамашк, 1997. Б. 6408.

Данная статья рассматривает основные права человека в сфере международного права, такие как право на равенство, на свободу личности, на жизнь и на свободу совести. Также в ней приводятся некоторые исторические сведения о деятельности пророка Мухаммада, в которых речь идёт об отношениях мусульман с разными общинами. Из этой статьи читатель может узнать, что основы исламского международного права были заложены ещё в 7–8 веках.

This article sheds light on the main rights of a person within the sphere of international law, such as rights to equality, freedom of personality, life and conscience. Additionally, the author provides some historical facts about the life of Prophet Muhammad, as well as information on the relations of Muslims with diverse cultures and communities. Furthermore, the author proves that the roots of Islamic international law were already established in the 7–8 th centuries.

Юқорида кўриб чиққан мисолларимиз ислом ҳуқуқида инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларига бир назар эди холос. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ҳозирги замон жаҳон ҳамжамияти тарафидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва тамойиллари ислом динининг манбалари бўлимиш Қуръони карим ва суннатда 7-8 асрлардаёқ ўз ҳуқуқий асосини топган. Бунда нафақат мусулмонларнинг, балки мусулмон бўлмаган аҳолининг ҳам манфаатлари инобатга олинган бўлиб, уларга муносиб турмуш тарзини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги уқтирилган. Бугунги кунимизда ҳам мусулмон давлатларининг дунёдаги бошқа номусулмон мамлакатлар билан ўзаро дўстона муносабатларни олиб боришлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дилафруз МАДАМИНОВА,

Тошкент ислом университети аспиранти.



«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»ДАГИ МАЪНО ТОРАЙИШИГА УЧРАГАН ЛЕКСЕМАЛАР ХУСУСИДА

Лексеманинг лексик-семантик ҳаракати системли ва асистемли муносабатларнинг мураккаб қоришмасини рўёбга чиқаради, лексик бирликлардаги тарихий-ижтимоий ўзгаришларни акс эттиради. Шу боис, лисоний янгиликларни нафақат сўз яшаш усуллари, шунингдек, маъно хусусиятлари жиҳатдан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Тилда узоқ вақтлар давомида инсонлар мулоқоти учун хизмат қилиб келаётган лексемаларга янги маъно юклатилиши билан боғлиқ лисоний ҳодисани ҳам диахрон, ҳам синхрон аспектларда тадқиқ этиш муҳим масалалар сирасига киради¹.

Сўзнинг лексик маънога эғалиги уни тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги эканлигини белгилайди. Бироқ барча сўзлар ҳам лексик маънони ифодаламайди. Шу боис, ўзбек тилшунослигида лексик маънога эга ва эга бўлмаган сўзларни фарқлаш, тил ва нутқ ҳодисаларининг номларини ажратиш мақсадида лексик маъно ифодаладиган сўзларга нисбатан лексема атамаси қўлланмоқда. Демак, тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги лексик маъноли сўз ёки лексемадир².

Сўзнинг лексик маъноси анча барқарор бўлса-да, узоқ йиллар мобайнида маълум омиллар таъсирида ўзгариб боради: 1) экстралингвистик (нолисоний) омиллар – ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, онг, тафаккур ривож ва бошқалар; 2) лингвистик(лисоний) омиллар – тил бирликларининг тил системаси ичидаги муносабатлари³. Бинобарин, сўз маъноларининг ўзгариши хилма-хил ва мураккаб жараён ҳисобланади. Жумладан, лексема маъносининг торайиши, кенгайиши ва янги сема касб этиши узоқ давр маҳсулидир. Шу маънода, XIII аср охири – XIV аср биринчи ярмида яшаган Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида (1309–1310-йилларда ёзилган) қўлланилган

лексемаларнинг маъно тараққиётини ўрганиш натижасида айрим сўзлар семантик структурасида торайиш юз берганлиги ойдинлашди.

Маъно торайиши – аввал кенг ҳажмдаги воқеликни ифодаловчи маънонинг кейинчалик тор доирадаги воқеликни англатишга ўтишидир⁴. Тадқиқ этилаётган асар луғат таркибидаги бир қатор лексемаларда маъно торайиши ҳодисаси уларнинг муайян семалари истеъмолдан чиқиши ҳисобига содир бўлган. Жумладан, алп сўзи Ўрхун-Энасой ёдномалари, Турфон матнлари, моний ёзув ёдгорликлари ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони”да қуйидаги маъноларда ишлатилган: 1) “моҳир мерган”: Ат сар алп эртингиз... – отишда моҳир мерган эдингиз; 2) “қахрамон, баҳодир”: алплар бирла урушма – баҳодирлар билан урушма; 3) “жасур, қўрқмас, мард”: ...Алп қаған эрмиш – мард ҳоқон эркан; 4) “жасорат, журъат”: Алпын эрдамин эл тутмыш – давлатнинг қондаси мардлик ва жасорат билан⁵. “Лексика среднеазиатского тифсира XII–XIII вв.”; Маҳмуд ибн Саройининг “Нахжул-фародис” ҳамда “Қисаси Рабғузий” асарларида лексеманинг фақатгина иккинчи маъноси кўзга ташланади: Омар... ар арди йўраклик айбар алп арди⁶; Мэни алп баҳотур тэсунлар⁷; Алп йураклик кучунга қуванур эрди (61v14)⁸.

Артат= феъли қадимги туркий тил обидалари ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида 1) “нобуд қилмоқ”; 2) “вайрон қилмоқ, йўқ қилмоқ”; 3) “сарф қилмоқ, харжламоқ”; 4) “бузмоқ”; 5) “бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ” (кўчма); 6) “парчаламоқ, йўлдан оздирмоқ” (ДТС, 127) семаларини ифодалаган. Лексема “Тафсир”, XIV аср Хоразм ёдномаларида учрамаса-да, тадқиқот объекти қилиб олинган манбада ўзининг биргина, яъни “бузмоқ” маъносини сақлаб қолган. Анынг учун ким Расул йарлықады. Мэн намоз қылурда бир дэв кирди намозымны артатгал... (146r13)⁹. Бу ўринда мазкур сўз буз= феъли билан маънодошлик қаторини юзага келтирган: Куртқа бузар минг ишни қайра тузар тиласа (80v14)¹⁰.

4 Ҳакимова М. Семасиология. Т., 2008. Б. 67.

5 Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С.36. (Бундан кейин: ДТС)

6 Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тифсира XII–XIII вв. М.: Изд-во восточной лит-ры, 1963. С. 26–67. (Бундан кейин: «Тафсир»)

7 Нахджул-фародис// Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. Т.: Фан, 1966–1971. С. 203–68. (Бундан кейин: НФ)

8 Aysu Ata. Nasirud-din bin Burhanud-din Rabguzi. Kisasul-enbiya. I том. Анкара, 1997. – 616 б; II том. Анкара, 1997. – 820 б.

9 Ўша манба.

10 Ўша манба.

1 Брагина А.А. Лексика языка и культуры страны. М., 1981. С. 28. Қаранг: Дадабоев Ҳ. «Қисаси Рабғузий»да қўлланган сал= феълининг семалари хусусида // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2006. Б. 22.

2 Ҳакимова М. Семасиология. Т., 2008. Б. 31.

3 Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2004. Б. 21.

Ақ сифати илк бор Ўрхун-Энасой битиктошларида “кулранг, бўз” (от туси) маъносида ишлатилган: Ақ биси қулунламыш – кулранг бияси қулунлади. Мазкур лексик бирлик Турфон матнларида кўчма маънода “яхши таъсир кўрсатадиган, кўнгилдагидек, ижобий” семасини англатган: ақ қышын аз – твоих благоприятных зим мало (ДТС, 48). Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида сўзнинг дастлабки маъноси сақланиб қолган ҳолда, унинг янги “оқ” семаси ривожланади: Ақ булут (ДТС, 48). “Тафсир”да терминнинг “оқ”, “ёруғ” (светлый) маънолари кузатилади: Қызыл тақы ақ йақутдын (138,17); ...Йузлар ул кун ақ болуб... (12568). Қисса тилида эса лексема “оқ”: Ҳур ақ тэмәк болур (171v5); “кулранг оқиш, бўз”: Фарманлады ақ йаған кэлтурдылар (148r14)¹¹ маъноларини билдирган.

Бундан ташқари, асар тилида таҳлил қилинаётган истилоҳнинг урунг синоними ҳам истеъмолда бўлган: ... урунг йузлук, кийик кўзлук, йинчга бэллик... (85v13)¹². Ушбу сўз биринчи марта Тонюкук ёдгорлигида кўзга ташланади: Сарығ алтун урунг кумуш – сариқ – олтин, оқ – кумуш (ДТС, 627). Демак, маълум бўладики, қадимги туркий тилда “оқ” семасини урунг лексемаси ифодалаган. Ақ сифати эса айни маънода XI асрдан бошлаб ишлатила бошланган.

Ағу XI–XII аср туркий ёзма ёдгорликлари ҳамда Берлин тўпламидан ўрин олган уйғур ёзувидаги ҳужжатларда “захар”, “захарли бўлиш, захарли” (ДТС, 24) маъноларини ифодалаган. Тадқиқ қилинаётган манбада лексеманинг биринчи маъноси қайд этилган: Эримдин қорқар эрсанг ағу бэриб ўлтурайин (81r21)¹³. Ушбу сўз қадимги туркий тилда “захарламоқ” маъносини англатган а:ғ= феъли билан –ы қўшимчасининг –у шаклидан ясалган¹⁴.

Қадимги туркий тил ҳамда Қорахонийлар даври ёдномаларида бағ лексемаси 1) “кишан, банд”; 2) “боғич, боғ”; 3) “тугун, боғлам, тахлам”; 4) “жилд, бўлим”; 5) “группа, гурух” (ДТС, 77) маъноларини ифодалашга хизмат қилган бўлса, “Қисаси Рабғузий”да қуйидаги семаларда истифода этилган: а) “кишан, банд”: Ўзга кучлук бойнағуларны тэнгиз тубинда бағда, буқағуда тутды (146r16)¹⁵. Айни пайт-

В данной статье анализируются слова, подвергнутые смысловому сужению в словарном составе произведения XIV века «Кисаси Рабгузи». Вначале раскрыты закономерности перехода значения, означающего действительность с широким объемом, в значение, которое означает действительность с узким объемом. А также идет речь о том, что это явление смыслового сужения, которое наблюдается в словарном запасе произведения, является продуктом развития общества и, в основном, сложилось в результате сдвигов многозначных слов к однозначным словам (моносемантика), выражения их значений другими лексемами, относящимися к тюркским и заимствованным пластам.

The article analyzes the words, subjected to semantic contraction in the vocabulary of the work of the 14th century «Kisasi Rabguzi». The author reveals the questions of the regularities of the transition of meaning, denoting reality with broad volume in meaning, which means reality with narrow volume. As well as, the phenomena of the semantic contraction, which exists in the vocabulary of the work, is a product of the development of society. Basically, it arose from the moving of polysemantic words to monosemantic words and expression of their meanings by other lexemes, referring to Turkic and borrowed words.

да ушбу термин кишан, буқағу сўзларига синоним тарзида қўлланилган: Азақымға кишан урдила (74r7); Азақларынға буқағу урди (154r5); От Иброҳим бағларын кўйурди (42r17); б) “боғич, боғ”: Ич тон бағларын кэнг қилманг (57v9); в) “боғлам, тахлам”: Бир бағ чўплук буғдайны кэлтурди (15v12)¹⁶. Сўзнинг дастлабки иккита маъносини “Тафсир” асарида ҳам учратиш мумкин: “боғ”: Итның бағыны йаздылар (9,22); “кишан”: Улаштурғай башы бирла аяқлары тэмур бағлар бирла (66, 14). Бу от қадимги туркий тилда “бириктирмоқ” маъносини билдирган ба:= феълига –ғ аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, I, 62–63).

“Билим” тушунчаси илк марта Култегин битиктошида “билим – тажриба орттирмоқ” маъносини англатган бил= феълидан –(и)г аффикси орқали ясалган (ЎТЭЛ, I, 50) билиг

¹¹ Ўша манба.

¹² Ўша манба.

¹³ Ўша манба.

¹⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I–II. Т.: Университет, 2000–2001. 1-жилд. Б. 267. (Бундан кейин: ЎТЭЛ)

¹⁵ Aysu Ata. Nasirud-din bin Burhanud-din Rabguzi. Kisasul-enbiya. I том. Анкара, 1997. – 616 б; II том. Анкара, 1997. – 820 б.

¹⁶ Ўша манба.

лексемаси ёрдамида очиб берилган: Айыг билиг анта ўйур эрмиш – улар у ердан ўзларига ёмон билимларни ўзлаштириб олган (ДТС, 99). Лексема “Девону луғотит турк”да ўзининг асл маъносини давом эттирган: Ула болса йол азмас билиг болса сўз йазмас – белги бўлса одам йўлдан адашмайди, билим бўлса киши сўзда янглишмайди¹⁷. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий ушбу терминнинг “ақл, идрок”, “ҳикмат” (МК, I, 367) маъноларини ҳам кўрсатиб ўтади: Билиг киши ара улуглуг ол – ақл инсонлар ўртасида тақсимланган (ДТС, 100). Берлин тўпламидаги уйғур ёзувида битилган ҳужжатларда истилоҳнинг тўртинчи, яъни “эҳтиёткорлик” маъноси учрайди: Йити билигин йармыш кэргак – ярани жуда эҳтиёткорлик билан очиш лозим (ДТС, 100). Қисса тилида билиг лексемаси моносемантикка қараб силжийди ва асосан “билим – тажриба”, “ҳикмат” семалярини англатиш учун хизмат қилади: Сулаймон айди бу билигни кимдин ўграндинг? (139v8); Аймышлар ул ганжда бир олтун тахтада бар эди билиг сўзлари битиглиг, сўз бу эрди (131r3)¹⁸. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Рабғузий зикр этилган маънони ёритиш учун арабча илм синонимидан ҳам фойдаланган: Мусо айди: мэн сэнинг бирла турайын илм ўгранайин тэйу кэлдим (130r2)¹⁹.

Эски туркий адабий тилнинг дастлабки обидаларидан саналган “Девону луғотит турк” асарида бус лексемасининг иккита маъноси келтириб ўтилган: а) “туман”: Кўк бус болды – осмонни туман қоплади; б) кўчма маънода “хира”: Эр кўзи бус болды – эр кишининг кўзи хира тортди (ДТС, 127). Мазкур сўз тадқиқ этилаётган манбада биринчи семасини сақлаб қолган: Астын қапуғны ачтурды, нэ кўрунур? тэса йэма бус кўрунур тэди (44r11)²⁰. Кези келганда айтиш лозимки, ёдномада айни маъно думан лексемасига ҳам юкланган: Ул думантэк кўп туман тоғ турғузуб йуз минг араб (181v20)²¹. Бу сўз даставвал Ўрхун-Энасой битиктошларида туман шаклида қайд этилган: Уза туман турды асра тоз турды – юқорини туман, пастни эса чанг қоплади (ДТС, 585). Туман//думан этимологияси ҳақида баъзи фикрлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, профессор Ш.Раҳматуллаев тум (“намлик”) отидан – а

кўшимчаси билан феъл ясалган ва ундан –н аффикси ёрдамида от ҳосил қилинган деб таъкидлайди (ЎТЭЛ, I, 359).

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида йалавач 1) “элчи”: Бу йанглыг йалавач тилакка тэбир – бундай элчи ўйлаган ниятга етказди; 2) “пайғамбар”: Муҳаммад йалавач халойық башы – Муҳаммад пайғамбар халқ йўлбошчиси (ДТС, 228) маъноларини билдирган. Биринчи сема дастлаб йалавач фонетик шаклида Энасой ёдномаларида, иккинчиси эса илк марта Турфон матнларида ишлатилган: Тубут қанқа йалавач бардым – Тибет хонига элчи бўлиб бордим (ДТС, 227); Тангри йалавачы – Худонинг элчиси, пайғамбари (ДТС, 228). Лексема ўрганилаётган манба тилида “пайғамбар” маъносида истеъмолда бўлган, яъни маъно торайиши юз берган: Иброҳим йалавач дасторын чықариб аларға қаршу тутдылар (98v14)²².

Ушбу ҳодисани қиссда таҳлил қилинаётган сўзнинг синоними сифатида келган савчы лексемасида ҳам кузатиш мумкин. Термин биринчи бор Ўрхун-Энасой обидаларида савчы шаклида “элчи”, “авлиё”, “соҳибкаромат” (ДТС, 478) маъноларида қўлланилган. XI аср ёдгорликларида истифода этилган савчы варианты “пайғамбар”, “куёв томонидан қиз томоннинг розилигини олиш учун вакил қилинган шахс” маъноларини касб этган: Йалавачларда ўдрунтуси улуг савчысы – элчилар ичида танлаб олинган (Худонинг) буюк пайғамбари (ДТС, 492). “Қисаси Рабғузий”да биргина “пайғамбар” семаси кузатилади: Иброҳимнинг оғлы эрди Исҳоқ Мавло савчысы (53v15)²³. Бу сўз “хабар, сўз” маъносини англатган сав отидан –чы кўшимчаси билан ясалган (ЎТЭЛ, I, 293). Тадқиқ қилинаётган манбада “бир давлатнинг бошқа бир давлатга юборадиган расмий вакили” тушунчаси эса, “давлат” маъносидаги эл оти ҳамда –чи аффиксидан ясалган (ЎТЭЛ, I, 463) элчи сўзи ёрдамида очиб берилган: Рум малики Миср маликига элчи йыбарды (87v15). Лексема айни пайтда “пайғамбар” семасини ҳам ифодалаган: Тангри элчиси дастур тилайур, тэди (232v15)²⁴.

Бундан ташқари, ўрганилаётган асарда истилоҳнинг форс-тожикча пайғамбар: Ха-

17 Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. I-III. Т.: Фан, 1960-1963. I-жилд. Б.108. (Бундан кейин: МК)

18 Aysu Ata. Nasirud-din bin Burhanud-din Rabguzi. Kisasul-enbiya. I том. Анкара, 1997. – 616 б; II том. Анкара, 1997. – 820 б.

19 Ўша манба.

20 Ўша манба.

21 Ўша манба.

22 Ўша манба.

23 Aysu Ata. Nasirud-din bin Burhanud-din Rabguzi. Kisasul-enbiya. I том. Анкара, 1997. – 616 б; II том. Анкара, 1997. – 820 б.

24 Ўша манба.

барда андаг кэлур: тўрт пайғамбар тирик туруп(20v20); арабча мурсал: Анбийо мурсал қамуғдын анынг ало ҳимматин(181v9); набий: Халқ уза йавлақ бағырсақ эрди бэлгулук набий(158r15); расул: Бу қавлны хато тәмишлар, анынг учун ким расул йарлықады(146r12)²⁵ синонимлари ҳам кўзга ташланади.

Қадимги туркий тил ҳамда Қорахонийлар даври ёдномаларида йағыз сўзи қуйидаги семаларни ифодалаш учун хизмат қилган: 1) “қора, қорамтир”: йағыз йэр йузи йашарды кўрклади – қора ер юзи ям-яшил бўлди, гўзаллашди; 2) кўчма маънода “ер”: устун кўкдаки... алтын йағыздакы – находящийся вверху на небе... и внизу на земле; 3) “от номи”: Йағзын бинип – қорамтир отни миниб (ДТС, 224). Рабғузий асарида сифатнинг дастлабки маъноси сақланиб қолган: Йағыз йэрни қадамы астында бисот қылдылар (181r13)²⁶. Шу билан бирга, қиссада терминнинг қора синоними ҳам учрайди: Қора булут йағынлык болур тэб аны қолды (30r11)²⁷.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” пандномасида қуванч//кэванч//кэвинч (ДТС, 304) сўзи “умид”: Сығынгу идим ол қуванчим ангар – у менинг хожам, шу боис бор умидим ундан; “хурсандчилик”: Кур алп эр қуванчи чэриг кунлари – қўшин билан бирга бўлган кунлар жасур, ботир кишига қувонч бағишлайди (ДТС, 330) маъноларини берган. Лексема Турфон матнлари ва уйғур ёзувидаги будда ёдгорликларида “ғурур, ифтихор, такаббурлик” семасида қайд этилган: Ўпка билигсиз билиг куни қуванч – ғазаб, билимсизлик, кўра олмаслик, манманлик (ДТС, 330). Термин тадқиқот объекти қилиб олинган асарда ўзининг дастлабки иккита маъносида қўлланишда давом этган: Эй одабий қуванчи, эй муҳиблар сэвинчи... (237v13); Қиоматға тэги фаришталар арасында бизга муфохират, қуванч болсун тэб йолын сақлаб турдылар (214v10)²⁸.

Муаллиф “қувонч, шодлик” маъносини ифодалаш учун форс-тожикча хушнуд истилоҳи билан туркийча –луқ аффиксининг бирикувидан ҳосил бўлган хушнудлик сўзидан ҳам фойдаланган: Мэ-

нинг хушнудлукумны тилайур эрсанг кириб санчышғыл (247r5)²⁹.

Тарығ (НФ, 188a17) лексемаси биринчи марта Ўрхун-Энасой манбаларида “дон, уруғ” тушунчасини ифодалаган: Тарығ бишди йаш от унди йылқықа кишика эзгу болты – дон пишди, ям-яшил ўтлар унди, чорва ва инсонларга яхши бўлди (ДТС, 537). Маҳмуд Кошғарий мазкур сўз кўпчилик турк қабилаларида “буғдой”, ўғузларда “тариқ”, яъни «донини оклаб, сўк олинадиган бошоқли ўсимлик» (I, 354) маъноларини билдирганлигини эътироф этади. “Қутадғу билиг” достонида “деҳқончилик” маъносида кўзга ташланади: Тарығчы тарығда эрик болсун – деҳқон деҳқончиликда ўз ғайрат-шижоатини намоён этсин (ДТС, 536).

“Қисаси Рабғузий”да тарығ, тарық фонетик шаклларида “дон”, “тариқ” семаларида ишлатилган: Ашлық тарықлары барчанынг сарайында йығылмыш (216v3); Ашлық тарығ болмышда йэгу чаклығ тўгдуруп эрди (92v10)³⁰. Лексик бирлик қадимги туркий тилда “экин экмоқ” маъносини англатган тары= феъли билан –ғ аффиксидан ясалган (ЎТЭЛ, I, 322).

Шундай қилиб, қисса сўз бойлигида қузатилган маъно торайиши ҳодисаси жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, у асосан кўп маъноли сўзларнинг моносемантликка қараб силжиши, улар англатган маънонинг ўз ва ўзлашма қатламга доир бошқа лексемалар томонидан ифодаланиши натижасида юз берган.

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,

филология фанлари номзоди.



25 Ўша манба.

26 Ўша манба.

27 Aysu Ata. Nasirud-din bin Burhanud-din Rabguzi. Kisasul-enbiya. I том. Анкара, 1997. – 616 б; II том. Анкара, 1997. – 820 б.

28 Ўша манба.

29 Ўша манба.

30 Ўша манба.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштирган буюк аждодларимизнинг маънавий мероси халқимизнинг руҳини, ғурурифтхорини, қудратини, орзу-интилишларини акс эттирадиган маънавий омиллардан биридир. Шу маънода, ислом оламида ўлмас асарлари билан чуқур из қолдирган улуғ мутасаввиф аллома Жалолиддин Румий меросини илмий асосда таҳлил этиш ва унинг ислом маданиятида тутган ўрнини тадқиқ қилиш масаласи маънавий соҳадаги ислохотларимиз ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Жалолиддин Румий меросининг ислом маданиятидаги ўрнини тадқиқ қилишда аввало, ўрта асрлар мусулмон Шарқининг муаззам таълимотларидан бўлмиш тасаввуфга эътиборимизни қаратишга тўғри келади. Тасаввуф исломнинг ботиний жиҳатларини қамраб олиб, унинг бош ғояси Аллоҳ таолонинг ризолигига эришиш учун нафсни поклаб гўзал ахлоқ соҳиби бўлишга интилмоқ, яъни Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) хулқи билан ахлоқланишдир. Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянган тасаввуф ислом илм-фани ва маданиятидан муносиб ўрин олган Жалолиддин Румий учун ҳам маънавий етуқлик пиллапоysi бўлиб хизмат қилган. Мавлоно Румий шахсияти ва ижоди борасидаги тадқиқотларда Мавлоно фикр ва ақида жиҳатдан Қуръонга таянганлиги уқтирилади. Хусусан, Мавлоно Румийнинг «Маснавий» асари ҳақида Н. Комилов қуйидаги фикрларни билдиради:

“Маснавий»да бир неча юз ҳикоят ва ривоятлар келтирилган. Қуръони каримнинг юзлаб ояти тилга олиниб, тафсир этилган, 690 ҳадисга румиёна шарҳ берилган. Кўз олдимизда ҳам калом илмининг улуғ билимдони, ҳам тасаввуф таълимотини сарбаланд чўққига олиб чиққан ориф инсон, ҳам муқтадир даҳо шоир гавдаланади. Оддий латифалар, ҳикоятлардан Румий фавқулудда фалсафий сўфиёна маънолар чиқаради, теран доирадан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. “Қуръоннинг уч қабат ботиний маъноси бор”, деб қайд этади у ва ана шу маъноларни изчил бизга тушунтиради”¹.

Ҳақиқатан ҳам Мавлоно Румийнинг барча асарлари ислом динининг моҳияти асосида ёзилган бўлиб, олам ва одам моҳиятининг маънавий сир-асрорларидан воқиф қилади. Мутафаккир инсоннинг бу дунёдаги аҳволи, руҳияти хусусида таъкидлаб шундай фикрларни билдиради: «Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу ва дард бордирки, юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчимайди. У ишда, санъатда, илму нужумда, ҳақимликда машғул. Бироқ буларнинг ҳеч биридан ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсасини қўлга киритолмаган. Ёр дилором, яъни кўнгилни тинчлантирувчи демакдир. Шундай экан, кўнгил бошқа нима билан қандай хотиржам бўлсин? Завқ ва орзулар зинапоyага ўхшайди. Зинапоyалар ўтириб дам олишга мослашмаган, аксинча усти босиб ўтилади, холос. Умрни шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли»².

Мавлононинг “Фихи мо фихи” (“Ичиндаги ичиндадир”) асаридаги бу фикрлардан кўринадики, бу дунёда инсонни чалғитадиган ва унинг ўзлигини англашга тўсқинлик қиладиган ўткинчи воситалар бисёр. Инсон ўз моҳиятини англамоғи учун ва ҳақиқий хотиржамликка эришиш учун ҳаётидаги ўткинчи воситаларга алданиб қолмаслиги керак бўлади. Инсоннинг моҳиятини Мавлоно икки асосда – моддий ва маънавий жиҳатларнинг уйғунлигида деб билади: “Агар данакни чақиб, мағзини эксанг унмайди. Агар қобиғи билан бирга тупроққа қадасанг-чи, униш ҳодисаси рўй беради”³. Бунда мутафаккир биорухий мавжудот бўлган инсонга ишора қилиб, данакнинг мағзи руҳ, қобиғи эса инсоннинг вужуди эканлигини, бу фоний дунёда инсоннинг икки дунё саодатига ноил бўлиши учун эса мана шу моддий ва маънавий асоснинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этишини назарда тутди⁴.

Бундан кўринадики, Мавлононинг мақсади инсонни ғофилликдан уйғотиб, ўз моҳиятини теран англашга ундаш, унинг фақат моддий асири бўлиб қолмаслиги ва ҳақиқий илм ва ҳикматнинг боши бўлган Аллоҳни та-

2 Румий, Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. Т., 2001. Б. 65.

3 Ўша асар. Б. 4.

4 Ўша асар. Б. 85.

1 Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Т.: Шарқ, 1999. Б. 12.

нишга, Унинг жамолига мушарраф бўлишга чақиришдир. Бунинг учун инсон вужудидаги ҳайвонийлик сифати мағлуб бўлиб, инсонийлик сифати зухур этилиши керак бўлади. Ана шунда Мавлоно айтганларидек, «Инсоннинг ичи хуррият олами...»⁵га айланади.

Мавлононинг тасаввуфий қарашлари инсоннинг тақдири, ҳаётдаги мақсади, асли ва аслиятига қайтишлик, Аллоҳни танишга бўлган интилишларга йўналтирилган эди. Мавлоно инсоннинг қалб дунёсидаги хазинани кашф этди. Инсонийлик ҳамирини пиширди ва инсонийлик жавҳарига ишлов берди⁶. Шу билан бирга ислом тасаввуфи моҳиятини башариётга ўзининг илоҳий ишққа йўғрилган сатрлари билан англатишга ҳаракат қилди ва бу борада бекиёс муваффақиятлар қозонди. У тасаввуфни ишқ йўли эканлигини ўзига хос мажозий маъноларга бой ирфоний шеърляти билан тушунтирди.

Мавлонога ўзларини яқин деб билган бошқа диндагилар: “Биз Мусо ва Исо алайҳимоссаломнинг сирларини унда кўрдик, ундан топдик. У куёш каби бир ерни эмас, бутун дунёни ёритади”⁷ каби фикрлари билан унинг нафакат ислом дунёси, балки жаҳон маданиятидаги мавқеининг юксаклигига ишора қиладилар. Бизнингча, Жалолиддин Румийнинг умуминсоний маданият силсиласидан ўрин эгаллашига сабаб, унинг ислом динининг асл моҳияти Аллоҳни севиш эканлиги, бундан Расулulloҳ севгиси, Қуръон севгиси, имон севгиси, инсон севгиси намоён бўлишини таълим берганлар.

Маълумки, тасаввуфда илоҳий ишқ масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ислом маданиятининг маънавий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган тасаввуф шеърляти асосида ҳам айнан илоҳий ишқ ётади. Мавлоно Румий ҳам ўз ижоди билан илоҳий ишқ масаласига эътибор бериб, унинг диний-тасаввуфий маъноларини очиб берди. Мавлоно дунёвий ишқни эмас, ҳақиқий ишқни англатганлар. Тасаввуфдаги дунёвий ва илоҳий ишқ хусусида тўхталиб, ушбу ҳикоятни келтиради:

В данной статье анализируется место и роль духовного наследия Джалалиддина Руми в мусульманской культуре. Определяется особое значение наследия суфизма в творчестве Джалалиддина Руми в мусульманской и мировой культуре.

The work investigates the role and spiritual legacy of Jalaliddin Rumi in Islamic culture. The author places a key emphasis on the importance of Sufism in the works of Jalaliddin Rumi in both Muslim and World culture.

«Мажнун Лайли ишқига етишиш учун туясига миниб йўлга чиқади. Туянинг бўталоғи бор эди. Мажнун туяни югуртирса, бўталоқ орқада қола бошлади. Туя эса боласига илҳақ орқасига тисланар эди. Мажнун туянинг устида уйқуга кетади. Бир пайт қараса туя еридан бир қадам ҳам жилмайди. Шу пайт Мажнун туясига шундай дейди: «Эй туя! Иккимиз ҳам ошиқмиз. Мен Лайлойимга, сен бўталоғингга, биз бир-биримиз билан йўлдош бўла олмаимиз. Чунки бизнинг йўлимиз айродир. Ҳақиқий ошиқ тан туясига эмас, жон туясига миниши керак. Жон ва бақо оламида қанот очиб учиши керак»⁸. Бу ўринда Мавлоно дунёвий ишқни эмас, ҳақиқий ишқни англатганлар. Дунёвий ишқни эса Мажнуннинг туясини бўталоғига бўлган интилишига ўхшатади. Умуман олганда Мавлоно назарида Ишқ бутун мазҳабларни бирлаштиради ва инсонлар орасида бирликни вужудга келтиради. Ишқнинг ранги йўқ, шакллари ва шамоийллари буюк ғоялар ва мақсадларда кўринади. Румий ҳазратларининг теран қарашларида ўзига хос томони шундаки, улардаги олам ва одам, онг ва борлик, инкор ва исбот каби фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англаймиз. Чунки Румий ҳазратлари бу тушунчаларни содда тарзда ҳаётий ҳикоятлар мисолида тушунтиришга ҳаракат қилади. Қолаверса, Қуръони карим оятларининг тафсири ва ҳадиси шарифларнинг маънавий гўзалликлари теран ифодасини топган. Бундан ташқари, барча замонларнинг энг оғриқли ҳодисаларидан бўлган мазҳабпарастлик, эътиқодлар ва динлар ўртасидаги зиддиятлар хусусида Жалолиддин Румий ўзига хос фикрларни билдира-

5 Ўша асар. Б. 94.

6 Ризо А. Ораста. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг инсонийлик қарашлари. Ишқда ва яратилишда янгидан туғилиш. Таржимонлар: Демирқўл Б., Ўздемир И. Анкара, 2000. Б. 39.

7 Абдулбоки Гулпинарли. Мавлоно Жалолиддин ҳаёти, асарлари, фалсафаси. Истанбул. 1999. Б. 129.

8 Румий, Жалолиддин. Ичиндаги ичиндаур. Т., 2001. Б. 25.

ди: “Йўллар турли-туман бўлса ҳам ғоя бир-дир. Ахир кўрмаяпсанми, Каъбага элтувчи қанча йўллар бор. Ким Румдан, ким Шомдан, ким Ажамдан, ким Чиндан ва яна кимдир Ҳинду Ямандан йўлга чиқади. Агар йўлларга боқадиган бўлсак, буюк фарқлар бор. Мақсадга, ғояга назар солсак-чи, уларнинг ҳаммаси бир – Каъбага йўналгандир. Бу ердаги ишқ жуда улуғдир. Чунки бунда ҳеч қандай тушунмаслик, бошбошдоқлик йўқдир. Каъбага келинганда, йўллардаги ғавғолар, уришиб сўкишлар барҳам топади. Чунки йўлда бир-бирларига «Кофирсан, фалонсан-пистонсан» деганлар Каъбага келишлари билан мақсадлари бир эканини тушунадилар»⁹.

Мавлоно бу дунёдаги инсонларнинг эътиқодий мақсадлари ва интилишлари ҳақида фикрини давом эттириб, мақсад сари элтувчи йўллар кўп, аммо уларнинг борар жойи бир эканлигини таъкидлаб зиддиятларни инкор этадилар. Диний ихтилофлар йўлларнинг хилма-хиллигидир, яъни шаклдадир. Йўлларнинг туташган жойи Каъбага келинганда барчанинг мақсади аён бўлиб, моҳият равшанлашади, моҳиятни англаганлар орасида эса низолар барҳам топади.

Жалолиддин Румий ижодининг жаҳон халқлари орасида машҳур бўлишида унинг вафотидан кейин шакллантирилган мавлавия тариқати ҳам муҳим ўрин тутади. Мавлавия тариқатининг асослари кўпроқ Румийнинг ўғли Султон Валад томонидан ишлаб чиқилиб амалга оширилган. Мавлавия тариқати бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, кўпроқ халқнинг ўзига тўқ санъаткору мусикашунослари орасида кенг тарқалган. Бунда гўзал санъатлар ва мусиқа билан бўлган алоқанинг ҳам таъсири бор. Айниқса, туркий тасаввуф мусикасининг пайдо бўлишида бу тариқатнинг беқиёс хизмати сингган. Ҳар йили Кўниёдаги Жалолиддин Румий музейида уюштириладиган Мавлоно кечаларида турли ўлкалардан кўплаб зиёлилар қатнашадилар. Мавлавия тариқатига баъзи ҳолларда шиа, маломатий, қаландарий унсурлари ҳам қоришиб кетган. Ишқу жазбага кўпроқ эътибор берган бу тариқат ғайримуслимлар томонидан исломнинг тан олинишида катта ҳисса қўшган. Мавлавия тариқати дунё миқёсида ягона марказдан

туриб бошқарилган. Марказий даргоҳ 1925 йилгача Кўниёда бўлиб, таъя ва тариқатлар тугатилгач, Халабга кўчган. Бу тариқатнинг шўъбаси йўқ, аммо ринд ва илоҳий ишқ жиҳатлари кучли бўлган «Шамс» шохобчаси («Шамс» тариқат шохобчаси Шамс Табризийдан тарқалган) ва зухдга аҳамият берувчи “Валад” шохобчаси (яъни Султон Валад шохобчаси) борлиги манбаларда айтилган. Бироқ булар шохобчалардан кўра кўпроқ маслакдир. Мавлавийлик тариқати ишқу жазба, самоъ ва сафога асосланган.

Шундай қилиб, Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси ислом маданиятида юксак ўрин тутади. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти марказида инсонни тўғри йўлга бошлаш ва тарбиялашнинг долзарб аҳамиятини кўришимиз мумкин. Мутафаккир жамиятнинг таракқиётини диний-ахлоқий комилликда кўрган. Шунинг учун инсонларни комиллик сари элтувчи ўзига хос қарашларни илгари сурган. Бу қарашлар замирида ҳам маънавий тарбия муҳим ўрин тутиб, бу тарбия ислом маънавияти асосида қурилганини кўришимиз мумкин.

Мавлоно Румий асарларидаги диний-ирфоний ғоялар ислом тасаввуфининг асосида шаклланган бўлса-да, Мавлоно ўз даврида мустақил ўзига хос позициясига эга эди. Бу унинг ислом ва тасаввуф маънавияти халқчил руҳда фалсафий мушоҳадаларга бой ҳикоятлар ва маснавий жанрида битилган шеърлятида намоён бўлади. Жалолиддин Румий шеърляти юксак эстетик мазмунга эга бўлиб, ундаги маънавий ғоялар ирқи, миллати ва динидан қатъи назар, инсоннинг ўзини англашига хизмат қилади, инсон қалбига борувчи барча йўлларни бирлаштиради ва азалий моҳиятларни кашф қилиб, инсониятни бағрикенглик ва маънавий комиллик сари етаклайди.

Бахтиёр КАРИМОВ,

Ўзбекистон Миллий университети
Фалсафа факультети Этика ва эстетика
кафедраси ўқитувчиси.

⁹ Ўша асар. Б. 93.

НАВОЙНИНГ МУХАММАС БОҒЛАШДАГИ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг султони Алишер Навоий шеърят санъатининг моҳир алломаларидан ҳисобланади. Унинг улкан ҳажмдаги лирик мероси бунга яққол далил бўлади. Алишер Навоий «Ҳазоинул маоний» девонининг 3-қисми «Бадоеул васат»да шоир Лутфийнинг

“Лайлатул меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,

Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур”¹
матлали ғазалига боғланган мухаммас ўрин олган. Мухаммас боғлаш қондасига кўра, ҳар банднинг аввалги уч мисраси Навоий қаламига мансуб, қолган икки мисра эса Лутфийга тегишлидир. Мухаммаснинг мазмуни тўлалигича пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг таърифу тавсифига бағишланган бўлиб, наът-мухаммас ҳисобланади.

“Шарбати юҳйил-изом эрни майи нобиндадур,

Сураи вашшамс тафсири юзи бобиндадур,

Шарҳи мозога-л-басар наргислари хобиндадур,

Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,

Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур”.

Мазкур бандда ажратиб кўрсатилган ибораларнинг ҳар бири алоҳида изоҳ ва шарҳни талаб этади:

Юҳйил-изом² – оятдан иқтибос; оятда қабрдаги суякларга жон бахш этиб қайта тирилтириш ҳақида сўз боради. Мисрада Маҳбуб лаби шарбатининг ёр ҳажрида жафо чекиб, суяги қолган лирик қаҳрамон-ошиққа ҳаёт бахш этувчи сифати ҳақида гапирилган. Маҳбуб бу ўринда севимли пайғамбардир. Саҳиҳ ҳадисга кўра, “... пайғамбарини ҳаммадан ортиқ, ҳатто ўзидан ортиқ севмаган мўминнинг имони мукамал бўлмас”³. Шунга кўра ҳазрат Алишер Навоий учун ҳам Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) маънавий баркамоллик тимсоли ҳисобланади.

Эрни майи ноби – “лабидаги тоза май” маъносидаги форсча ибора. Мисрадаги бу иборадан мурод ошиқ учун соф муҳаббат

туйғусини жунбушга келтирувчи, унга лаззат бахш этувчи, уни сархуш этувчи ва айни пайтда жон бахш этувчи “лабидаги тоза май” – Маҳбуб тилидан таралаётган Қуръон оятлари ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари бўлиб, бундай майнинг косаси мўмин ошиқнинг қалби, кўнглидир.

Вашшамс(и ва духа:ҳа)⁴ – яъни мазкур оятнинг тафсири учун сўз излаш керак эмас, балки, ҳазратнинг нурли чехраси тафсир учун кифоя қилади.

Мозога-л-басар(у ва ма ғава)⁵ – оятдан иқтибос; оятдаги ушбу иборада мазмун пайғамбаримизнинг меърожда муборак назарлари қаралиши лозим бўлган тарафгагина қараганлари ва ўз хоҳишига майл қилиб, ундан ўнгу сўлга тоймаганлари ҳамда қаралиши лозим бўлмаганни кўрай деб ҳаддан ошмагани – нолозим нарсаларга назар солишдан тийилганларини англатади. Мисрада Маҳбубнинг уйкудаги кўзлари (наргислари хоби) ана шундай хислатлар билан сифатланмоқда. Кейинги икки мисра Лутфийга тегишлидир.

Лайлату-л-меърож – “меърож туни”: меърож – пастдан юқорига даражама-даража кўтарилиб боровчи узун йўл. Пайғамбар (с.а.в.)нинг Аллоҳ таоло ҳузурига қисқа фурсатда фаришта Жаброил (а.с.) ҳамроҳлигида бориб қайтишини ифодаловчи тушунча. Мисрада Маҳбуб сочининг узунлигига ёки қоралигига ёхуд, тўғрироғи, **сочи тоби** – тўлганган **тўлқинсимон** сочига ишора бор. У киши доим соч қўйиб юрганлар. Сочлари ифори атрофни тутиб кетар экан.

Қоба қавсайни (...ав адна:)⁶ – оятдан иқтибос; оятда Расулulloҳ (с.а.в.)га Парвардигордан ваҳй келтирган фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг жуда яқин келгани, ҳатто ораларидаги масофа икки қавс (икки камон) оралигича (бошқа бир тафсирга кўра икки тирсак миқдорича) қолгунча яқинлашгани баёнидан олинган иқтибос. Мисрада Маҳбубнинг икки қоши икки камонга ўхшатилиб, унинг ўзи лирик қаҳрамон дилига қанчалар яқинлиги ёрнинг икки қоши

1 Алишер Навоий. “Ҳазоинул маоний” девони. 3-жилд, «Бадоеул васат». Т.: Фан, 1960. Б. 657.

2 Ал-қуръону-л-карим, “Йа: син” (36) сураси, 78-оят.

3 Ал-Бухарий. Кита:бу-л-айма:н ва н-нузу:р. Диск варианты: 6142-ҳадис. Яна қаранг: Ал-Бухарий. Кита:бу л-има:н. Диск варианты: 14- ҳадис.

4 Ал-қуръону-л-карим, “Вашшамс” (91) сураси, 1-оятга тегишли ибора.

5 Ўша манба: “Ан-нажм” (53) сураси, 17-оятга тегишли ибора.

6 Ал-қуръону-л-карим, “Ан-нажм” (53) сураси, 9-оят. Ибн Касир. Тафсиру-л-Қуръон, 5-ж. Б. 339.

«Мухаммас» (пятистрочно-пятистрофные стихи) – одна из форм выражения поэтического мышления в Мавераннахре и сопредельных странах.

Статья посвящена одному из мухаммасов Алишера Навои на газели поэта Лютфи. Автор статьи снабдил текст исследуемого стихотворения переложением его содержания на современный узбекский язык, а к некоторым словам и понятиям текста мухаммаса он добавил историко-филологический комментарий, без которого данные слова не понятны не только нынешнему читателю, а даже для некоторых специалистов, так как в тексте имеются в избытке арабские слова и намеки на коранические реминисценции. Также текст стихотворения изобилует ссылками на аяты священного Корана и хадисы – изречения пророка, поэтому его исследование требует специальных знаний в области классической восточной поэзии и исламоведения одновременно.

Muhammas, a five-line poem, was one of the forms of expression of poetic thinking in Mawaraunnahr and neighbouring countries.

The article deals with muhammas of Alisher Navoi in the ghazal of Lutfi. The author versifies the text of the poem in Uzbek and provides historically-philosophical commentaries for certain texts and notions, without which they remain unclear not only for current readers but also for most specialists. Moreover, the text contains a lot of Arabic words and hints at Koranic reminiscence.

Both the author and Professor M. Imamnazarov, a reviewer, maintain that the text is rich in the Koranic references and hadiths (the sayings of the Prophet) which necessitate special skill and knowledge in the sphere of both Eastern classic poetry and Islamic Studies.

мехроби (ўртаси – тўри) *иттиҳоди – туташуви*га қиёсланмоқда, яъни ҳеч қандай масофа йўқ; улар ажралмас бир бутун, уларни айриб бўлмайд.

Кейинги банд ҳам мазмунига кўра аввалги банднинг бевосита давомидир:

Ул қади *тўбидан* ортиқ, юзи *ризвондин жамил*,
Ким берур жон *лаъли* ҳар ким бўлса кўзидан *қатил*,
Лаъли рашиқдин *фигон* айлаб, қилиб *ашкин сабил*,
Кўп югурди *равзада айнан тусаммо салсабил*,

Топмади ул *чошаниким*, *шаққари* нобиндадур,
яъни:

Қомати расоликда тубо дарахтидан ортиқ,
Юзи жаннатдаги Ризвон богидан гўзал,

Кўзи кимнингки жонин олса, лаъл лаби унга жон
бахш этур,

Лабининг бу сифатиға рашиқ қилиб, дод деб, йўл-
йўлакай кўз ёши тўкиб,

Салсабил номли булоқ жаннатда кўп югурди-ю,
лекин

Ширин лабидаги ўша лаззат-тотини топмади.

Тўби⁷ – аслида арабча сўз бўлиб, طوبى тарзида ёзилса-да, охирги ҳарф “алиф мақсура – ى” узун унли а: товушини бергани учун араб тилида “ту:ба:” деб ўқилади. (Шунингдек, Мусо ва Исо пайғамбарларнинг исмлари ҳам موسى ва عيسى тарзида ёзилса-да, “Му:са:” ва “Ий:са:” деб ўқилади. Шу сабабли бу исмлар ўзбекчада Мусо ва Исо деб айтилади. Араб адабиётидаги ошиқлар тимсоли Мажнуннинг севгилиси ليلى – (Лайла:) ҳам ўзбекчада гоҳ Лайло, гоҳ Лайли деб атаб келинади). Бу мисрадаги “тўби”дан мурод ҳам, фикримизча, ўша “тўбо” бўлиши керак. “Тўбо” – муҳаддис Аҳмад ибн Ҳанбал “Муснад”ининг (электрон вариантыда) 6775 рақамдаги хадисга берган шарҳига кўра, “жаннатдаги қадди расо, гўзал дарахт”. Мисрадаги қиёсда жаннатдаги тўбо дарахтининг қоматиға қараганда Маҳбуб қоматининг афзаллиги, расолиги, мавзунлиги уқдирилмоқда.

Ризвон – жаннатлардан бирининг номи; **жамил** – аслида арабчада: “жамийл” – гўзал маъносида; **лаъл** – мажозан: лаб маъносида; **қатил** – аслида арабчада: “қатийл” – қатл этилган маъносида; **сабил** – аслида арабчада: “сабийл” – йўл маъносида; **ашк** – форсча “кўз ёши” маъносида; **равза** – жаннат номларидан бири.

Айнан тусаммо салсабил⁸ – оятдан олинган ушбу ибора орқали мисрада Маҳбуб эрини (лаъл лаби)даги жонбахш шарбатга нисбатан бўлган рашиқдан ҳатто равза (жаннат) даги Салсабил номли булоқ суви фиғон айлаб, йўл-йўлакай кўз ёшини тўкиб, ана шундай сифатга эришиш учун кўп югургани, лекин уни топмагани рамзи сифатида гавдаланади, зеро, шоир фикрича Маҳбубнинг лаъл лабидаги лаззат унда йўқ.

7 Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад” хадислар тўпламининг диск варианты, 6775-ҳадис. مسند احمد بن حنبل

8 Ал-қуръонул-карим, “Инса:н”(76) сураси, 18-оят.

Чошани – форсча сўз бўлиб, “Фарҳанги забони тожики”да келишича⁹, аслида икки хил шаклда ишлатилади. Улардан бири “чошани”, иккинчиси “чошни” – “тот, таъм, лаззат”; мажозан: “бўса” маъноларини беради. Назаримизда, шу мисрадаги сўзлараро грамматик боғланишда биров чалкашлик бордек кўринади. У ҳам бўлса, мисрадаги “топмади” сўзи ўтимли феъл бўлиб, воситасиз тўлдирувчини талаб қилиши ва “чошани”сўзининг охиридаги “-ни” ҳарфлари шу сўзнинг тушум келишиги кўшимчаси эмас, аслидан экани. Гапда кўрсатиш олмоши “ул” билан аниқланиб келаётган воситасиз тўлдирувчи вазифасида келаётган ушбу сўз келишик кўшимчасисиз келиши мумкин эмас. Бинобарин, бу сўз шу туришда “топмади” ўтимли феълени қониктира олмайди; яна битта “ни” кўшимчасини кўшиш вазни бузади. Фикримизча, бу сўз “чошаниким” деб ўқилса, мисралар вазнига путур етмайди, грамматик боғланиш қондаси қоникади, мантиқийлик таъминланади, мақсадга мувофиқ ҳам бўлади. Чунки “...и” билан тугаган сўзларнинг тушум келишиги, масалан, “беғуноҳнинг қони” сўз бирикмасини тушум келишигида қўлласак, “беғуноҳнинг қонини тўкма!”деб ишлатамиз. Энди шу иборадаги охирги “и”ни олиб ташлаб қисқа шаклда шеърда қўллаш мумкин, яъни: “тўкма беғуноҳ(нинг) қонин!” Ҳар ҳолда бу фикр муаллиф фарази, холос. Мисрадаги чошани сўзи “тот, таъм, лаззат” маъноларида қўлланилган; **шаккари ноб** – тоза шакар.

*Жон берур эрди Хизр суйи халойиққа сариҳ,
Исо ўлик тирғузир эрди деб алфози фасиҳ,
Лаълидин токи такаллум қилди ул шўҳи малиҳ,
Хизрнинг айни ёшунмиш кўкдин инмас ҳам Масиҳ,
Нетсун ул муъжиз бу дам ёқут серобиндадур,
яъни:*

*Халойиққа Хизр суви ошкора жон улашар эрди,
Исо (а.с.) ўликларни тирилтирар эди, дейилади
(қадим) муқаддас матнларда,*

Ул шўҳ, малоҳатли Маҳбуб лаъл лабидан (жон-бахи) такаллум бошлагач,

Хизрнинг булоғи яширинмиш, Исо (а.с.) ҳам кўкдан тушмас бўлмиш:

(Дуру) ёқутга сероб муъжизакор сўз тушган дам-да энди улар нима ҳам қиларди?!

Хизр суйи – Халқимиз онгида қадимдан яшаб келган ва баъзиларнинг эътиқодига кўра ҳозирда ҳам мавжуд асотирларга кўра Хизр – доимий барҳаёт, лекин асли фариштами ёки Қуръонда “Каҳф” сурасида ишора қилинган-у, лекин исми ошкора зикр этилмаган пайғамбарлардан бирими эканлиги аниқ очилмаган образ. У ҳақда кишиларнинг эзгу орзуларига етишишга ёрдам берувчи яхшилик тимсоли гавдаланади. Барҳаётликни таъминловчи ҳаёт суви – “Хизр суйи” ҳам шулар жумласидандир. Исо (а.с.)нинг эса Аллоҳнинг изни билан ўлиққа жон бахш этгани Қуръонда ва бошқа илоҳий китобларда мавжуд.

Сариҳ – арабча сўз: “ошкора” маъносида; **алфози фасиҳ** – арабча сўзлардан тузилган форсча изофа: “фасоҳатли лафзлар (сўзлар)” деган маънодаги бирикма. Мўминлар ақидасида, энг фасиҳ калом бу худонинг сўзлари, илоҳий битиклардаги тушунчалар. Каломуллоҳ (Аллоҳ сўзи)га нисбатан дуоларда “бихаққи каломикал-қадийм...”, яъни “қадим сўзинг ҳурмати...” ибораси қўллаб келинади; **малиҳ** – арабча сўз, “малоҳатли” маъносида; **айн** – арабча сўз, “кўз, булоқ” маъноларида. Бу ерда булоқ маъносида.

Муъжиз бу дам ёқут серобиндадур – Мусо алайҳиссалом асолари билан сеҳргарлардан устун келиб, сеҳр муъжизаси билан, Исо алайҳиссалом ўлиққа жон бахш этиб, жон-бахшликда машҳур бўлган бўлсалар, Муҳаммад мустафо (с.а.в.) эса оғзаки бадий сўз санъатида машҳур бадавий араб шоирларидан устун келдилар. Мана бунини ҳақиқий муъжиза деса бўлади. Агар Ҳофиз Шерозий ўз ғазалини дурга киёслашда¹⁰ ҳақдор бўлсалар, улуғ шоирларимиз мавлоно Лутфий ва Навоий ҳазратлари пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (с.а.в.) сўзларини ёқутга ўхшатишга минг бора ҳақдордирлар.

*Хаттидин бўлди хижил сунбул ила мушки табор,
Қоматиға сарв ила шамшоддин юз қатла ор,
Фаррух эрмас орази наврўздек ийди баҳор,
Зулфида қадру барот ўхшар вале юз фарқи бор,
Сўз онинг ёниндаги хуришиди маҳтобиндадур, яъни:
Сабза мўй(лаб)идан сунбул-у табаристон мушки хижолатда,*

¹⁰ Қаранг: “Ғазал гуфти-ю, дур суфти; биё-ву хуш бихон, Ҳофиз, Ки бар назми ту афшонад фалак ақди сурайё ро” – Ғазал айтиб (шоага) дур тердинг...; Ҳофиз. Ғазаллар. Тузувчи Ш.М.Шомухамедов. Т., 1958. Б. 28.

⁹ Қаранг: Фарҳанги забони тожики, 1–2-жилдлар. М., 1969. 2-ж. Б. 547.

Қад-қомати олдида сарв билан шамшод юз бора уятлидир,

Баҳор байрами ҳам наврӯздек чехрасичалик саодатбахш эмас,

Қадр ва барот кечалари сочига ўхшар-у, лекин юз фарқи бор,

Ҳамма гап унинг ёнидаги қуёшдек ойжамолининг мавжудлигида.

Ушбу банддаги “Фаррух эрмас орази наврӯздек ийди баҳор” жумласида гап эгаси (“ийди баҳор” – баҳор байрами) ва гапнинг кесими (“фаррух эрмас)дан ташқари яна икки қават ўхшатиш ҳам бор: (оразин наврӯздек)да “оразин наврӯз” – “наврӯз каби юз” биринчи ўхшатиш бўлса, яна унга “-дек” қўшимчаси қўшиш билан гап кесими (“фаррух эрмас)га боғланиб, “наврӯздек чехрасичалик” ибораси орқали гапдаги даража ҳоли ифодаланмоқда.

Ҳар гадо эғнида бўлса эски тўн ёки чоки жайб,

Билмай асли ниятин қилмоқ ғалатдир шакку райб,

Эй Навоий, чун санга маълум эмастур сирри гайб,

Лутфини майхонада ошуфта кўрсанг, қилма айб,

Ким бу мажнун ихтиёри зулфи қуллобиндадур, яъни:

Ҳар дарवेशини тўни йиртиқ, ҳамёни сўкилган (ҳолда) кўрсанг,

Унинг асл ниятини билмай, турли хил гумонга бориш хато,

Эй, Навоий сенга гайб сирлари маълум бўлмагач,

Лутфийни майхонада сархуш кўрсанг, айб этмагин, зеро

Ки бу мажнуннинг ихтиёри (ўзида эмас, маҳбуб) сочи тузоғидадир.

Юқоридаги бандда лирик қаҳрамоннинг ички дунёси фақат ўзига аён, ундан беҳабар киши ошиқни маломат қилиши хато экани, ошиқ ўз тасарруфида беихтиёр экани уқтирилмоқда. Кўринадики, шоирнинг мухаммас боғлашдаги маҳорати ўзига хос бўлиб, уни атрофлича тушуниш учун араб тили болоғати, форс тили грамматикаси ва ўзбек тилининг тарихий лексикаси сирларини пухта билиш зарур бўлади.

Оман МУСАЕВ,

Тошкент ислом университети
катта ўқитувчиси.



“КАНЗУ-Д-ДАҚОИҚ” АСАРИНИНГ “МУХТАСАР АЛ-ВИҚОЯ” БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ислом фикҳининг энг йирик шаҳобчаси бўлмиш ҳанафий мазҳабининг фикҳий масалалари 3 турга бўлинади: зоҳиру-р-ривоя ёки усул; наводир; навозил ёки воқеот ёхуд фатволар¹.

Зоҳиру-р-ривоя мазҳаб асосчиларидан тўғри ва ишончли йўл билан ривоят ҳамда нақл қилинган масалалар тўпламидир. Наводир эса мазҳаб асосчиларидан ишончли йўллар билан нақл қилинмаган масалалар тўплами. Воқеот (навозил, фатово) эса мазҳаб асосчиларидан нақл қилинмаган масалалар бўйича кейинги давр олимларининг фатволари тўпламидир. Бундай китоблар Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699–767), Абу Юсуф (731–804) ва Муҳаммад Шайбоний (749–805) дан ривоят қилинмаган, лекин уларнинг энг охирги асҳоблари ёки асҳобларининг шогирдлари тартиб берган фатволардир. Улардан энг аввалгиси Абул Лайс Самарқандий (ваф. 376/986)га тегишли. Фикҳий асарларимизда мутлақ “воқеот”дан деб келтирилган масалалар ҳанафийлик мазҳабининг машҳур фақиҳларидан бири Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нотифий (ваф. 442/1051)нинг асаридан олинган бўлади².

Мазкур учта йирик турга кирган китоблардан ташқари бошқа фикҳий китобларни ҳам 3 гуруҳга бўлиш мумкин: матнлар; матнларнинг шарҳлари ва ҳошиялари; кейинги даврларда яратилган фатволар.

Матнлар зоҳиру-р-ривоя ва наводирда нақл қилинган масалаларга асосланган ҳамда ихтилофлар мавжуд бўлган бошқа ўринларда таржиҳлар (бирор масалага аниқлик киритиш усули) қилинган масалалар тўпламидир. Матнлар мазҳаб доирасида кодекс ёки қонун вазифасини бажарган.

Матнларнинг шарҳлари эса муайян матнни зоҳиру-р-ривоя, наводир ва бошқа матнларга солиштириш, таржиҳ қилган масалаларини илмий таҳлил қилиш, урф ва бошқа асосда янги киритилган нормаларни таҳлил қилиб асослаш, мазҳабга мослигини аниқлаштириш

1 Сарсенбаев А.Б. Фикҳ китобларининг ёзилиш шаклининг ўзига хос хусусиятлари // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Т.: 2007. Б. 48.

2 Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин / Илова қисмини тузувчи Ҳамидуллоҳ Амин. Т.: Мовароуннаҳр, 2008. Б. 358.

ва матнни бойитишга қаратилган манбалардир.

Фатволар эса давр ва ҳудуд нуктаи назаридан янги юзага келган масалалар юзасидан усул, наводир, матнлар, шарҳлар ва ҳошияларга асосланиб, баъзи ривоятларни таржиҳ қилиш асосида, баъзан усул ёки наводирдаги масалалардан таҳриж қилиш асосида, ҳатто фақиҳ ўз шахсий илмий салоҳияти асосида урфга эътибор берган ҳолда чиқарилган шариат нормалари мажмуасидир³. XV аср ва ундан кейин яратилган фатво китоблари, назаримизда, аввалги даврларда яратилган фикҳий манбалардан кўпроқ иқтибос келтириши, нақл қилиши билан ажралиб туради.

Ана шундай шаръий қонун китобларидан бири Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий (1232–1310)нинг “Канзу-д-дақоик” асари ҳисобланади. Унда оят ёки ҳадислардан далиллар келтирилмайди, балки ҳар бир шаръий масала ҳукм ўрнида қисқа ва лўнда жумлаларда ифодаланади.

Муаллиф “Канзу-д-дақоик” асарининг мукаддимасида шундай деб ёзади:

“Ҳимматларни мухтасарларга мойил, таблар эса узун асарлардан қочувчи эканлигини кўрганимда, “ал-Вофий” (китобим)дан юзага келиши умумий бўлган ва кўп учрайдиган масалаларни танлаб олишни хоҳладим. Бу фойдаси кўп бўлгани ва унга қайтиш тўла бўлгани учундир. Бас, фозилларнинг улуғларидан бир жамоа илтимос қилганидан кейин – бу улуғ фозиллар кўз учун инсон ва инсон учун кўз ўрнидадилар – менда мавжуд ҳалақитлар бўлса ҳам, (ёзиб чиқдим) ва уни “Канзу-д-дақоик” деб атадим. У гарчи мушкilotлардан ва қийинчиликлардан холи бўлса ҳам, уни “ал-Фатова” ва “ал-Воқеот” масалалари билан бундаги аломатларга ишора қилган ҳолда ва мутлақ келган ўринларда “то” ҳарфини (яъни тўхташ аломатини) зиёда қилган ҳолда зийнат қилинди”⁴.

“Канзу-д-дақоик” асари ҳам бошқа матн китобларидан деярли фарқ қилмайди. Умуман, ҳанафий фикҳи китобларининг таркибий тузилиши, тартиби деярли бир хилда бўлади. Уни Имоми Аъзамнинг ўзи тузиб берган экан. У фикҳни бобларга ажратишда бундай усулни таклиф қилган: “Биринчи ўринда ибодатларни зикр қилиш керак. Қиёмат куни банда аввало ибодатлардан ҳисоб-китоб қилинади.

В этой статье речь идет о произведении «Канзу-д-дакоик», написанном Хофизиддином Абул Баракат Абдуллах ибн Ахмад ибн Махмуд ан-Насафи (629/1232–710/1310). Значение этого произведения в том, что оно было использовано при обучении исламскому праву и используется по сей день.

В статье произведен сравнительный анализ правовых вопросов в произведении «Канзу-д-дакоик» с произведением «Мухтасар ал-Викая», автором которого является Убайдуллах ибн Масъуд ибн Таж аш-шариъа ал-Бухари (умер. 747/1346). В заключение были сделаны научные выводы. Это поможет познать произведение более глубоко с научной точки зрения.

This article deals with a work titled “Kanzu-d-Dakaik” by a well-known scholar Khafiziddin Abul Barakat Abdullah ibn Akhmad ibn Makhmud an-Nasafi (629/1232-710/1310). It is worth noting that the work was considered as an important source in learning Islamic law for many years and is still very popular. The article contains information on the comparative analysis of “Kanzu-d-Dakaik” and “Mukhtasar al-Viqaya” written by Ubaydullah ibn Mas’ud ibn Taj ash-shari’a al-Bukhari (d.747/1346). Scientific conclusions have been put forward in the end. It helped to know the work more deeply from the scientific point of view.

Шунинг учун биринчи бўлиб намоз (тахорат билан албатта) бобидан бошланади. Иккинчи ўринда муомалот (никоҳ, савдо ва ҳ.к.) ҳақида гапириш керак. Энг охирида эса васият ва мерос ҳақида гапирилиши лозим. Чунки бу масала инсон умрининг охирида дуч келинадиган масалалардир”⁵. Замонамиз олимларидан Абдулҳаким Шаръий Жузжоний суннийлар фикҳи тартиботини ўрта дейди ва ибодот (ибодатлар ва уларга тегишли мажбуриятлар), муомалот (фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари), укубот (жазолар) тарзида зикр қилади⁶.

“Канзу-д-дақоик” асари ҳам шу тартибда тузилган. Ундаги ҳар бир йирик мавзу китобга, у эса боб ва фаслларга бўлинган. “Канзу-д-дақоик” асари 59 та китобдан иборат. Яна битта китоб “Мукотаб” ичидаги боб сифатида берилган. Уни ҳам эътиборга оладиган

3 Сарсенбаев А.Б. (Кўрсатилган манба). Б. 48.

4 Абул Баракот ан-Насафий. Канзу-д-дақоик. Бумбай: Фатху-л-карим, 1305. Б. 3. (Кейинги ўринларда фақат китоб номи кўрсатилади).

5 Сарсенбаев А.Б. (Кўрсатилган манба). Б. 48–49.

6 Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислоҳ ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва ўрта Осиё фақиҳлари. Т: Тошкент ислом университети, 2002. Б. 21.

бўлсак, демак, “Канзу-д-дақоик” асари 60 китобдан иборат бўлади. Боблар сони эса 139 тадир. Мазкур китоблар ва боблар ичида бир нечтадан фасллар ҳам бор, албатта.

“Канзу-д-дақоик” асарида кўпгина матн китобларида учрамаган мавзулар, жумладан, фароиз, давлат ишчиларига хун пулини тўлатиш ҳолатлари кабилар ҳам борки, уларни тадқиқ қилиш ҳанафий мазҳабини янада чуқурроқ билишимизда қўл келиши шубҳасиз.

Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийнинг “Канзу-д-дақоик” асарини юртимизда кенг тарқалган фикхий матн китоби бўлмиш Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий (ваф. 747/1346)нинг “Мухтасар ал-Викоя” асари билан солиштириш натижасида муҳим илмий хулосаларга келиш мумкин. Зеро, иккала фақиҳ бир-бирлари билан замондош бўлган, демак, улар Бухорода бир-бирлари билан учрашган, кўришган бўлсалар керак.

“Мухтасар ал-Викоя” асари кўп асрлар давомида ислом ҳуқуқини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу китоб ҳанафий мазҳабида Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123–1197) яратган “ал-Ҳидоя” асаридаги таълимотни кенг қўламда талқин этишда ва бу йўналишнинг ривожини йўлида улкан ҳисса қўшиб келди. Кичик ҳажмли бўлишига қарамадан, уни диққат билан ўқиган киши ислом ҳуқуқининг асосий масалаларини ўзлаштириб олишга эришади. Шу сабабли машҳур ҳуқуқшунос олимлар томонидан араб, форс ва турк тилларида унга бағишлаб кўп шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган ҳамда узоқ муддат давомида ислом давлатларидаги мадраса ва университетлар ўқув дастурларига киритилган⁷.

Шунинг учун ҳам биз “Канзу-д-дақоик” асарини “Мухтасар ал-Викоя” билан солиштиришга ҳаракат қилдик ва қуйидагиларни аниқладик.

1. “Канзу-д-дақоик” асарида китоблар сони 59 та ёки 60 та бўлиши билан бирга “Мухтасар ал-Викоя”да уларнинг сони 49 тадир. Демак, “Канзу-д-дақоик” китоблари ўнга китобга ортиқдир. Бу “Мухтасар ал-Викоя”да баъзи китоблар бир-бирига қўшиб юборилгани билан изоҳланади. Масалан, топиб олинган бола, топиб олинган нарсалар ва қочоқ

кул ҳукмлари “Мухтасар ал-Викоя”да битта китобда берилади⁸. “Канзу-д-дақоик”да эса учта китоб қилиб, сал кенгроқ тушунтирилади⁹. Баъзи китоблар “Мухтасар ал-Викоя”га умуман кирмай қолган. Жумладан, “Фароиз, яъни мерос тақсимлаш китоби” унда йўқ.

“Мухтасар ал-Викоя” ёзилаётган вақтда фароиз илми фикҳдан ажралиб, алоҳида илм сифатида жорий бўла бошлаган эди. Фароиз илмининг етук билимдонлари кўзга кўринган пайт бўлган. Бундан ташқари “Мухтасар ал-Викоя” аслида “ал-Ҳидоя” масалаларининг қисқартмаси ҳисобланади. Маълумки, “ал-Ҳидоя”да “Фароиз китоби” йўқ. Шунинг учун ҳам муаллиф уни “Мухтасар ал-Викоя”га киритмаган бўлса керак.

2. “Канзу-д-дақоик”да боблар сони ҳам “Мухтасар ал-Викоя”никига нисбатан кўп. “Мухтасар ал-Викоя”да баъзи боблар бир-бирига қўшиб юборилган бўлса, баъзилари умуман бобга ажратилмаган. “Канзу-д-дақоик”да эса мавзуларни кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинади. Шунинг натижасида “Мухтасар ал-Викоя”да бир-икки оғиз гапириб ўтилган ёки бир неча қатор бағишланган мавзулар “Канзу-д-дақоик”да бобларга ажратилиб, алоҳида ва батафсилроқ тушунтирилади. Масалан, “Талоқ китоби”нинг аввалидаги талоқнинг умумий тушунчалари, талоқнинг иккига бўлиниши, сариҳи талоқ, кинояи талоқ ҳамда вақт билан боғлиқ талоқ қилиш турлари “Мухтасар ал-Викоя”да бир сарлавҳа остида берилгани ҳолда “Канзу-д-дақоик”да икки боб ва бир фаслга ажратилиб баён этилади¹⁰.

3. “Мухтасар ал-Викоя”да фасл сифатида берилган мавзулар “Канзу-д-дақоик”да боб деб берилган. Масалан, “Намоз китоби”даги азон, намознинг шартлари ва сифатлари ҳақидаги фасллар боб сифатида берилган. “Канзу-д-дақоик”да намоз ўқиш тартиби алоҳида фасл сифатида берилган. Бу “Мухтасар ал-Викоя”да “Намоз сифатининг баёни” фасли таркибида берилган.

4. “Канзу-д-дақоик” асарида “Мухтасар ал-Викоя”да келтирилмаган ортиқча масалалар баён этиб кетилган. Масалан, ғуслнинг фарзлари баёнида ғуслнинг фарзи оғизни, бурунни ва баданни ювиш экани айтилади-да, “ла далкуху” деган ибора, яъни ишқалаб ювиш

7 Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Марғиноний ва унинг издошлари. Т: Тошкент ислом университети, 2000. Б. 37.

8 Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий. Мухтасар ал-Викоя. Қозон, 1911. Б. 141. (Кейинги ўринларда фақат китоб номи кўрсатилади).

9 Канзу-д-дақоик. Б. 197–199.

10 Канзу-д-дақоик. Б. 111–115.

фарз бўлмайди, деган масала баён этилади¹¹. Чунки ҳанафий мазҳабида ғуслда ишқалаб ювиш суннат, моликий мазҳабида эса бу амал фарзлар жумласига киритилган экан.

Ёки “Мухтасар ал-Виқоя”да суннат бўлган ғусллар айтилади, вожиб ғусллар ҳақида бирор оғиз гапирилмайди. “Канзу-д-дақоик”да эса вожиб бўлган ғусллардан иккитаси саналган: “Маййит учун (ғусл) ва жунуб ҳолда мусулмон бўлган одамнинг ғусли вожибдир. Янги мусулмон бўлган одам жунуб бўлмаса, бундан мустасно (яъни ғусл қилиши вожиб эмас) мустаҳаб”¹².

5. “Мухтасар ал-Виқоя” китобида очиқ қолиб кетган масалаларга “Канзу-д-дақоик”да жавоблар топиш мумкин. Жумладан, маҳсига масҳ тортишда алоҳида ният шартми, шарт эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Бунга “Канзу-д-дақоик”да аниқ жавоб бор: “Маҳсига ва бошга масҳ тортишда ният қилишга муҳтож бўлмайди”¹³.

Шунингдек, “Азон боби”да бомдод намозига азон айтишда “Ас-солату хойрун мина-н-навм” жумласини қўшиш кераклиги “Мухтасар ал-Виқоя”да айтилмаган. Ҳолбуки, “Канзу-д-дақоик”да бу алоҳида зикр этилган¹⁴.

6. “Мухтасар ал-Виқоя” китобида аксар ҳолатда масалалар мисолларсиз бериб кетилган. Уларнинг мисоллари ва суратларини шарҳлар орқали билиб олишимиз мумкин. “Канзу-д-дақоик” асарида эса ўқувчини қийнамаган ҳолда улар бериб борилади. Масалан, “Мухтасар ал-Виқоя”да мана бу масала бор: “Туғилган жойи сувда бўладиган сув ҳайвони ва оқувчи қони бўлмаган нарсалар(нинг сувда) ўлишининг зарари йўқ”¹⁵. Яъни, уларнинг ўлиб қолиши сувни ва шунга ўхшашларни нажас қилмайди.

Энди, мана шу масала “Канзу-д-дақоик”да мана бу тарзда, қони йўқ жонзотлар санаб ўтилиб, ифодаланади: “Сувда қони йўқ нарсалар – бақа, пашша, асалари, чаён, балиқ ва қисқичбақа кабиларнинг ўлиши уни (сувни) нажас қилмайди”¹⁶.

7. Ҳар икки фикҳий матннинг ўзига хос афзалликлари бор. Баъзи масалалар “Канзу-д-дақоик”да қўшимчаси билан яхшироқ ифодаланса, баъзилари ундай эмас. “Мухтасар ал-Виқоя”да бу аксинча бўлиши мумкин. Ма-

салан, азон айтиши макруҳ бўлган кимсалар “Канзу-д-дақоик”да бундай саналади: “Жунуб бўлганнинг азони ва унинг иқомати ва таҳорати синганнинг иқомати ҳамда хотин, фосиқ, ўтирганнинг ва мастнинг азони макруҳ бўлади. Қул, валади зино, кўр ва аъробийнинг азони макруҳ эмас”¹⁷.

Энди, айна масала “Мухтасар ал-Виқоя”да бу тарзда ифодаланган: “Таҳорати синган одамнинг иқомати макруҳ бўлади, азони эмас. Икковини (иқомат ва азонни) ҳам (агар таҳорати йўқ ҳолда айтиб қўйган бўлса), қайтариб айтмайди. Иккови (азон ва иқомат) жунубдан макруҳ бўлади. (Агар икковини жунуб ҳолда айтиб қўйса), уни (иқомат)ни қайтармайди, балки ўша (азон)ни қайтаради. Хотиннинг, жиннининг ва мастнинг азони кабидир (яъни, бу учови азон айтиб қўйсалар, азон қайтадан айтилади)”¹⁸.

Бу ерда ҳар икки муборак матннинг ўз афзалликлари мавжуд. “Канзу-д-дақоик”да азон айтиши макруҳ бўладиганлар жумласига фосиқ ва ўтирган кимса қўшилган, лекин мажнун (жинни) йўқ. “Мухтасар ал-Виқоя”да эса бу аксинча. Шунингдек, қул, валади зино, кўр ва аъробийларнинг азони макруҳ эмаслиги “Мухтасар ал-Виқоя”да айтилмаган. Лекин, “Мухтасар ал-Виқоя”нинг бошқа афзал томони бор. Азони макруҳ бўладиганларнинг азонини қайтариб айтиш кераклиги ёки айтмаслик ҳақидаги фатволар. Булар ҳақида “Канзу-д-дақоик”да тўхталиб ўтилмайди.

Шунга ўхшаш ўз уйида намоз ўқимоқчи бўлган одам азону такбир айтмаса, макруҳ бўлмаслиги икки мўътабар матнда ҳам бор. Бироқ “Канзу-д-дақоик”да ўша одамнинг азону такбирни айтиши мандуб (мустаҳаб) бўлиши ҳақида тўхталиб ўтилган. Бу “Мухтасар ал-Виқоя”да йўқ.

8. “Мухтасар ал-Виқоя” ўз номи билан мухтасардир. Унда баъзи масалалар қисқартирилиб, умумий тарзда айтиб кетилган. Масалан, намознинг фарз ва вожиблари саналгандан сўнг, бу икковидан бошқа амаллар суннат ёки мустаҳаб бўлади, дейилади¹⁹. “Канзу-д-дақоик”да эса, намознинг суннат ва мустаҳаблари алоҳида бирма-бир баён этилган. Уларнинг сони 22 суннат ва 6 мустаҳабдир.

9. “Канзу-д-дақоик” асарида “Мухтасар ал-Виқоя”га нисбатан форсий сўзлар кўпроқ.

11 Канзу-д-дақоик. Б. 5.

12 Канзу-д-дақоик. Б. 7.

13 Канзу-д-дақоик. Б. 14.

14 Канзу-д-дақоик. Б. 20.

15 Мухтасар ал-Виқоя. Б. 5.

16 Канзу-д-дақоик. Б. 7-8.

17 Канзу-д-дақоик. Б. 21.

18 Мухтасар ал-Виқоя. Б. 12.

19 Мухтасар ал-Виқоя. Б. 14.

Хусусан, бу никоҳ, талок, савдо, қасам мавзуларида яққол сезилади.

Шундай қилиб, “Канзу-д-дақоик” асари “Мухтасар ал-Викоя” асаридан бир оз фарқ қилади ва ўзига хос афзаллиги ҳам бор. Жумладан, ўзининг содда ва равон ёзилгани билан, ўқувчиларга ўқимишли қилиб таълиф этилгани билан ажралиб туради. “Мухтасар ал-Викоя” эса ўзига хос мухтасар, яъни қисқартма бўлгани учун ўқувчи бирданига тушуниши қийин бўлган жумлалар талайгина, мисоллари берилмасдан, фақат фикҳий ҳукмлар берилгани, наҳвий (грамматика) нуқтаи назаридан ҳам анча қийин бўлгани билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам кейинги даврларда Мовароуннаҳр мадрасаларида “Мухтасар ал-Викоя” асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган бўлиши ҳам эҳтимол. Чунки “Мухтасар ал-Викоя”ни тушуниб ўқиган одам “Канзу-д-дақоик”ни бемалол ўқиб тушуна олади. “Канзу-д-дақоик”ни ўқиган одам “Мухтасар ал-Викоя”ни ўқишга қийналиши мумкин.

Умуман олганда, ҳанафий мазҳаби фикҳининг мўътабар саналган ҳар икки матн китоби асрлар давомида Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан фақиҳлар ижодий маҳсулининг гултожи бўлиб келмоқда. Бундан кейин ҳам фикҳий манба сифатида ўрганилишига шубҳа йўқ.

Ҳамидулла АМИНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Шарқшунослик институти кичик илмий ходими,

Жўрабек ЮСУПОВ,

Тошкент ислом университети талабаси.



ЗИРИКЛИЙНИНГ “АЛ-АЪЛОМ” АСАРИ ВА УНДА МОВАРОУННАҲРЛИК АЛЛОМАЛАР

Асрлар давомида юртимизда яшаб, илмининг турли соҳаларида фаолият юритган кўплаб олим ва фузалолар бугунги кунда нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки дунё миқёсида маълум ва машҳур. Шунинг учун бўлса керак, олиму фузалоларимиз азалдан дунё илм аҳли эътиборида ва назаридадир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим» деб айтган сўзлари бежиз эмас¹.

Юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ яратилган қатор илмий меросларнинг маълум бир қисми ўтган вақт давомида дунёнинг қатор мамлакатларидаги илмий даргоҳларда сақланмоқда ва ўрганилмоқда. Шулар қаторида ливанлик машҳур қомусшунос олим Хайруддин аз-Зириклий 1912–1927-йилларда ёзиб тугаллаган «ал-Аълом» («Машҳур инсонлар») номли араб тилида қомусий луғатини айтиш мумкин. Бу асарда ислом оламидаги энг машҳур шахсларнинг қисқача ҳаёти, илмий фаолияти, шунингдек, уларнинг ўзлари яшаб ўтган даврларидаги тарихий мавқелари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган.

Муаллиф бу асарини яратиш мобайнида кўшни араб давлатларига сафарлар уюштирди ва уларда жойлашган кўплаб давлат ва шахсий кутубхоналардан олинган маълумотларига, олимлар билан ўтган мулоқотлар ва учрашувлар натижаларига таянди. Маълум бўлишича, олим исломгача бўлган жоҳилия давридаги машҳур шахслар фаолияти ва ҳаётига оид маълумотлар тўплашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келган. Чунки ўша даврдаги шахсларнинг таваллуд тари-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият, 2008. Б. 40.

хига оид маълумотлар ёзиб қолдирилмаган. Мавжуд манбаларнинг камсонли эканлиги боис Хайруддин аз-Зириклий фақат олимлар билан қилган мулоқоти маълумотларига таяниб иш юритган.

Қомусий луғат алифбо тарзида тузилиб, унда илк ислом давридан то XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда яшаб турли соҳаларда фаолият кўрсатган 15 минг араб ва бошқа миллатларга мансуб (жумладан, мовароуннахрлик) машҳур муфассирлар, муҳаддислар, мутакаллимлар, тарихчилар, қозилар, ҳокимлар, саркардалар, файласуфлар ҳамда турли диний мазҳаб раҳнамолари ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Шунингдек, асардаги машҳур шахсларнинг жисмоний хусусиятлари (масалан, бўйи баландлиги ёки кўзи ожизлиги каби) ҳақида ҳам қисқа маълумотлар келтирилиб ўтилган.

Хайруддин аз-Зириклий «ал-Аълум» қомусий луғатини ўтган асрнинг 1912 йилида ёза бошлаган ва 1927 йили илк бор асарнинг биринчи нашри чоп этилган. Асарнинг илмий ва амалий аҳамияти юқори бўлгани туфайли у 1957 ва 1969-йилларда қайтадан араб тилида нашр этилган².

Мазкур асарнинг тўртинчи нашрини тайёрлаган масъул Зоҳир Фатхулло сўзларига қараганда, муаллиф китобини ёзиш мобайнида жуда кўплаб қийинчиликлар ва хавф-хатарларга дучор бўлган. У ўнлаб кутубхоналар, музейлардан ва турли давлатлардаги олимлар билан олиб борилган мулоқотлар, саёҳатлар натижасида тўпланган аниқ маълумотлар асосида машҳур шахслар ҳақида «ал-Аълум» қомусий луғатини яратди. Китобга маълумотларни тўплаш ва уни нашр этиш ишларида у Дамашқ (Сурия) Фанлар Академияси раиси проф. Муҳаммад Кард, Дамашқ кутубхонаси директори Аҳмад Убайд, мисрлик олимлар Аҳмад Закий, Аҳмад Темур, жиддалик олим Муҳаммад Ҳусайн Насиф ва Амин Қандиллар билан яқин ҳамкорлик қилди. Муаллиф китобнинг ҳар бир янги нашрини аввалги нашрлардаги нуксонлар ва хатоларни тузатган ҳолда чоп этди³.

Қомусий луғатда ҳар бир машҳур шахснинг туғилган ёки вафот этган ҳижрий ва

Данная статья даёт нам сведения о жизни и творчестве великих людей, живших до XX века. Изучение богатого наследия узбекских ученых даёт шанс обогатить историю узбекского народа новыми сведениями.

Существуют ценные сведения, касающиеся истории Узбекистана, о которых нам ещё неизвестно.

The article provides information on the lifestyle and works of distinguished people until the 20th century. The study of a rich heritage of the Uzbek scholars give a chance to enrich the history of the Uzbek people with latest facts and details. The article also contains new information on the history of Uzbekistan.

милодий йили, ҳаёти ва илмий фаолияти, унинг ўша даврда тутган ўрни, унга оид расм ёки хат асосида аниқ маълумотлар берилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, номлари араб тилидаги қаттиқ «х» ва эмфатик «т» ҳарфларидан бошланадиган машҳур шахсларга оид маълумотларни топа олмаган. Асардан фойдаланиш йўллари турли рамзлар орқали берилган. Масалан, қаттиқ «х» ҳарфи билан қўлёмалар, эмфатик «т» ҳарфи билан эса тошбосмалар, «м» ҳарфи билан милодий йил, юмшоқ «х» ҳарфи билан ҳижрий йил белгилари сифатида тавсия этилган.

Мустақиллигимиз шарофати билан бугунги кунда хорижда нашр этилган асарлардан ҳам кенг фойдаланмоқдамиз. Ушбу асарлар қаторида Байрут (Ливан) шаҳридаги «Дорул-илм лил-малойин» нашриётида араб тилида 1998 йили май ойида ўн учинчи бор нашр этилган «ал-Аълум» қомусий луғатидан бир неча нусхаси Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинаси бўлимида сақланади. Илм толиблари томонидан кенг фойдаланилаётган ушбу асарда келтирилган маълумотларга асосланиб, биз турли соҳаларда фаолият кўрсатган мовароуннахрлик машҳур шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик.

Ушбу асарда илк ислом давридан то XX асрнинг иккинчи ярмига қадар яшаб ўтган олимлар орасида мовароуннахрлик 300га яқин машҳур шахслар ҳаёти ва фаолияти

2 Хайруддин аз-Зириклий Ал-Аълум. I жилд. Байрут, 1998. Б. 6.

3 Ўша манба. Б. 7.

ти ҳақида ҳам қисқача маълумотлар келтирилган.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов заминимизда етишиб чиққан машхур сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш хусусида: «Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор»⁴, деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Олим аз-Зириклийнинг «ал-Аълум» асари Мовароуннаҳр диёрида яшаб ўзларининг самарали фаолиятлари билан яхши ном қолдирган аждодларимизга оид маълумотларга эга бўлишимизга имкон яратади. Қуйида «ал-Аълум» китобидаги Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис ал-Истрабозий ас-Самарқандий Абу Саъад, Исҳоқ ибн Абу Яъқуб ал-Хуросоний аш-Шоший, Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Хусайн ал-Фаробий, Ҳасан ибн Нух ал-Қамарий Абу Мансур ва бошқа олим юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар билан таништиришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис ал-Истрабозий ас-Самарқандий Абу Саъад⁵.

У самарқандлик ҳадисшунос ва тарихчи олим бўлган. Самарқандда 1015 милодий йили вафот этган. Олим аввал «Тарихи Астробод» асарини, сўнгра эса «Тарихи Самарқанд» китобини ёзиб, унда Самарқанд шаҳри ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Исҳоқ ибн Абу Яъқуб ал-Хуросоний аш-Шоший⁶.

Ҳанафий мазҳаби бўйича етук фақиҳлардан ҳисобланган. Иш фаолияти давомида Мисрга кўчиб, у ерда қозилик вазифасини бажарган ҳамда ўша ерда милодий 937 йили вафот этган. «Усул ал-фикҳ» асари муаллифи. Бу асар Исҳоқ аш-Шошийнинг замондошлари орасида «Усул аш-Шоший» номи билан машхур бўлган.

4 Каримов И.А. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири берган саволларга жавоблар \ Ислон зиёси ўзбегим сиймосида. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 143.

5 Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълум. 5-жилд. Байрут, 1998. Б. 60.

6 Ўша манба. 1-жилд. Б. 293.

Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Хусайн ал-Фаробий⁷.

Кенг камровли илм соҳиби бўлган. Асли Фароб аҳлидан (Сирдарё яқинида). Иш фаолияти давомида Яманга кўчиб ўтиб, Зайд шаҳрида яшаган. Унинг «Диван ал-адаб» асари тил мезони ва калом илмига бағишланган. Китобнинг бир нусхаси Қуддус шаҳрида, бошқа нусхаси эса Ҳалаб шаҳри (Сурия) кутубхоналарида (2824 рақами остида) сақланаётгани хусусида маълумотлар мавжуд. География фанига оид бошқа «Дурар ат-тийжан» номли асари борлиги ҳам муаллиф томонидан зикр этилган. Манбаларга кўра, у 961 милодий йили вафот қилган.

Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайрий ибн Ҳозим Абу Ҳафс ал-Ҳамзоний ас-Самарқандий ал-Бужайрий⁸.

Мовароуннаҳрлик ҳадис ҳофизларидан бири. Самарқанд қишлоқларининг биридан. У мукаммал илм олиш мақсадида Хуросон, Басра, Куфа, Шом, Миср, Ҳижозга сафарлар қилган. Ўрта асрларнинг машхур қомусчи олими Шамсиддин аз-Заҳабий фикрича, у муҳаддис сифатида 60000дан зиёд ҳадисларни ёд билган. Ал-Бужайрийнинг «ас-Саҳиҳ» ва «ат-Тафсир», «ал-Жомеъ ал-муснад» каби асарлари борлиги маълум. Олим 923 милодий йили вафот этган.

Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳумоиддин ад-Дарий ар-Рамуший⁹.

Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бўлиб, асли бухороликдир. Ўз даврида у Мовароуннаҳр олимларининг сардори унвонига сазовор бўлган. Унинг асарлари қаторида фикҳ илмига оид «ал-Фавоид», «Шарҳ ал-манзума ан-насафия», «Шарҳ ал-Жомеъ ал-кабир», «ал-Манафи фи фавоид ан-нофия» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳасан ибн Мансур ибн Абу Қосим Маҳмуд ибн Абдулазиз Фаҳриддин¹⁰.

Замонасида Қозихон Узгандий ал-Фарғоний номи билан машхур бўлган, ўзганлик. Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳ олимлардан ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб асарлар қаторида уч жилдли «ал-Фатово», «ал-Амолий», «ал-Воқеат», «ал-Муҳодар»,

7 Ўша манба. 5-жилд. Б. 60.

8 Ўша манба. 2-жилд. Б. 224.

9 Ўша манба. 4-жилд. Б. 333.

10 Ўша манба. 2-жилд. Б. 224.

«Шарҳ адаб-Қада лил Хуссаф», «Шарҳ аз-Зиёдат» ва «Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир» кабиларни кўрсатиш мумкин. Олим 1196 милодий йили вафот этган.

Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Абу Ҳафс Нажмиддин ан-Насафий¹¹.

Насаф (Қарши) шаҳрида туғилган ва Самарқандда вафот этган. Тафсир, адабиётшунос ва тарихшунос олим. Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан.

Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, олим 100га яқин асарлар яратган. «Тайсийр фи тафсир», «Мавакийт», «Таъдод шуйух Умар», «Нузум ал-Жомеъ ас-сағир» (ҳанафий фикҳига оид), 20 қисмдан иборат «ал-Ишъор би мухтасар мин ал-ашъор», «Қайд ал-авабид» (фикҳий поэзия), «Манзумат ал-хилафият», 20 қисмли «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд», фикҳий атамаларга оид «Талабат ат-талабат», «Тарих Бухоро», «Ақоид» каби кўплаб илмий асарлар унинг қаламига мансуб.

Қомусшунос олим Хайруддин аз-Зириклийнинг «ал-Аълум» асари бизга маълум ва машҳур бўлган Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Бухорий, ат-Термизий ва ал-Форобийлардан ташқари, номлари юртдошларимизга яхши маълум бўлмаган кўплаб мовароуннаҳрлик олиму фузалолар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Юқорида зикр этилган «ал-Аълум» ва бошқа тарихий асарлар қаторида юртимиз кутубхоналарида сақланаётган аждоқларимизнинг кўплаб нодир қўлёзма асарларини ўрганиш, кенг жамоатчиликка етказиш ва улар асосида халқимизнинг тарихи ва маънавиятини янада бойитиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Алишер ЖЎРАЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университетининг тадқиқотчиси.



АБУ БАКР КАЛОБОДИЙ – ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ДОНИШМАНДИ

Юртимиздан етишиб чиққан буюк шахслар, давлат арбоблари ва алломаларнинг ҳаёти ҳамда улар қолдирган бой илмий-маънавий меросни, нодир қўлёзмаларни ўрганиш, асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз алоҳида қайд этганларидек, “Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик”¹.

Шу маънода X асрда яшаб самарали ижодий фаолияти билан илм-фан ва маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган, ўз даврининг «Тоғ-ул Ислом» (تاج الإسلام) («Ислом тожи»), «Шайх-ул Олам» (شيخ العالم) («Олам Шайхи»), «Дарбони Бухоро» (دریان بخارا) («Бухоро дарвозабони»), каби юксак унвонларга сазовор бўлган буюк мутасаввиф аллома Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Яъқуб ал-Калободий ал-Бухорий (ваф. 380/991)² шундай алломалардан ҳисобланади. Унинг «Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли мазҳаби билан танишиш») номли тасаввуфий-ирфоний асари мутасаввиф ижодининг гултожи бўлиб, Яхё ас-Сухравардий ал-Мақтул: «لولا التعرف لما عرف التصوف» – агар Абу Бакр Калободийнинг «Ат-таъарруф» асари бўлмаганда эди, тасаввуф нима эканлигини билмас эдик³, – дея аллома ижодига юксак баҳо берган. Худди шундай фикрлар тожик адабиёти намояндаси Абдурахмон Жомий, эронлик Абул Ҳасан Зарринқуб, ҳинд олими Дорошукх, ғарб шарқшунос олимлари Артур Арберри, Аннамарие Шиммель томонидан ҳам айтиб ўтилган. Калободий

1 Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 2007. Б. 6–7.

2 Абу Бакр Калободий. Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф. Қайта нашр. Аҳмад Шамсиддин шарҳи. Байрут, 1992. Б. 3.

3 Мулла Котиб Чалабий. Кашф аз-зунун ан асмоил-кутуб вал-фунун. Истанбул. 2-жилд. Б. 689.

11 Ўша манба. 5-жилд. Б. 80.

асар муқаддимасида «Қаламим билан имкони борица кашф этдим, зоҳирий илм воситаси ила ишоратларни англамайдиганлар, ибораларни тушунмайдиганлар учун изоҳ бердим. Зеро, баъзи қизиқувчиларда иштиёқ етишмас, нодонлар эса унинг таъвилини тушунмас эди. Бу билан мен тариқат йўлини ирода этувчилар учун бир баённома ёзган бўлдим ва бу китобга «Тасаввуф билан танишиш» китоби деб, ном қўйдим»⁴, – дейди. «Ат-таъарруф» камчиликлардан холи, шайхларнинг ҳақиқий ҳолатлари, бошдан кечирганлари, риёзатлари муболағасиз, Куръон ва Суннага мувофиқ ёритилган, илмий-назарий таҳлилларга асосланган тарихий нодир асардир. Бир қарашда ўша даврнинг суфийликини ирода қилувчилари учун дастурул-амал ёки алифбо вазифасини ўтаган, десак хато бўлмайди. Тасаввуф илмларини тадқиқ қилаётган тадқиқотчи ҳам ҳақиқий асл суфийлик ҳолатлари, суфийларнинг сийратлари, уларнинг зийнатларини тез фаҳмлаб олади.

Аллома ўз давридаёқ ҳар қандай кўринишдаги мутаассиблик, ақидапарастлик, мазҳабпарастлик, риёкорлик иллатларига асосли равишда жавоб берди ва уларга қарши курашга ўзида куч топа олди.

У шундай ёзади: «Динда жангу жадал ва қадар борасида қаттиқ хусумат қилишни ва тортишувни аҳли халқлар инкор қилдилар. Аҳли маърифат бандаларнинг диндаги фойда ва зарарли нарсалар ҳақида тортишувидан кўра дарсликларда тортишувни авло деб билдилар. Илм талабини амаллар ичида энг афзали деб билдилар»⁵. Мазкур фикрлардан Калободийнинг нафақат диндорлар ва суфийлар орасида, балки ислом ва тасаввуф ўртасида мўътадиллик йўлини топишга ҳаракат қилганлиги намоён бўлади. Булардан ташқари, алломанинг барча даврлар учун характерли бўлган умуминсоний қадриятлар сирасига кирувчи тотувлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик ва инсонпарварлик каби ғоялари кўзга ташланади.

Абу Бакр Калободий тасаввуф сирларини батафсил тушунтириб берар экан, кўп томон-

ларни эътиборга олади. Ҳатто, суфийликнинг бойлик ва мулкка муносабати ҳам назардан четда қолмаган. Унинг фикрича: «Суфийлар касб, тижорат, деҳқончилик ва бошқалар билан шубҳали нарсалардан огоҳ бўлган ҳолда, шариат рухсат берган тарзда шуғулланиб, мулк тўплашнинг мумкинлигига келишганлар». Чунки ўзаро ёрдамга, эҳтиёжларни қондиришга, душманларга қарши курашишга, қўшниларга меҳрибонлик қилишда ишлатилган мулк ҳалол ҳисобланган. Бундан кўринадики, Калободий жамиятда истиқомат қилаётган ҳар бир ижтимоий индивиднинг иқтисодий-молиявий, мулкӣ муносабатларини шакллантириш ва тартибга солишда дунёвий ва диний-тасаввуфий тамойилларнинг муштараклигини асослашга ҳаракат қилган.

Калободийнинг «Ат-таъарруф» асарини шартли равишда учга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчи қисми тарихий бўлиб, унда суфий, тасаввуф тушунчаларининг келиб чиқиш тарихи, машҳур суфийлар, уларнинг шижоат ва кароматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккинчи қисмида тасаввуфдаги ғоя ва қарашлар тизими ва уларнинг ҳаққоний динийлиги исботланади.

Учинчи қисмида эса тасаввуф амалиёти, тасаввуф тариқатларининг босқичлари, суфийлик илмлари, суфийлар томонидан кашф этилган атамалар ҳақида Абу Бакр Калободий ўз фикрларини билдирганлигини асослашга эришган. Калободий «Ат-таъарруф» асарининг биринчи бобини «Нима учун суфийликни суфийлик деб номланди?» деб атади. У суфийларга қуйидагича таъриф беради: «Суфий дейишлари, уларнинг зоҳирий ҳолатларига берилган таърифдандир. Зеро, суфийлар бир қавмдирларки, улар дунёдан юз ўгирган, ватанларидан чиқиб кетганлар, ўз қавмлари йўлида ҳижрат қилган, шаҳарларда оҳ-воҳ чекиб юрганлар, ўзларини очликка мажбур этганлар ва таналарини ҳолдан тойдирганлар, дунёдан ҳеч нарса олмаганлар. Жонларини сақлаш учунгина еганлар. Улар ўз ватанларидан чиқиб кетганликлари учун ғариблар (غریب) деб ном ол-

4 Абу Бакр Калободий. Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф. Қайта нашр. Аҳмад Шамсиддин шарҳи. Байрут, 1992. Б. 3.

5 Ўша манба. Б. 5.

В статье излагаются интересные сведения о знатоке суфизма Абу Бакре Калободий и его книге «Ат-Таъарруф ли мазхаби аҳли-т-тасаввуф» («Ознакомление с учением суфиев»). В ней говорится о том, что Абу Бакр Калободий предпочитал приобретение знаний вместо религиозных дискуссий и выдвигал общечеловеческие идеи, как согласие, толерантность, просветительство и гуманизм. Он высказал своё мнение о понятиях «фана» (тленность) и «бака» (вечность) в суфизме и трех этапах «фана».

Кроме того, в статье говорится об истории возникновения понятий «суфий» и «суфизм», а также о храбрости и чудесах знаменитых суфиев, системе идей и взглядов в суфизме, об этапах суфийского учения и о суфийских знаниях, о которых повествуется в произведении «Ат-Таъарруф».

This article gives some interesting information about Abu Bakr Kalobodiy, one of the famous scholars of sufism, and his famous book "At-Ta'arruf li Mazhabi Ahli-t-Tasavvuf". This book is about how Kalobodiy preferred demand of science instead of religious discussions and how he investigated human ideas like: peace, open-heartedness and humanity. He held discussion on ideas of the sufizm such as «fano» and «baqo».

As such in this book is given some glimpses about the history and existence of the sufistic phrases and famous ideas of sufists such as: bravery and wonder; notions and viewpoint in sufizm and also about stages of sufizm and about science of the it.

ганлар. Сафарда кўп бўлганликлари учун саёҳатчилар (سائرون) деб номланганлар. Уларнинг қишлоқларга қилган саёҳатлари ва зарурат пайтида ғорларга кириб кетишларини шаҳар аҳли «шакфатия» (شكفتية) деб атаганлар. Шакфатия луғатда ғор ёки шунга ўхшаш жойларга берилган номдир»⁶.

Абу Бакр Калободий бу борадаги фикрини давом эттириб, суфий сўзининг келиб чиқишига қуйидагича изоҳ беради: «Сафо (صفاء), сафва (صفوة), соф (صاف), суффа (صوفة) дейилганлиги билан маъноси суфийликдир. Мана шу суфиядаги (صوفية) «ф» (ف) ёки «вов» (و) ҳарфи келса ҳам маъно шундай. «Вов»лик бўлиши ҳам жоиз. София (صافية) дегани тил-

ларда ишлатилиб келаётган калимадир. Бордию, шу калима суф – жун лафзидан олинган бўлса, лафз ўз ўрнида бўлади ва луғат бўйича ҳам тўғри ҳисобланади»⁷.

Мазкур маълумотдан Абу Бакр Калободийнинг ҳар бир арабий сўзнинг этимологи-ясини жуда яхши биладиган тилшунос олим ҳам эканлиги кўзга ташланади.

Абу Бакр Калободий тасаввуфнинг фано ва бақо тушунчаларини мисол сифатида олиб, ўз фикрини баён этади. Унингча фанонинг биринчи босқичи ахлоқий маънога эга. Одам Худо сифатларини қабул эта туриб, ўзлигини, ўз “мен”ини йўқотади. Зеро, Пайғамбарнинг «Тахаллаку би-ахлақи-л-лах» (تخلّفوا بأخلاق الله) («Аллоҳнинг хулқлари билан хулқланинглар») деган ҳадисига биноан инсон ўзини Аллоҳнинг сифатлари билан ўлчаши, синаши ва доимий кураш йўли билан ўзининг ярамас сифатларини Худонинг мадҳу санога лойиқ сифатлари билан алмаштириши лозим.

Иккинчи босқич рўёда ўзини йўқотиш ҳисобланадики, ўшанда одам жони, руҳи Худонинг азалий ва абадий нури билан қуршаб олинганини кўради.

Учинчи ҳамда охириги босқич эса рўёнинг йўқотилиши, яъни мавжудликка тўла ботиб кетиши, Жалолиддин Румий иборалари билан айтганда «мутағаррик» (متغرق) бўлишидир. Суфийларнинг ҳикматли сўзида айтиладики, мавжудлик қандайдир вақтда яратилган ҳодиса. Одам ўшандай ҳолатга қайтиши керакки, унда у жовидоний (абадий) сифатларга эришади. Ўшанда Худо уни мавжудликка айлантирган, яъни у фардий-индивидуал мавжудликни касб этади, демак у Худодан яратилиш ҳижоби билан ажратилган ҳолатга тушади. Бу ҳижоб – пардани одамнинг бу дунёдаги ҳаёти даврида тўла ажратиб, узоқлаштириш мумкин эмас. “Суфий, – дейди Калободий, – ўз моҳияти билан Худода бўлатуриб, ўзини тўла йўқота олмайди, бироқ чексиз хайрат уммонида қолади”. Калободийга кўра фано (йўқлик) баъзан хусусий сифатларини йўқотишдан иборат, яъни шундай ҳолатки, суфий ақлидан махрум

6 Ўша манба. Б. 21.

7 Ўша манба. Б. 6.

бўла туриб, ақлсизлик ҳолатига тушади. Суфий фано ҳолатидан кейин янгидан ўз сифатларини касб эта оладими? деган саволга буюк суфийлар айтишадики, суфий фано ҳолати йўқолгандан кейин ўз сифатларига қайтади. Уларнинг айтишича, йўқолиш, бу илохий инъом ҳисобланади, суфий ўшанга лойиқ бўлиши лозим. Бу ҳолат Худо олдида махсус сажда қилиш белгиси, аммо бу касб этиш ҳолати саналмайди. Қандайдир шундай ҳолатдирки, Худо уларни танлаган ва ўзи учун бу ҳолатни қайд этган. Калободий шу ҳолатни асарида қуйидагича тушунтиради: «Фано – Аллоҳ томонидан бандага уни эъзозлаш учун берилган марҳаматдир, унга банда ўз хоҳиши билан эришолмайди. Аллоҳ ўзи учун хос деб танлаган бандани фано ҳолатидан қайтарадиган бўлса, унда Худо берган нарсасини рад этиш ёки қайтариш бўлади. Мақомларнинг энг улуғи имон бўлиб, у билан барча мақомларга эришиш мумкин. Шундай экан, имондан қайтиш мумкин бўлсада, фанодан қайтиш мумкин эмас. Агар фанодан қайтиш мумкин бўлганда эди, Худо пайғамбарларни валийлик даражасига туширган бўларди. Аллоҳ камчиликлардан холи зот».

Калободий ва бошқа суфийларнинг фано ва бақо тушунчаларига таяниб, япониялик олим Тосохико Изуцу фанони шундай шарҳлайдики, унингча фано бу ўзининг хусусий “мен”ини тўла йўқотилишини англашигача давом этади ва ўшанда фақат соф, мутлақ реалликнинг ягоналиги қолади. Бу унинг иккиланиб субъект (Холик) ва объектга (махлукқа) ажралганича мутлақ англаши сифатида қолади.

Калободий илк бор Мовароуннаҳрда тасаввуфни илмий тадқиқ қилган ҳамда араб тилида ижод қилган мутасаввифлардан бири бўлиб, у ўз қарашлари билан тасаввуф таълимоти тарихида чуқур из қолдира олди. Ўзидан кейин вужудга келган яссавия, кубравия, нақшбандия тариқатларининг шаклланишига ва кейинги мутасаввифлар ижодига салмоқли таъсир кўрсатди.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиши-

миз мумкин:

Биринчидан, бу даврда маълум маънода тасаввуф илмларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилиб рўёбга чиқаришга интилиш маънавий жасорат эди.

Иккинчидан, Абу Бакр Калободийнинг фалсафий фикрлари, тасаввуфий-ирфоний мушоҳадалари ва қарашларининг теранлиги, тасаввуф илмларининг зоҳирий ва ботиний сифатларига эътибори, унинг буюк мутафаккир, мутасаввиф эканлигидан далолат беради.

Учинчидан, Абу Бакр Калободий соф тасаввуф орқали ўзликни англаш, комил инсонни шакллантириш, кишилар ўртасида меҳр-шафқат, беозорлик, саховатпешалик каби асосий ғояларини ривожлантиришга чорлайди. Жамиятда инсонларнинг маънавий чанқоғини қондиришга ҳаракат қилади. Ҳурфикрлиikka даъват этади. Бу эса Калободийнинг ўз замонасида ўз ўрнига, беқиёс нуфузга, юксак салоҳиятга эга инсон ёки арбоб эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Бобир НАМОЗОВ,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси.



“САЛОТИ МАСЪУДИЙ” – ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ БЎЙИЧА НОЁБ ФИҚҲИЙ МАНБА

Ҳанафий мазҳаби Х–ХІІІ асрларда Мовароуннахр худудида кенг тарқалган бўлиб, унинг жуда кўп йирик, салоҳиятли вакиллари ва имомлари ҳам эътиқод, ҳам ҳуқуқ соҳаларида ушбу муҳитда камолот даражасига етганлар. Улар ўз илм ва тажрибаларини тўплаб китоб ва рисоалар таълиф этганлар ҳамда бой илмий-маънавий мерос қолдирганлар.

Бугунги кунда мустақиллик шарофати билан уларнинг ҳаёти ва меросини чуқур ўрганиш, асарларини тадқиқ этиш учун барча шароитлар мавжуд. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 27 мартдаги қарорига мувофиқ «Мерос» давлат дастури қабул қилинди².

Собиқ тузум даврида ўз ўтмиши, тарихи, ота-боболари қолдирган маънавий меросни ўрганишдан маҳрум бўлган халқимиз энди Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Имом ал-Марғиноний, Абу Бакр ал-Хоразмий каби нафақат ислом оламида, балки бутун дунёда катта шуҳрат қозонган буюк алломаларнинг ҳаёти ва бебаҳо ижодларини ўргана бошлади. Уларнинг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят улкан ҳиссалари ҳозирги кунда ҳам турмушнинг барча жабҳаларига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Президент И.А.Каримов айтганидек, «...ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда»³.

1 Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. Б. 524.

2 Тошкент окшоми, «Мерос» давлат дастури. 1991 й. 29 март.

3 Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 40–41.

Ана шундай аждодларимиздан бири фақиҳ ва мутакаллим Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф ас-Самарқандийдир. У тахминан ХІІІ асрда яшаган. Бизгача унинг «Салоти Масъудий» номли фиқҳий асари етиб келган.

«Салоти Масъудий» асари Ўрта Осиёда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабидаги барча мусулмонларнинг диний-ҳуқуқий соҳага оид ҳаётий масалаларига бағишланган. «Бул китоб «Салоти Масъудий» ким, мутаазомин аҳкоми фиқҳийдур ва ҳомили масоили шаръийдур»⁴. Ҳар бир масалада Қуръони каримдан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари ва Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раъйларидан ҳужжат ва далиллар келтирилган. Шунингдек, Абу Юсуф Яъқуб, Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний, Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳамда бошқа нуфузли дин арбоблари асарларидан иқтибослар келтирилади.

Китобнинг «Салоти Масъудий» деб номланишига сабаб «Намоздан ибтидо қилиб, бул китоб салоти Масъудийга шуруъ қилинди»⁵. Бошқа анъанавий фиқҳ китобларидан фарқли ўлароқ, «Салоти Масъудий» китоби таҳорат бобидан эмас, намоз бобидан бошланган. Китобдаги аксар масалалар ҳам намозга бағишланган (1 ва 2-жилдларда намоз ва унга боғлиқ бўлган масалалар баён қилинган бўлса, 3-жилдда закот, рўза, ҳаж, никоҳ, талоқ, қурбонлик, олди-сотди, вақф, васият ва ҳоказо фиқҳий масалалар ёритилган).

«Салоти Масъудий» асарининг аҳамияти ва қиммати шундаки, у ҳанафий мазҳабида ёзилган бўлиб, тўлалигича шаръий ҳукмлар ва ҳаётий масалаларга бағишланган ҳамда ўзига хос илмий услубда таълиф этилган. Масъуд ас-Самарқандий ҳар бир ҳукмни нақлий ва ақлий далиллар билан исботлайди. Мавзуни янада мустаҳкамлаш учун ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ўртага қўйиб, уларни аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби уламолари – буюк фақиҳларнинг ва машҳур саҳоба-ю муҳаддисларнинг фикрлари ҳамда ривоятлари асосида ҳал қилади.

4 Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудий туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, № 175, 1904. Б. 528.

5 Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудий туркий. ЎЗР ФАШИ, тошбосма, № 10401. 1910. Б. 12.

Масъуд ас-Самарқандий «Салоти Масъудий» асарини ёзиш учун жами 88 та мўътабар китоблардан масалалар олиб жамлаган, 125 та машхур саҳобалардан ҳадислар нақл қилган ва 149 та имом ва мужтаҳидлардан ривоятлар келтирган⁶.

Масалан, саҳобаи киромлардан Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.), Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.), Умар ибн Хаттоб (р.а.), Али ибн Абу Толиб (р.а.), Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.), Оиша (р.а.), Абу Ҳурайра (р.а.), Зайд ибн Собит ва бошқалардан ҳадисларни нақл қилган бўлса, буюк фақиҳ, имом ва мужтаҳидлардан Абу Юсуф Яъқуб, Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий, Имоми ажалл ас-Сарахсий, Имом Зуфар, Ҳасан ибн Зиёд, Имом Шараф ан-Навожизий, Имом Зухайр ал-Ўзжандий, Имом Зоҳид Фахр, Абдуллоҳ ал-Журжоний, Абул Ҳасан Кархий, Абул Қосим Ҳоким (р.х.) кабиларнинг фикрларини келтирган.

Масъуд ас-Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асари 83 бобдан иборат бўлиб, кейинроқ у фикҳий маълумотлар билан тўлдирилиб, 3 та бўлимга – жилдга ажратилган⁷.

«Салоти Масъудий»нинг биринчи жилди асосан куйидаги мавзуларни ўз ичига олган: намоз, Ҳазрат Имоми Аъзам маноқиблари, таҳорат, ғусл ва ҳоказо.

Иккинчи жилди масх, таяммум, қибла, кироат, намоз, азон, жамоат фазилати, нафл намозлар, марҳумни ювиш, саждалар ва ҳоказо масалаларга бағишланган.

Асарнинг учинчи жилди эса ҳуқуқий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган жуъзийётлар: амалий ибодатлар (закот, рўза, ҳаж), оила ҳуқуқи (никоҳ, разоъ, талок, идда), қасам, олди-сотди, рибо, ижара, вақф, курбонлик, ҳудуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), жиноят турлари, суд, даъво, гувоҳлик, қасос, сулҳ, васият, мерос ва бошқа кўплаб фикҳий мавзу ва масалаларни ўз ичига олган.

6 Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, № 75, 1904. Б. 2.

7 Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудий. ЎЗР ФАШИ № 4041. 1333 й. Самарқанд шаҳрида котиб Носир ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Кирмоний ал-Ғазнавий томонидан сулҳ хатида кўчирилган. 244 в. Қўлёзма жилдларга бўлинмаган.

Масъуд ас-Самарқандий ўзининг «Салоти Масъудий» асарини ёзишда, ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлганда саҳобалар ва тобеъинлар, асосий мазҳаблар асосчилари (кўпроқ Абу Ҳанифа ва Имом Шофеъий) ҳамда буюк фақиҳлар исмларини камоли эҳтиром билан тилга олиб, уларнинг фикрларини келтиради.

«Салоти Масъудий» асарининг муҳим жиҳати шундаки, унда бирор мазҳаб танқид қилинмайди, балки бир масала келтирилгач, уламолар иттифоқи мавжуд бўлса берилади. Агар қайсидир жиҳатида ихтилоф бўлса, мазҳаблар бўйича кўриб чиқилади. Аҳли сунна вал-жамоа йўналишига кирувчи тўрт мазҳаб ичидан асосан Имом Шофеъий эътибори келтирилади. Ундан сўнг ҳанафий мазҳаби уламоларининг фикри келтирилади. Ўртадаги ихтилофнинг фойдаси айтилади ва бизнинг уламоларимиз фикрига далил сифатида мисол келтирилади. Яна савол туғилгудек бўлса, ундаги ихтилофга яна далил келтирилади. “Имоми Аъзам ва Абу Юсуф ... дейди”, “Имом Муҳаммад ... дейди”. “Бу хилофнинг фойдаси шуки, ... бундай бўлса, ундай бўлади”⁸ ва ҳоказо.

«Салоти Масъудий» китобида ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб фикҳ илмининг йирик олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли фақиҳлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқий масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган.

Демак, Масъуд ас-Самарқандий қаламига мансуб «Салоти Масъудий» асарининг назарий манбаларини куйидагилар ташкил этади:

Биринчидан, Қуръони карим оятлари;

Иккинчидан, дастлабки тўрт халифа, саҳобалар ва тобеъинларнинг ривоятлари, улар хабар қилган муқаддас ҳадислар;

Учинчидан, суннийлик оқимидаги тўрт мазҳаб асосчилари бўлмиш Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад

8 Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, № 175, 1904. Б. 31.

В данной статье речь идет о факихе Масъуд ас-Самарканди который жил в XIII веке и его произведение «Салоти Масъуди», посвященная проблемам и принципам исламского шариата, приведены доказательства о значении и ценности книги.

В ней также дана информация о ценных рукописях и литографических изданиях, которые хранятся в различных фондах Узбекистана.

The article deals with Mas'ud as-Samarkandi who lived in the 13th century and his work "Saloti Mas'udi" devoted to the problems and principles of Islamic Sharia, as well as some evidences have been put forward on the importance and value of the book.

Additionally, the article sheds light on the rare manuscripts and lithographic works kept at different depositories of Uzbekistan.

ибн Идрис аш-Шофеъий, Молик ибн Анас, Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг асарлари (асосан юқоридаги аввалги икки мужтаҳиднинг фикрлари берилади. Сабаби ўша даврда Мовароуннахр ва Хуросонда мазкур икки мазҳаб ҳукмрон эди);

Тўртинчидан, Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг шогирд ва сафдошларидан Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Имом Зуфар ва бошқа бир қатор машҳур имом ва мужтаҳидларнинг асарлари;

Бешинчидан, Бурхониддин ал-Марғиноний, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Имом ас-Сарахсий, Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий ва бошқа буюк фақиҳларнинг асарлари;

Олтинчидан, Масъуд ас-Самаркандий «Салоти Масъудий» китобида ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида ўрни келганда турли ботил фирқаларнинг фикру мулоҳазаларини ҳам кўриб ўтган ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдирган.

Кўриниб турибдики, фақиҳ Масъуд ас-Самаркандий мазкур китобни тасниф қилиш учун ислом ҳуқуқининг турли соҳалари бўйича ёзилган кўплаб муаллифларнинг асарларини, мулоҳазаларини кўриб чиққан. Бир ҳуқуқий масалани кенгроқ ёритиш ва яхшироқ тушунтириш учун улар билдирган фикр-мулоҳазаларни бир-бири

билан солиштирган ҳамда ўзининг шахсий фикри ва ҳулосасини берган. Бу эса Масъуд ас-Самаркандийнинг нақадар кўп қиррали ва бой истеъдод эгаси эканлигини яққол кўрсатади.

Ҳанафий мазҳабида ёзилган «Салоти Масъудий»га халқимизнинг эҳтиёжи ниҳоятда баланд бўлган. Мадрасаларда талабаларга айнан шу китобдан дарс берилган. Асарнинг илмий етуқлиги, амалий қулайлиги сабабли, давр унинг кўплаб нусхаларда бўлишини тақозо қилган. Шу сабабли асар турли ҳудудларда қотиблар томонидан кўплаб қўлёзма нусхаларда, маълум мақсадларда китобат қилинган. Кейинчалик тошбосма кашф этилгач, XVIII–XX асрларда ҳам Самарқанд, Қўқон, Бухоро ва бошқа шаҳарларда, шунингдек Ҳиндистоннинг Бомбай, Покистоннинг Лоҳур ва бошқа шаҳарларида қайта-қайта нашр этилган.

«Салоти Масъудий» асарининг ҳозирда Ўзбекистон фондларида сақланаётган қуйидаги қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида «Салоти Масъудий»нинг 36 та қўлёзма (33 та форсий, 3 та туркий), 21 та тошбосма нусхалари (16 та форсий, 5 та туркий);

2. Мазкур институтнинг Ҳамид Сулаймон фондида 13 та қўлёзма (12 та форсий, 1 та арабий), 21 та тошбосма (13 та форсий, 8 та туркий) нусхалари;

3. Мусулмонлар идораси кутубхонасида 26 та қўлёзма нусхалари;

4. Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида 4 та (3 та форсий, 1 та туркий) тошбосма нусхалари мавжуд.

Жами 121 та (75 та қўлёзма ва 46 та тошбосма) нусхалар қайд этилди. Қўлёзмалар барчаси настаълиқ хатида ёзилган. Лекин уларнинг орасида иккита насх⁹ ва битта сулс¹⁰ хатида ёзилганлари ҳам мавжуд.

9 Масъуд ас-Самаркандий. Салоти Масъудий. ЎЗР ФАШИ, қўлёзмалар, № 8400 ва № 9645.

10 Масъуд ас-Самаркандий. Салоти Масъудий. ЎЗР ФАШИ, қўлёзма, № 4041.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу каби ноёб асарлар юртимиз ва хорижий давлатларнинг кутубхона ва фондларида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Мазкур асарнинг ноёблиги шундаки, биринчидан ханафий мазҳабида ёзилган. Иккинчидан, ҳар бир ҳукм нақлий ва ақлий далиллар билан исботланган. Учинчидан, нуфузли дин арбоблари асарларидан иқтибослар келтирилган. Тўртинчидан, муаллиф бир ҳукукий масала бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солиштириб, ўзининг шахсий фикри ва хулосасини ҳам берган. Бешинчидан, асар илмий етуклиги, амалий қулайлиги сабабли қўлёзма ва тошбосма нусхаларда кенг миқёсда кўпайтирилган. Биз каби ёшларнинг вазифаси эса бой илмий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва халқимизга тақдим этишдир.

Хулкар УСМОНОВА,
Тошкент ислом университети
тадқиқотчиси.



ФИТРАТ ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши қишлоқларни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш чораларини кўришни назарда тутган. Тараққиёт – ривожланишнинг оддийдан мураккабга, куйидан юқорига йўналган шакли бўлиб, қишлоқ хўжалиги тараққиёти, ўз навбатида, мамлакатимизнинг раванқ топишига олиб келади. Фаровонлик – бу тинч, осуда, тўкин-сочин ҳаёт бўлиб, эркин ва фаровон ҳаёт асосини тадбиркорлик, ташаббускорлик, тинимсиз меҳнат ифода этади.

Мамлакат тараққиётида қишлоқ аҳли ва деҳқончиликнинг муҳим ўрин тутишини ўз вақтида англаб, ўз асарларида бу ҳақда кўп ва хўп уқтирган ватандошларимиздан бири – давлат ва жамоат арбоби, серкирра олим Абдурауф Фитратдир.

Фитрат ўзининг “Нажот йўли” асарида Бухоронинг аграр давлат эканлиги ва аҳолининг катта қисми деҳқончилик воситасида кун кечиришини айтади. Адиб “ўз камчилигини билмаган халқ буюк бўлмади” деган машҳур мақолга амал қилиб, ўз Ватани ва бошқа давлатларда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси, деҳқонларнинг она заминга бўлган муносабати ҳамда бу мамлакатлардаги қишлоқ аҳлининг турмуш шароитини таққослайди. Абдурауф Фитрат деҳқончиликнинг аҳволи ҳақида таассуф билан шундай ёзади: “Бизлар шу деҳқонбоп ерларимиздан ҳам тўғри фойдаланишни билмаймиз. Агар бизникидақа ерлар японларда бўлганда борми, қисқа вақт ичида у ернинг деҳқонлари миллионлаб даромадларни қўлга киритишарди. Шундай муборак ерларнинг эгаси бўлмиш деҳқонларимиз эса дунёдаги энг камбағал одамлар бўлиб юришибди”¹.

Миллат учун қайғуриб яшайдиган инсонларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсадлари ҳам, улар қайси замонда яшашларидан қатъий назар ўхшаш бўлади. Юртбошимиз Ислом Ка-

¹ Фитрат. Нажот йўли. Т., 2000. Б. 134.

римов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Япония ва Кореянинг бошқа юртларга нисбатан кўпроқ тараққий этгани шу халқларнинг маънавиятида деб уқтиради:

“Масалан, Япония ёки Жанубий Кореяни олайлик. Бу мамлакатларнинг иккинчи жаҳон урушидан кейин қандай оғир аҳволга тушиб қолганини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, улар ниманинг эвазига қисқа давр ичида бу қадар ривожланишга эриша олди? Ахир, бу ўлкаларда мўл-кўл табиий хомашё манбалари, минерал ресурслар деярли йўқ-ку! Албатта, бу борада ўша пайтда дунёда мавжуд бўлган сиёсий омиллар, халқаро вазиятнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Лекин япон ва корейс халқи асрлар давомида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти ҳисобидан ҳам ривожлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас”².

Фитрат ҳам деҳқончиликка мослашмаган Фарангистон (Франция) ва Япония юртларининг меҳнаткаш аҳолисига қойил қолиб, уларнинг тошлоқ ерларга ишлов беришлари, “тоғлар этагига турли хил дорилар сепиб, деҳқончилик қилишлари”ни ўз юртдошларига ўрнатиб қилиб кўрсатади. Аммо “муборак ерларнинг эгаси бўлмиш деҳқонларимизнинг дунёдаги энг камбағал одамлар бўлиб юрганидан” қаттиқ ранжиган адиб “экиш-йиғиш ишларига унча аҳамият бермайдиган” деҳқонларни танқид қилади: “Бахтга қарши, бизнинг мамлакатдаги амлоқдорлик усулларида деҳқонлар хароб бўладиларки, фойда ололмайдилар. Камоли журъат ила айтаманки, қишлоқларга бориб турадиган амлоқдор ва қозиларнинг ҳар бири гўёки деҳқонларнинг хирмонига тушган жаҳаннам оташига ўхшайдилар. Бир тарафдан, бизнинг аҳоли (яъни деҳқонлар)миз экиш-йиғиш ишларига унча аҳамият бермайдилар. Ваҳоланки, улар ўз ишларини тартибга солиб, зўр берсалар, зарбахш ерларимиз қисқа фурсат ичида яхши даромад бериб, ер соҳиблари сарват эгаларига айланган бўлардилар”³.

Абдурауф Фитрат Европа мамлакатлари ва Япония давлати ҳукуматларининг

В статье высказано мнение Абдурауфа Фитрата о развитии и благосостоянии села. В ней мыслитель дает советы по поводу развития земледелия по примеру европейских стран и Японии. Для этого он говорит о необходимости учреждения общества и фонда, открытия земледельческих школ, а также выдвигает предложение об организации сельскохозяйственного банка и его отделений, образовывании разных благотворительных обществ. Он высказывает мнение о зависимости благосостояния страны, в том числе сельского хозяйства, от продажи произведенной продукции и здоровья сельских жителей.

Также в статье критикуются некоторые недуги, препятствующие развитию и благосостоянию села.

The article deals with the ideas of Abdurauf Fitrat on the development and welfare of a village. The thinker puts forward his advice on the development of farming in the example of European countries and Japan, to be precise. He pays a key attention to the establishment of schools, society and fund of agriculture. Moreover, he suggests setting up the bank of agriculture and its departments, to create different charity societies. He also accentuates the fact that the well-being of a country depends largely on the sale of agricultural products and the social state of villagers. Additionally, the thinker criticizes certain problems preventing a village from developing and improving its welfare.

деҳқончиликни тараққий эттириш учун қилган саъй-ҳаракатлари: турли қонун ва низомлар ишлаб чиққанликлари, деҳқончиликдан таълим берадиган мактаблар очганликлари, ҳайратомуз машиналар яратганликлари, деҳқончиликнинг ривожига ва такомилга учун махсус жамиятлар таъсис қилганликлари ва бу жамиятнинг аъзолари ҳар доим фидокорлик билан ҳаракат қилишлари ҳақида шундай ёзади: “...Шу тариқа ҳиммат соҳиблари гуруҳ-гуруҳ иттифоқлар тузиб, турли хил жамиятлар ташкил қиладилар; ҳар бир жамият эса миллатнинг бир нав эҳтиёжини эътибор назари-

2 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 26 – 27.

3 Фитрат. Набот йўли. Т., 2000. Б. 134.

га олиб, шунинг учун ҳаракат қилади. Масалан, деҳқончиликни ислоҳ қилиш жамиятини ташкил қилишда, аввало, унинг хатти-ҳаракати ва вазифаларини кенгаш қароридан ўтказиб, бу хусусда қонун қабул қилиб, жамиятнинг маслак ва мақсадлари эълон қилинади”.

Фитрат ижтимоий ҳаётнинг қайси бир жабҳаси ҳақида сўз юритмасин, ислом динининг шу масалага муносабатини билдириб ўтади. Шуниси аҳамиятга моликки, Фитрат диний ақидаларга берилиб, дунёвий вазифаларни, аксинча, дунёвий ташвишларга ўралашиб қолиб, дину диёнатни унутмайди. Шунингдек, Фитрат “ҳаракатда баракат” бўлишини, аммо шунда ҳам худодан ҳожати раво бўлишини сўраб дуо қилса, мақсадига эришиши мумкинлигини уқтиради: “Фалон бир деҳқоннинг икки таноб ери бор. У яхши ҳосил олишни жуда хоҳлайди. Агарда бу киши баҳордан ҳўкизлари, қўш, омон, уруғ ва бошқа асбобларини экишга тайёр этмай: “Эй худо, шу еримдан эллик ман буғдой ҳосил бергин”, деса, унинг еридан ўзидан-ўзи буғдой кўкариб чиқмайди. Лекин экин асбоб-анжомларини тайёр қилиб, ерни яхши ҳайдаб, уруғни экса ҳам, сиз ўйламангки, деҳқоннинг иши шу билан тамом бўлди, энди у албатта яхши ҳосил етиштириб олади, деб. Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, сел келиб мазкур ерни бузиши ёки чигиртка келиб кўкарган буғдойни еб кетиши эҳтимолдан холи эмасдир. Шунинг учун деҳқон самодан келадиган бало ва офатларнинг олдини олиш учун дуо қилади; ҳазрати Воҳиб ал-атоё унинг дуосини қабул қилиши ҳам мумкин”⁴.

Фитрат динимиз томонидан инсонларни деҳқончилик билан шуғулланишга даъват қилинганлиги ҳақидаги ҳадисларни келтиради: “Мусулмон дарахт экиб, экин-тикин қилса ва унинг ҳосилидан одамлар, ҳайвонлар ё паррандалар еса, бу ўша мусулмоннинг садақа бергани каби бўлади”; “Кимнинг ери бўлса, унда ишласин; агар ишлашга қуввати бўлмаса, бировга берсинки, у ишлатсин. Агар буларни қилмаса, унинг ери: мен ундан ҳеч яхшилик кўрмадим, дейди”.

XIX аср охирилари – XX аср бошларида юртимизда жуда нохуш ҳолат юзага келган,

яъни судхўрлик авж олган бўлиб, бу иш динимиз томонидан қатъий қораланса-да, ҳатто “қуббат ул-ислом”, “шариф шаҳар” деб ном қозонган Бухорода ҳам судхўрлар талайгина эди. Бу ҳолат бизга машҳур ёзувчи Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” асари орқали таниш. Судхўрлик шундай бир балоки, кўп ҳолларда содда деҳқонлар судхўрнинг уларга “эллик танга бериб, юз тангага қарздор қилиб” қўяётганини, яна шу юз тангани ҳам бир ёки икки фойда фойдаси билан олаётганини ҳам англаб етмас эдилар! Фитрат бунинг оқибатида ўзи шундоқ ҳам ночор кун кечираётган деҳқонларнинг янада хонавайрон бўлаётганини ёзади.

Фитратнинг саховат кўрсатиш масаласига қараши ўзига хосдир. У “кенгашли тўй тарқамас” мақолининг маъносини саховатли инсоннинг камбағал одамга кўрсатган ёрдами мисолида очиб беради. Фитрат ҳар бир саховатпеша инсон якка тарзда эмас, балки бошқалар билан кенгашиб, келишиб иш қилса, миллат учун бунинг самараси каттароқ бўлади, дейди: “...Арз қилганимдек, қараму саховат миллатга мададдир. Бир миллатнинг эҳтиёжи турли хил бўлади: деҳқончилик ва тижоратга эҳтиёж, илмий, диний эҳтиёж ва бошқалар. Инчунин, миллатимиз ҳам ҳар хил ишларда бир нарсага бир жиҳатдан эмас, балки турли жиҳатлардан муҳтождир. Масалан, баъзилар экишга муҳтожлар, яъни ўзлари деҳқонлару, лекин экишга ерлари йўқ; ё ерлари бўлса ҳам, экишга асбоб-воситалари йўқ; экин экадилар, лекин экканларидан ўзлари баҳра олмайдилар...”⁵.

Қалби ватанпарварлик ҳислари билан тўлиб-тошган адиб чет эл мамлакатларида бўлгани каби, Бухорода ҳам қишлоқ хўжалик банки ва унинг бўлимларини ташкил этиш орқали деҳқонларни судхўрлар қанғалидан қутқариш, турли хайрия жамиятлари тузиш, уларга четдан қишлоқ хўжалик машиналари олиб келиш ва фойдаланишни йўлга қўйиш каби тақдирларни ўртага ташлайди. Унинг фикрича, буларнинг устидан ер ишлари но-зири назорат ўрнатиши лозим эди.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва унинг ривожини таъминлаш мақсадида 1918 йилда Ёш бу-

4 Ўша манба. Б. 88.

5 Ўша манба. Б. 87.

хороликлар партиясининг 13 бобдан иборат ёзиб берган дастурида Фитратнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ўзининг чуқур ифодасини топган. Бу вақтда ҳали Бухорода ёш бухороликларнинг амир билан баҳси давом этарди. Партия ислохотлар лойиҳасини тузишни ҳам Фитратга топширади. Икки ой ўтиб, лойиҳа бир оз тузатишлар билан қабул қилинади. Унда амирликни конституцион монархияга айлантириш масаласи кўтариб чиқилган эди. Шунингдек, лойиҳада Фитратнинг деҳқончиликка, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўллари хусусидаги мулоҳазалари ҳам баён қилинган эди. У ҳайдаладиган ерларни уч гуруҳга – вақф ерлари, хусусий ва давлат ерлари (амлок, хирож)га бўлади. Фитрат вақф ерларини бошқариш учун алоҳида вақф назоратини ташкил этиш; уларнинг ишини маориф ва илм-фан равнақини таъминлайдиган шаклда қайта тузиш; катта ер эгаларига солинадиган солиқларни кўпайтириш; экилган ва экилмаган ерларга солинадиган солиқ миқдорини тенглаштириш ва шу тадбирлар орқали ердан унумли фойдаланиш каби таклифларни ўртага ташлайди.

Фитрат ватанпарвар, халқпарвар ва жонкуяр инсон сифатида қишлоқ аҳлининг саломатлиги, уларнинг турли касалликларга чалинаётгани, беморларни даволашга қодир табиблар етишмаслиги ҳақида қайғуради.

Фитрат дунё кўрган инсон бўлганлигидан давлатлар сарвати (мол-давлати)нинг кўпайиши, куч-қудратининг зиёда бўлиши, жаҳон ҳамжамияти ўртасида ҳурмат-этиборга сазовор бўлиши учун ўзи етиштирган маҳсулотни хорижга чиқариб сотиши зарур, деган хулосага келади. У бу фикрини асослаш учун Франция давлатининг ўз маҳсулотларини оташарава (поезд) билан жаҳон бозорига чиқариб сотаётганлиги, пировард-натижада, давлатнинг жадал суръатлар билан ривожланаётганлигини мисол қилиб келтиради: “Фарангистон олимлари оташарава, машина ва кемаларни, санъат асарлари ва деҳқончилик маҳсулотларини атрофга (чет элларга – М.Р.) чиқариб сотиб, пул қилиб, шу йўсинда хазиналарини бойи-тадилар. Уларнинг деҳқончилик ва саноатнинг тараққий топиши асосан шу оташарава

орқасидандир... Демак, ҳар бир давлат сарвати зиёда бўлиши учун ўз молини хорижга чиқариб сотиши зарур экан”⁶. Фитрат ушбу хулосага келишига сабаб бўлган воқеани эслаб, шундай ёзади: “Бухорода эканлигимда бир нечта ажнабийлар баъзи бир меваларимизни хомлигича арзонроқ баҳода сотиб олмоқчи бўлдилар. Аммо Бухоро ҳукумати амалдорлари уларга рухсат беришмади. Нега? Чунки улар меваларимизни хомлигича арзон баҳода олиб кетсалар, Бухорода мева қиммат бўлар эмиш. Бир инсоф билан ўйланг-а, фалон бир шаҳарнинг одами келиб бир оз хом ўрикни икки пул арзонига олиб еса нима қилибди, унга ман этиб, юзлаб деҳқонларимизни ҳалол пул топишдан маҳрум қилишда не маъно бор экан?”⁷

Дарҳақиқат, деҳқоннинг фаровон яшаши ўзи етиштирган маҳсулотни фойдали нарҳда сота олишига боғлиқдир. Халқпарвар адиб шу ҳақиқатни тушунмагани ҳолда бу ишга йўл қўймаган амалдорларга танбех беради ва оддий деҳқоннинг оғир ҳаётини кўриб юраги ачинади. Фитрат мамлакат қишлоқ хўжалигини бу оғир аҳволдан чиқариш йўллари кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам биз бу буюк адибни мамлакатнинг равнақ топиши, халқнинг фаровон яшаши учун деҳқончиликни ривожлантириш ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш зарурлигини англаган, буни ўз асарлари орқали ҳамюртларига етказган ватанпарвар инсон сифатида қадрлаймиз.

Мавлуда РАҲМОНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси.



⁶ Ўша манба. Б. 138.

⁷ Ўша манба. Б. 139.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Бугунги кунга келиб, инсоният фан, техника ва технология тараққиёти, глобаллашув жараёни туфайли улкан қулайликлар ва кенг имкониятларга эга бўлмоқда. Бироқ, бу шароит таъсирида мафкуравий кураш ҳам ўзига хос тарзда кечмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамыз”¹.

Бугунчи, вайронкор ғоя ва мафкуралар муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда шаклланган бунёдкор мазмунга эга бўлган маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларга нисбатан мафкуравий таҳдидни ўзида ифода этади. Мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини очиб бериш учун, аввало, “таҳдид” тушунчасининг мазмунини ойдинлаштириш зарур. Бунинг учун эса, ўз навбатида, “таҳдид”, “хавф” ва “хатар” сўзларининг маъно ва мазмуни масаласига тўхталиш жоиз. Чунки улар аксарият ҳолларда ёнма-ён, мазмунан бир хил воқеа-ҳодисаларни ифода этишда қўлланиб келинади. Шундай экан, бу сўзнинг мазмунини аниқ белгилаб олиш муҳим методологик аҳамиятга эга.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “таҳдид” сўзи, биринчи маънода, “дўқ қилиш, кўрқитиш”, иккинчи маънода эса, “бир фалокатнинг, кўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи; хатар, хавф” тариқасида изоҳланган².

Хорижий манбалардан бирида таъкидланишича эса, “таҳдид исталган шаклда ифода этилган, ижтимоий ёки шахсий манфаатларга нисбатан жисмоний, моддий ёки бошқа

шаклларда зарар етказиш нияти, мақсадини”³ ташкил этади. “Словотолк” изоҳли луғатида “хавф” сўзи “... жуда ёмон ниманингдир, қандайдир бахтсизликнинг таҳдиди, имконияти” деб тавсифланган бўлса, “таҳдид” эса, имкониятдаги хавф-хатар тарзида изоҳланган⁴.

Ушбу таъриф-тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, “таҳдид” ва “хавф-хатар” сўзларининг маъно ва мазмун жиҳатидан бир-бирига жуда яқин экани тўғрисида ҳулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун, уларни синоним сўзлар сифатида ишлатиш шу йўналишдаги воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини англашга монелик қилмайди.

Таъкидлаш жоизки, таҳдидларнинг мавжудлиги хавфсизлик масаласининг доимий равишда кун тартибида туришини тақозо этади. Зеро, хавфсизликни таъминлаш — бу, таҳдидларнинг олдини олишни англатади. Шу муносабат билан хавфсизлик масалалари бўйича илгари сурилган қуйидаги ёндашувларга эътиборни қаратиш ўринли. Жумладан, М.М.Гаджимирзаев фикрича, “Хавфсизлик — мунтазам кучайиб боровчи, фуқаролик жамиятида ҳокимият сиёсий институтлари функцияларининг бузилиши ва ҳатто, жамиятнинг таназзулига олиб келувчи зиддиятли ҳолатларнинг йўқлигидир”⁵. Ушбу таърифда хавфсизлик ва таҳдид масаласига сиёсий нуктаи назардан ёндашилган. Зеро, мутахассис таҳдид сифатида ҳокимият сиёсий институтлари фаолиятига путур етказиши мумкин бўлган омилларни назарда тутган. Шу маънода, ушбу методологик ёндашув умумий маънодаги хавфсизлик, ўз навбатида, “таҳдид” тушунчасининг ҳам мазмунини конкретлаштиришга имкон бермаган.

Хавфсизлик муаммоси ҳақида гапирганда хавфнинг чекланиши ёки олиб ташланишини назарда тутилади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, алоҳида олинган инсон ҳам, унинг турли ҳамжамиятлари ҳам умуман хавф йўқ бўлган ҳолатга эриша олмаган. Шунинг учун, хавфсизликини инсон ва унинг уюшмалари ўз

1 Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 112.

2 Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Б. 41.

3 «Российский энциклопедический словарь» — <http://enc.mail.ru/article/1900449571>.

4 Қаранг: Словотолк: толковые и энциклопедические словари — <http://www.slovotolk.ru/ol356.html>.

5 Гаджимирзаев М.М. Этноконфессиональная толерантность как фактор обеспечения мира и безопасности на Северном Кавказе: Автореф ... дисс... канд. полит. наук. Ставрополь, 2003. С. 16.

В статье проанализировано содержание и определены формы проявления идеологических угроз и опасностей. Раскрыта взаимосвязь духовных и идейных воздействий, а также сделан вывод об особенностях системы идеологических угроз.

The article analyses the contents and defines the forms of emergence of ideological threats and dangers. The article reveals the interrelation of spiritual and ideological effects and concludes the peculiarities of the system of ideological dangers as well.

ўзини сақлаш мақсадида доим интилишлари зарур бўлган идеал сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ⁶, – деб ёзади И.А.Крылова.

Ю.Кузнецов, В.Никольскийлар томонидан эса, хавфсизликнинг ижтимоий, миллий, давлат каби шакллари таҳлил қилинган ва жамият умумий хавфсизлигининг асосий кафолати сифатида миллий давлатчилик кўрсатилган⁷.

Хавф-хатарлар моҳиятига нисбатан ушбу ёндашувлар таҳлили асосида, бизнингча, умумий маънода “таҳдид” тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Таҳдид биологик ва ижтимоий тизимдаги нормал ҳаёт тарзининг бузилишига олиб келадиган омиллар, хавф-хатарлар мажмуидир. Шу маънода, у негатив ҳодиса, жараёндр.

Жамият ҳаётига нисбатан таҳдидлар тарихий ҳодиса бўлиб, улар тараққиётнинг барча босқичларида мавжуд бўлади. Шу нуқтаи назардан, бир-биридан фарқ қилувчи турли маданий тизимлар, давлатчилик анъаналарининг шаклланиши, улар ўртасидаги табиий ва ижтимоий ресурслар учун кечадиган доимий кураш ва рақобат турли йўналишлардаги таҳдидларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган дейиш мумкин.

Бугунги кунга келиб, инсоният ҳаётига хавф соладиган таҳдидларнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, демографик, экологик каби шакллари ажратиш кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, ушбу соҳаларнинг ҳар бири орқали амалга ошириладиган

таҳдидлар ҳам янада конкрет кўринишларда юзага чиқади. Масалан, ҳарбий таҳдидлар ҳақида гапирганда, бир давлат бошқасига нисбатан ҳарбий агрессия хавфини намоён қилиши мумкин. Аммо, ядро қуроллари орқали кечадиган ҳарбий ҳаракатлар хавфи глобал характерга эга бўлиб, умуминсониятга нисбатан таҳдидни ифода этади.

Таъкидлаш жоизки, қадим даврларда давлат ва жамият ҳаётига ҳарбий таҳдидларнинг хавф-хатар даражаси жуда юқори бўлган. Зеро, халқаро муносабатларда дипломатия, ўзаро тенглик, ҳурмат, дахлсизлик каби демократик тамойиллар деярли амал қилмаган шароитларда давлатлар асосий эътиборни ҳарбий куч-қудратни ошириш, ҳар жиҳатдан ҳаракатчан армияга эга бўлишга қаратган. Бошқача айтганда, ҳарбий салоҳият давлат куч-қудратининг бирламчи белгиси бўлган. Мамлакат ташқарисида доим мавжуд бўлган ҳарбий таҳдидлар бунга сабаб бўлган. Албатта, ҳарбий хавф-хатар бугунги кунда ҳам жамият ҳаётида ўз ўрнига эга. Бироқ, бизнинг давримизда кўкқисдан, реал асосларсиз, кутилмаганда содир бўладиган ҳарбий агрессияга барҳам берилган десак, муболаға бўлмайди.

Таҳдидлар объектив ва субъектив характерга эга бўлади. Айни пайтда, турли йўналишлардаги таҳдидлар бир-бирини тўлдиради, ўзаро тақозо ва таъсир бўлади. Чунончи, муайян халқаро меъёрларни бузган давлатларга нисбатан иқтисодий санкцияларнинг қўлланиши жаҳон амалиётида кенг ўрин эгаллайди. Баъзи ҳолларда бундай чораларга етарли асосларсиз мурожаат қилинишини инобатга оладиган бўлсак, бундай иқтисодий хавфни ташкил этиш маълум сиёсий омиллар билан ҳам шартланган бўлади ва давлат, унинг уюшмалари, турли сиёсий кучлар ўртасидаги мафкуравий-сиёсий зиддиятлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий тизимлар ҳаётида учрайдиган ҳар қандай таҳдидлар ғоявий, мафкуравий асосларга эга.

Таҳдидлар, айниқса, иқтисодий соҳадаги хавф-хатарлар баъзи ҳолларда субъектив омиллар таъсирида юзага келади. Лекин, объектив характерга эга таҳдидлар ҳам мав-

6 Крылова И.А. Проблема безопасности России в контексте глобализации. М.: Институт философии РАН, 2001. С. 5.

7 Қаранг: Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. М.: Культура Сеть, 2000. С. 395.

жудки, уларнинг иқтисодий оқибатлари бутун инсоният учун аянчли бўлиши мумкин. Дунёда чучук сув захиралари ҳамда энергия ташувчи ресурсларнинг тугаб бориши каби объектив таҳдидлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ҳамда дунёда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига кўра бир-биридан жуда катта фарқ қиладиган давлатларнинг пайдо бўлиши натижасида, иқтисодий усул ва воситалар, механизмлар орқали маълум манфаат ва мақсадлар йўлида давлатлар ҳаётига нисбатан таҳдидлар ҳам ривожланиб бормоқда⁸.

Сиёсий мазмунга эга бўлган хавф-хатарлар ҳам давлатлар ҳаётига жиддий таҳдид солади. Зеро, сиёсий таҳдидлар бошқа йўналишларда таъсир ва босим ўтказиш учун ўзига хос маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда, баъзи ҳолларда ички ва ташқи сиёсий масалаларда қўшни давлатлар ёки дунёнинг етакчи кучлари манфаатларига мос келмайдиган сиёсий позицияларга эга бўлган баъзи давлатларнинг турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар таркибига киришига монелик қилиш, шунингдек, таркибдан чиқариб юборишга интилиш ҳоллари мавжуд. Бу албатта, ўша давлатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида жиддий сиёсий тўсиқ ва тазйиқларга сабаб бўлади.

Маълумки, XX аср Ер сайёраси аҳолиси сонининг кескин кўпайиши билан ҳам аҳамият касб этди. Минтақалардаги демографик ўзгаришлар динамикасини ўрганиб, мутахассислар сайёрамизда ўзига хос “демографик портлаш” юз берганини эътироф этишди. Шунинг учун, бугунги кунда демографик таҳдидлар ҳақида кўп гапирилмоқда. Яқин ва узоқ келажакда Ер шари аҳолиси сонининг қандай миқдорга етиши борасида турли прогнозлар илгари сурилмоқда. Аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши нормал ҳаёт кечириш учун шарт-шароитларга эга бўлган ҳудудлар етишмовчилиги, ўз навбатида, чек-ланган табиий ресурслар шароитида кўп сонли аҳоли эҳтиёжларини қондириш каби глобал аҳамиятга эга демографик сабаблар билан шартланган таҳдидларни юзага келтиради⁹.

8 Қаранг: Тихонравов Ю.В. Геополитика: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2000. Б. 269.

9 Қаранг: Капица С.П. Сколько людей жило, живет и будет жить на земле. Очерк теории роста человечества. М.: Аспект, 1999; Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса. (Очерки теории и методов исследования). М.: УФН, 2000.

Юқорида таъкидланганидек, таҳдидлар жамият ҳаётининг қайси соҳасига дахлдор бўлишидан қатъи назар, муайян ғоявий манфаат ва мақсадлар билан шартланган бўлади. Демак, ижтимоий характердаги таҳдидлар, асосан маънавий соҳаси орқали амалга оширилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бу турдаги хавф-хатарлар мажмуи яхлит тарзда маънавий таҳдидлар феноменини ташкил этади. Зеро, И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “маънавият — инсонни руҳан покляниш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹⁰. Шунинг учун, турли мақсадларни кўзлаётган кучлар энг аввало, айнан мана шу мезонга таъсир кўрсатиш, уни ўзига мақбул йўналишда ўзгартиришга интилоқда.

Маънавий таҳдидлар ғоявий, мафкуравий усул ва воситалар, таъсир кўрсатиш механизмлари орқали амалга оширилади. Шу маънода, бундай таҳдидлар мафкуравий хавф-хатарларни ифодалайди. Тизим сифатида маънавий таҳдидлар иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, демографик-экспансиявий, маданий-маърифий ва бошқа характерга эга бўлган, қисман алоҳида соҳа ва ҳодисалардан иборат, умуман эса, бир-бирини тақозо қилиб, ўзаро тўлдирувчанлик табиатига эга узвий боғлиқ қисмлардан иборат. Ўз навбатида, мафкуравий таҳдидлар маънавий хавф-хатар, таъсирлар кечадиган асосий йўналиш, жабҳа ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” номли асарида баён қилинган фикр-мулоҳазалар, концептуал қарашлар таҳдидларнинг моҳиятини англаш, уларнинг намоён бўлиш шакллари-ни аниқлашда улкан назарий манба бўлиб ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, асарда жамиятимиз ҳаётига нисбатан еттига йўналишдаги таҳдидлар

10 Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 19.

тизимли таҳлил қилиниб, уларнинг олдини олиш омиллари сифатида барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари аниқ кўрсатиб берилган¹¹.

Президентимиз томонидан таҳлил қилинган таҳдидлар маънавий-мафкуравий йўналишда бўлиб, қуйидагилардан иборат: минтақавий можаролар, диний экстремизм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар.

Эътибор берилса, ушбу ҳодисалар асосан ғоявий, мафкуравий йўллар орқали жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Шу маънода, улар айти пайтда, мафкуравий таҳдидлардир.

Мафкуравий таҳдидлар макон ва замон хусусиятларига эга. Зеро, маълум бир тарихий давр учун реал хавф-хатарни ифодалаган ғоялар, мафкуралар вақт ўтиши билан бошқа тарихий босқичда бундай тавсифланмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, бир маконда нормал ҳисобланган воқеа, ҳодиса, жараёнлар, айти бир тарихий даврда, бошқа маконга нисбатан таҳдид сифатида ўзлигини намоён қилиши ҳам мумкин.

Мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш мафкуравий хавфсизликни таъминлашни тақозо этади. Сўнгги йилларда нашр этилаётган адабиётларда мазкур йўналишдаги масалаларнинг долзарбланишидан келиб чиқиб, уларни таҳлил қилиш, асосий тушунчалар ва тамойиллар мазмунига ойдинлик киритишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаш зарур. Жумладан, уларнинг бирида мафкуравий таҳдид “... ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрқитув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириши ... жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуи”¹², мафкуравий хавфсизлик эса “шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган

мафкуравий тажовузлардан, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча”¹³ сифатида тавсифланади.

Мафкуравий таҳдид мафкуравий таъсирлар тизимини ифода этиб, аниқ мақсадлар йўлида пухта ишланган режа ва дастурлар асосида амалга оширилади. Шу маънода, бундай таҳдидлар уни амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган ижтимоий маконга йўналган бўлади. Шу нуктаи назардан қараганда, юқоридаги таърифда мафкуравий таҳдиднинг ёвуз ғояларни кўрқитиш, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштирилиши тарзида изоҳланиши мазкур тушунчанинг мазмунини тўлиқ ифода этмайди. Зеро, ҳозирги кунда мафкуравий таҳдидлар четдан қараганда зарарсиз, пинҳона йўллар орқали амалга оширилаётгани маълум. Чунончи, “демократияни олға силжитиш” йўлидаги хатти-ҳаракатлар, айрим хорижий оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ноҳолис хабар ва маълумотлар, контрабанда йўли билан мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган порнографик мазмундаги фильмлар кўрқитиш, зўрлик йўли билан эмас, балки пинҳона, “юмшоқ” шаклда бўлаётган мафкуравий таҳдидларга мисолдир. Бироқ, бир қарашда сезилмас, беозор бўлсада, улар жамиятимиз маънавий-ахлоқий, мафкуравий барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган реал хавф-хатарлар ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан қараганда, бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг фикрларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Юртбошимизнинг фикрича, “маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информация хуружларни назарда тутиш лозим”¹⁴.

Сирасини айтганда, мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атроф-

11 Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. Б. 326.

12 Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004. Б. 250.

13 Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий луғат). Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б. 87.

14 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 13–14.

лича таҳлил қилиш ва баҳолаш учун уларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғояларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш каби алоҳида аҳамиятга эга вазифаларни самарали бажариш объектив заруриятдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мафкуравий таҳдидлар эзгу, бунёдкор ғояларнинг акси сифатида вайронкор характерга эга. Улар объектив хусусият касб этади, субъект онги ва қалбига йўналган бўлади. Шунингдек, бузғунчи ғоялар қандай шаклда намоён бўлмасин, моҳият эътибори билан шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият ва миллатнинг эркинлиги, бунёдкор фаолиятига қарши қаратилган бўлиб, ахборот хуружлари орқали таъсир кўрсатади. Мафкуравий таҳдидлар ғаразли стратегик мақсадларни кўзлайдиган кучлар томонидан ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятларини инобатга олган ҳолда, пухта ишлаб чиқилган таъсир кўрсатиш тизими орқали амалга оширилади.

Ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг бирдан-бир йўли юксак маънавиятни шакллантиришдан иборат. Шу маънода, Ўзбекистонда янги жамият асослари шаклланиб, мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги мураккаб замонда кишиларимизни бундай хатарлардан огоҳ этиш, кенг жамоатчилик эътиборини маънавият соҳасидаги масалаларга қаратиш объектив заруриятдир.

Матлюба ЮЛДАШЕВА,

Наманган Давлат университети тадқиқотчиси.



ҲАСАН АЛ-БАННО – ИСЛОМ НИҚОБИДАГИ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЧИСИ

Асли мисрлик бўлган Ҳасан ал-Банно ўтган асрнинг энг йирик экстремистик ташкилотларидан бири «Мусулмон биродарлар» тузилмасининг асосчиси сифатида ном қозонган. Унинг раҳбарлигида ташкилот экстремистик ҳаракат сифатида узил-кесил шаклланган.

Ҳасан Абдурахмон ал-Банно 1906 йил 14 октябрда Қоҳиранинг шимоли-ғарбида жойлашган Маҳмудия деган жойда туғилган. Унинг отаси Аҳмад ал-Банно маҳаллий масжидда ханбалий мазхаби йўналишининг ўқитувчиси бўлган¹. Ижтимоий жихатдан оддий оиладан келиб чиққан Ҳасан ал-Банно ёшлигида граммафон сотиш ва соатсозлик билан шуғулланган.

Ҳасан ал-Банно аввал Маҳмудиядаги Эъдодий мадрасасида таҳсил олди. 16 ёшида унинг оиласи Қоҳирага кўчиб келади ва у “Дорул-Улум” деган ўқув марказида таҳсил олади. Пойтахтда ғарб цивилизациясига хос янгиликларни, атеизмнинг кучайганини ҳамда диний қонун-қоидаларнинг бузилганини кўриб ҳайратда қолади². Айниқса, ислом динидан анча узоқлашиб қолган ёшлардан таажжубланади.

Дорул-Улумдаги ўқиши мобайнида у мисрлик Муҳаммад Абдуҳнинг панисломизм ғояларини тарғиб қилувчи ёзишмаларини ўрганиб, тўплаб боради. Кейинчалик ал-Баннога “исломпарастлик”, “ислом давлатини қуриш” каби ғояларни ишлаб чиқишда Муҳаммад Абдуҳнинг шогирди асли суриялик Рашид Ризо кучли таъсир ўтказган. Чунки Ҳ.Банно Қоҳирада Рашид Ризо томонидан 1898 йилдан то 1935 йилгача чоп этилган “Ал-Манор” (“Машъал”) журналининг доимий ўқиб борган. Ҳасан ал-Банно Дорул-Улумдаги ўқишини битириб, 1927 йилдан Сувайш канали минтақасида жойлашган Исмоилия шаҳарчасидаги бошланғич мактабда араб тили ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлаган.

Шу вақтдан бошлаб, Ҳ.Банно панисломчилар Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад

1 Brynjar Lia. The Society of the Muslim Brothers in Egypt: The Rise of an Islamic Mass Movement. Reading, UK: Gamet. 1998. P.24.

2 Richard Mitchell. The Society of the Muslim Brothers. London: Oxford University Press. 1969. P.2.

Абдух, Рашид Ризо асарлари асосида ўзининг ғоявий экстремистик дастурини ишлаб чиқади. У панисломизм, асл исломга қайтиш каби ғояларни одамлар гавжум жойларда, масжидларда, ҳаттоки қаҳвахоналарда кенг тарғиб қила бошлайди. Ал-Банно мактабдаги кундузги дарслардан ташқари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида диний-сиёсий тарғибот олиб боради.

Шу тариқа, 1928 йил март ойида Ҳасан ал-Банно томонидан «Мусулмон биродарлар» (арабча الإخوان المسلمون ал-Ихвон ал-муслимун) ташкилоти ташкил этилиб, дастлабки даврларданок у диний, сиёсий ва ижтимоий ҳаракат сифатида фаолият бошлайди. Ушбу ташкилотнинг ўз олдида қўйган асосий ва-зифаси “Қуръон ва суннани мусулмон оила-си, шахс, жамият, давлатни тартибга солиш ҳамда бошқаришнинг ягона манбаи сифатида кишилар онгига сингдириш” эди³. Ал-Банно исломни дин ва давлат сифатида, шариатни эса, ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий жабҳаларида инсон тасарруфотларини тартибга солиб ту-рувчи низом сифатида талқин этади.

Ҳасан ал-Банно Ғарб маданиятининг му-сулмон дунёсига кириб келиши исломнинг инкирозига сабаб бўлган дея мусулмонлар-ни сақофийлик руҳида қайтадан тарбиялаш зарур, деб ўқтиради⁴. Унинг фикрича, гўёки “Ғарбнинг таъсири туфайли ҳозирги ислом ўзининг ижтимоий устунлигини йўқотган. Қуръонга асосланган шариат қонунлари ва сун-на Аллоҳ томонидан юборилган қонунлардир ва уларга ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида, шу жумладан давлатни ташкил қилиш ҳамда кун-далиқ муаммоларни ҳам ҳал қилишда риоя қилиниши лозим”⁵. Ташкилот ўз олдида мусул-мон оламини тозалаш, мусулмон аҳоли яшай-диган мамлакатлар ҳудудида ислом давлати-ни қуриш, унинг маркази этиб Мисрни танлан-ган ҳолда мусулмонларнинг ягона “буюк ис-лом давлати”ни барпо этишни асосий мақсад қилиб қўяди.

«Мусулмон биродарлар» ташкилоти ўз та-риҳида бир неча радикаллашув босқичларини босиб ўтади. Ташкилот фаолиятининг даст-лабки йилларида, оммани ўзига жалб қилиш мақсадида, атайин оддий одамларга, ишсиз-ларга, яъни жамиятнинг асосан қуйи табақа

В этой статье речь идет о Хасане аль-Банна – основателе организации «Братья-мусульмане», одной из крупных экстремистских групп в Египте. Под его руководством организация полностью сформировалась в качестве экстремистского движения.

Если учесть, что многие современные религиозно-экстремистские организации берут начало от «Братьев-мусульман», то можно отчетливо представить себе какую роль играет аль-Банно в истории исламского экстремизма.

The article provides information on Hasan al-Banna, the founder of the Organization of Muslim Brothers, which is regarded as one of the biggest extremist groups in Egypt. The organization, under his leadership, has completely formed as an extremist movement.

To realize the importance of the role of al-Banna in the history of extremism, one should take a brief look at the religious-extremist organizations functioning in different parts of the world developed within the organization of Muslim Brothers.

вакилларига ёрдам бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш, бепул мактаб очиш ва масжидлар қуриш каби ишлар билан шуғулланган эди. Ал-Банно шу услуб орқали халқ орасида ўзини халқпарвар сифатида намоён этиб, гўёки улар-ни хорижий ва монополист компанияларнинг шавқатсизликларидан ҳимоя қилмоқчи экан-лигини тинмай таъкидларди.

Бундай тадбирлар, табиийки, ташкилот аъ-золарининг кўпайишига ва унинг омма ораси-да обрўсининг янада ошишига сабаб бўлади. Шунингдек, Қоҳирадаги хорижий талабалар ўртасида мунтазам тарғибот ишлари олиб бо-рилиши натижасида, 30-йилларга бориб чет давлатларда ҳам ташкилотнинг бўлимлари очила бошлади. Ҳасан ал-Банно кундан кунга ташкилот аъзолари сонининг ўсиб бораётга-нини изоҳлаб, «Биз ҳокимиятга интилмаймиз, аксинча, ҳокимият бизга интиляпти»⁶, – дея ўзини оқламоқчи бўларди.

Аммо ташвишланарли жиҳати шунда эди-ки, ал-Банно ўз ғояларини кўпроқ ёш авлод-га сингдиришга интиларди. Унинг назди-да, гўё ғарб таъсирига учраган ислом дини-ни қутқариб қолишнинг ягона йўли ёшлар-нинг онги ва қалбини забт этиш орқали кура-

⁶ “Народы Азии и Африки”, 4/1984. С. 42.

³ «Principles of the Muslim Brotherhood». <http://www.ikhwanweb.com>.

⁴ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл./ Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев; ЎзР Вазиirlар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом ун-ти. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бириашмаси, 2008. Б. 125.

⁵ Matthias Kuntzel. «Djihad und Judenhass» Ça-Ira-Verlag, Freiburg, 2002. P.18.

пиш эди. Шунинг учун ҳам ташкилот таркибига оддий кишилардан ташқари, ёш аскарлар, талабалар ва ҳаттоки, мактаб ўқувчилари ҳам тортилган.

1932 йилда Ҳасан ал-Банно Қоҳирага кўчиб ўтгач, ташкилот бошқаруви ҳам у ерга кўчади⁷. «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг қароргоҳи Исмоилия шаҳридан Қоҳирага кўчирилиши, ташкилотнинг мавқеи ва аъзолар сонининг янада ошишига олиб келади. Ташкилот Қоҳирадаги босмахонасида газета ва журналлар нашр қила бошлайди. 1933 йилдан «биродарлар»нинг биринчи ҳафталик журнали «Мажаллат ал-Ихвон ал-муслимин» («Мусулмон биродарлар журнали») чиқа бошлаган. Бу журнал нафақат Мисрда, балки мусулмон дунёсининг бошқа давлатларида ҳам тарқатилган. Ҳасан ал-Банно кейинчалик “ан-Назир” (“Огоҳ этувчи”) журналини нашр этади. У ўзининг экстремистик ва радикал ғояларига тўла рисола ва маърузаларини тўплаб, кейинчалик “Мажмуат ур-расоил” (“Маърузалар тўплами”) номли китоб чоп этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “ўз мақсадларига эришиш йўлида ташкилот дастлаб хийла ишлатиб, шавқатсиз усуллардан фойдаланишни расман рад этиб келган”⁸. Лекин маълумки, кейинчалик ал-Банно кураш услуби сифатида террорни қўллай бошлаганини қайд этиш мумкин.

Шунинг учун «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг фаолиятига назар ташласак, унинг турли даврларда вазиятга қараб ўзгариб борганига гувоҳ бўламиз. Агар ташкилот юқорида таъкидланганидек, ўзининг дастлабки босқичларида, одамларни ўзига жалб қилиш мақсадида, хайр-эҳсон, маърифатчилик фаолиятига кўпроқ эътиборни қаратган бўлса, 40-йилларга келиб, уларнинг фаолиятида сиёсий муаммолар биринчи ўринга чиқди. Экстремистик ғоя ва даъволар таъсирида ташкилотнинг услуби тарғибот ишларидан зўравонлик ҳаракатига ўзгара бошлади, бунда асосий урғу терроризмга қаратилади⁹. Шу даврдан бошлаб, «Мусулмон биродарлар» ташкилоти сиёсий ҳаётда террор усулини кенг қўллайдиган йўлга қадам қўяди. Бундан

асосий мақсад омма орасида диний-сиёсий ғояларини кенг ёйиш ва ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олиш эди.

Бу вақтга келиб, ислом экстремизмининг “отахони”га айланган ал-Баннонинг ёзишича, “Давлат тепасига фақат шавқатсиз кураш, жиҳод йўли билан келиш мумкин ва мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиш керак”¹⁰. «Биродарлар»нинг ҳужжатларида “агар бошқа усуллар фойда бермаса, ундай ҳолатда куч ишлатиш керак” деб таъкидланган бўлсада, амалда улар терроризм, зўравонлик каби усулларни кенг ва доим қўллаганлар. Унинг раҳбарлигида «Мусулмон биродарлар» ташкилоти “Аллоҳ –бизнинг мақсадимиз, Қуръон – қомусимиз, Пайғамбар – бизнинг етакчимиз, Жиҳод–бизнинг йўлимиз ва Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш бизнинг энг олий орзумиздир”¹¹ деган шиор ўйлаб топилган эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ҳасан ал-Банно жангарилардан иборат “махфий қисм” тузиб, давлат тузумини ўзгартириш учун курашда яна терроризмга суяна бошлайди ва мамлакатда қатор террорчилик ҳаракатларини амалга оширади. 1945 йил февраль ойида мамлакатнинг Бош вазири Аҳмад Моҳир, 1946 йил январь ойида эса молия вазири Амин Усмон ва яна бир қанча ҳукумат аъзолари «биродарлар» томонидан ўлдирилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, мамлакатда содир бўлган қотилликларда «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг қўли борлигини аниқлаган Миср ҳукумати уларнинг расмий фаолиятига чек қўя бошлайди. Ташкилотнинг 32 нафар етакчилари ҳибсга олинган бўлсада, лекин Ҳасан ал-Банно озодликда қолади. Бу вақтга келиб, «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ўта радикал кучга эга йирик ташкилотга айланиб бўлган эди.

Мамлакатнинг собиқ бош вазири Аҳмад Моҳир ўрнини эгаллаган Маҳмуд Фаҳми Нукраши Пошо 1948 йил 8 декабрда «Мусулмон биродарлар» ташкилотини тарқатиб юбориш ва мулкани мусодара қилиш ҳақида фармойиш беради¹². Орадан кўп вақт ўтмасдан, тўғрироғи ушбу қарорга жавобан, ўша йили 28 декабрда ташкилотнинг ёш аъзоларидан бири Абдулмажид Аҳмад

7 Ал-Мавсуату ал-муйассара фи-л-адйон ва-л-мазоҳиб ва-л-аҳзоб ал-му’осира. Ишроф ва тахтит ва мурожа’ат д-р Мони’ ибн Ҳаммод ал-Жуханий. 5-нашр. 1-жилд. Риёд: Дар ан-надва ал-оламиёа. 2003. Б. 198.

8 History of Muslim Brotherhood Movement Homepage. [http://www.ikhwanweb.com/lib/History of the Muslim Brotherhood in Egypt.doc](http://www.ikhwanweb.com/lib/History%20of%20the%20Muslim%20Brotherhood%20in%20Egypt.doc).

9 Ар-Рафии. Непосредственно после египетской революции. Т. 2. Каир, 1951. С. 264.

10 А.Б.Борисов. “Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта. XX век. М., 1991. С. 43.

11 «Muslim Brotherhood Movement Homepage». <http://www.ummah.net/ikhwan/>.

12 Новейшая история арабских стран. М., 1968. С. 396.

Ҳасан томонидан мамлакатнинг Бош вазири Маҳмуд Фаҳми Нукрашига суиқасд уюштирилади. Ал-Банно бу терактга «биродарлар»нинг алоқаси борлигини инкор этишга уринади. Аммо бу фойда бермайди ва ташкилотнинг тахминан бир миллионга яқин аъзолари яширинишга ёки мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўладилар¹³.

Ҳукумат ташкилотни қаттиқ таъкиб остига ола бошлайди. Бош вазир Иброҳим ал-Ходий бошчилигидаги Мисрнинг янги ҳукумати «Мусулмон биродарлар» ташкилотига нисбатан қатъий чоралар кўра бошлайди. Натижада, 1949 йил 12 февралда ташкилотнинг асосчиси Ҳасан Абдурахмон ал-Банно қатл этилади, аммо «Мусулмон биродарлар» ташкилоти жуда чуқур илдиз отиб кетганлиги боис, уларни тўлиқ яқсон қилишнинг имкони бўлмайди. Ҳасан ал-Банно вафотидан сўнг ташкилотда ажралиш юз бериб, бир қатор мустақил экстремистик гуруҳ ва ташкилотлар пайдо бўлади.

Ҳозирда «Мусулмон биродарлар» ташкилоти замирида пайдо бўлган, унинг таъсирида шаклланган ва ундан ғоявий озуқа олаётган «Жамоат ал-муслимин» («Мусулмонлар жамоаси»), «Жунуд Аллоҳ» («Аллоҳ лашкарлари»), «ат-Такфир ва-л-ҳижра» («Эътиқодсизликда айбланиш ва дунёни тарк этиш»), «ал-Жиход» («Муқаддас жанг»), «Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси») каби террор услубини кўлловчи диний-экстремистик руҳдаги кўплаб ташкилотлар дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритаётганини ҳисобга олсак, Ҳасан ал-Баннонинг тарихда қандай салбий из қолдиргани намоён бўлади.

Демак, ХХ асрнинг энг йирик диний экстремистик гуруҳларидан бири «Мусулмон биродарлар» ташкилотига йигирма бир йил раҳбарлик қилган Ҳасан Абдурахмон ал-Баннони ислом ниқобидаги экстремизм ва терроризмнинг ғоявий асосчиси дея таърифлаш мумкин.

Комилжон ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент ислом университети тадқиқотчиси.



¹³ Исламский фактор в политической системе современного Египта. Монография. Ш.Ёвкочев. –Т.: Ташкентский исламский университет, 2008. С. 142.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИНИМАЛ ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТИНИ ТУЗИШГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги давр ичида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли жабҳаларида бўлганидек, тилшунослик, хусусан, луғатшунослик соҳасида ҳам қатор оламшумул ишлар амалга оширилди:

1. Лексикография назарияси ва амалиётига бағишланган илмий методик характердаги ишлар бажарилди, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бунинг пировард натижасида бутунлай янги талқиндаги беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилди.

2. Замонавий турдаги, мустақиллик мафкураси билан суғорилган «Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш луғати» (1995), «Иш юритиш бўйича электрон луғат» (2006), 12 жилдли «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» (2000–2006), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати» (2002), А.Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (2002), «Мустақиллик илмий-оммабоп луғати» (1994), «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)» (2002) сингари луғатлар яратилди. Уларда халқимизнинг бой маънавий хазинаси ўз ўрнини топди.

3. Нашр этилган луғатларда халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини ифодаловчи лексемалар ўзининг ҳақиқий баҳосини олди.

4. Ўз Р ВМ ҳузурида Атамашунослик қўмитаси ташкил этилди. Унинг «Бюллетень» лари нашр этилмоқда. Физика, математика, биология, тиббиёт, иқтисодиёт соҳаларида ўнлаб янги луғатлар тузилди. Лексикографияга компьютер лингвистикаси кириб келди.

Аммо ўзбек луғатчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида қилиниши керак бўлган ишлар ҳали бисёр. Масалан, Европада бир ярим асрдан ортиқроқ вақтдан бери мавжуд бўлган ва тил ўрганиш жараёни-

да беминнат ёрдамчи вазифасини ўтаб келаётган идеографик луғатнинг тезаурус, аналогик, тематик, ассоциатив каби кўринишлари турли тилларда аллақачон чоп этилиб келаётган бўлса-да, ўзбек луғатчилиги бу борада ҳамон оқсаб келмоқда. Ҳолбуки, ижодий иш, турли хил матнлар ёзиш жараёнида ўзида тилимиз хазинасини мужассам этган идеографик луғат ҳамюртларимизга ва мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллариغا ўқувчилик давридан бошлаб оқил маслаҳатчи сифатида асқотган бўлар эди. Чунки идеографик луғат тилни система сифатида ўрганишда ва шу орқали энг мураккаб система ҳисобланган борлиқ ҳодисаларини англаб етишда ёрдам беради.

Ўзбек тилида эса бундай луғат турини яратиш учун бой лексикологик замин ҳозирланди. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» сўзбошисида: «Лексикографияда тўлиқ луғат ёки thesaurus (хазина) деб аталадиган бундай луғатнинг объекти ўзбек тилининг туғилишидан то шу кунгача бўлган барча даврлардаги бутун сўз бойлиги бўлар эди. Бироқ бу типдаги луғатларни тузиш жуда катта коллективнинг ёки бир неча авлоднинг меҳнатини талаб қиладиган узоқ йиллик оғир ишдир»¹, – дея қайд этилган эди. Демак, дастлабки ўринда сўзлиги маълум жиҳатдан чегараланган, ихчам кўринишдаги минимал идеографик луғат тузиш, сўнгра имкон қадар тилимиз лексикасини тўла қамраб оладиган йирик тезаурусни яратиш мақсадга мувофиқ. Чунки минимал идеографик луғатга тилдаги барча лексик бирликларни киритиш шарт эмас, бундай луғат замондошларимизнинг кундалик ҳаётида мунтазам учраб турадиган сўзларни ёки маълум туркум доирасидаги лексемаларни ўз ичига олиши kifoya.

Шу ўринда минимал идеографик луғатнинг мундарижаси қандай бўлиши лозим? деган савол туғилиши табиий. Бизга маълумки, бутундан бўлакка, умумийликдан хусусийликка, гуруҳдан қисмга қараб йўналтирилган тадқиқ усули дедукция билан характерланади. Идеографик луғатнинг тузилиши, мундарижаси эса бошдан оёқ шу методга асосланади. Аслида, олам яхлит бир

система, бус-бутунлик саналар экан, уни ташкил этаётган элементларнинг ҳар бири улкан система ичидаги ўзига хос системачалар ҳисобланади. Ҳаётнинг негизида мана шу бутунликлар, уларни ташкил қиладиган қисмлар ҳамда мазкур қисмлар орасидаги муносабатлар ётади. Худди шунингдек, оламнинг инъикоси бўлган тил ҳам «яхлит тизим экан, бунда унинг бутунлик сифатида ўз таркибий қисмларининг оддий арифметик йиғиндисига тенг эмаслигини эсда тутиш лозим. Зеро, тизим учун асосий шарт муносабатлар тўри бўлиб, бу эса айтилганидек, таркибий қисмларнинг бутунлик ташкил этишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, геометрик фигура сифатида квадрат тўртта тўғри чизиқнинг йиғиндисидангина иборат эмас, балки томонларнинг перпендикуляр ва параллел муносабатлари ҳамда бу муносабат таъсирида туғиладиган тўғри бурчаклар асосида тикланади»². Тилшуносликнинг вазифаси тилдаги мана шундай муносабатларни аниқ ва равшан қилиб ёритиб беришдан иборат. Бу борада идеографик луғатга жиддий вазифа юклатилади. Сабаби, унда системавийлик биринчи планда турар экан, бунинг асосида оламнинг яхлит бир бутунлик, бутунликнинг қисмларга ажратилиши ва қисмларнинг бир-бирлари билан ўзаро доимий алоқада бўлиб туриши ҳақидаги ғоя ётиши даркор. Шу маънода оламини, яъни «БОРЛИҚ» тушунчасини бир-бири билан узвий равишда боғланган учта йирик тушунча майдонига ажратиш лозим бўлади:

1. ТАБИАТ (атроф-муҳит).

2. ЖАМИЯТ.

3. ИНСОН³.

Илм-фан вакиллариининггина эмас, дунёни жўн фалсафа орқали идрок этадиган оддий кишиларнинг дунёқараши ва савиясидан келиб чиқадиган бўлсак, «ТАБИАТ» макромайдонини дастлабки навбатда «Ноорганик олам» ҳамда «Органик олам» микромайдонларига ажратиш мумкин. Кейин-

2 Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатхлараро муносабатлар: Филол.ф-ри докт.... дисс. автореф. Т., 2002. Б.39.

3 Ш.Искандаровада олам дастлаб учга (сув, фазо, ер), сўнгра ер бешга (инсоният олами, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, жонсиз табиат дунёси, табиат ҳодисалари дунёси) тарзида ажратилган. А. Собиров эса жонсиз нарсалар → ўсимликлар → ҳайвонлар → инсонлар → яратувчи зот ўртасидаги диалектик бирликнинг иш-ҳаракат → микдор → белги → муносабатлар ҳалқаси орқали намоён бўлишини таъкидлаб ўтган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М: Русский язык, 1981. Б. 6.

Известно, что в Европе, а также в русской лексикографии уже полтора века ведётся огромная работа над созданием идеографических словарей с положительными результатами. Узбекская лексикография также до сих пор не имеет словаря такого типа. Автор статьи утверждает о необходимости создания минимального идеографического словаря на узбекском языке и рассуждает о принципах составления данного словаря.

It is common knowledge that in Europe as well as in Russian lexicography, scientists have been working on the creation of thesauri for nearly a century and a half. However, the Uzbek lexicography is still lacking a dictionary of this kind.

The author of the article claims that it is of great significance to create a thisaurus in Uzbek and discusses the principles of making such dictionary.

ги поғонада «Ноорганик олам» куршовида «Олам. Ер» умумий номи остида «Ернинг умумий ҳолати», «Ернинг ўлчовлари», «Ернинг юза қисми», «Ер бойликлари», «Атмосфера», шунингдек, «Сув ресурслари», «Табиат ҳодисалари», «Ўлчов бирликлари», «Замон» каби тушунчалар ва ушбу майдончаларга алоқадор сўзлар келтирилади. Масалан, «Замон» тушунча майдонини жадвал ёрдамида қуйидагича таснифлаш мумкин.

ЗАМОН → ДАВР					
Милод	Аср	Йил			
		Фасл			
		Қиш	Баҳор	Ёз	Куз
		Ой			
		Декабрь Январь Февраль	Март Апрель Май	Июнь Июль Август	Сентябрь Октябрь Ноябрь
		Ҳафта			
		Кун	Пайт	Вақт	
		Душанба Сешанба Чоршанба Пайшанба Жума Шанба Якшанба	Тонг Кундуз Туш Пешин Чошгоҳ Шом Тун	Он Лаҳза Сония Дақиқа Соат Сутка	

Бошқа макро ва микромайдонлар ҳам шу йўсин ҳосил қилинади.

Кўриниб турибдики, лексик система бошқа тизимлар каби поғонали қурилишга эга. Тил бир неча тизимлар ҳамда тизимларнинг ўзи ҳам яна ички тизимчалардан иборат мураккаб система бўлганлиги каби луғавий тизим ҳам ўз ўрнида бир неча тизимчалардан ташкил топади.

Юқорида биз ҳосил қилган тизимчалар минимал идеографик луғатда изоҳланиши лозим бўлган муайян соҳада энг кўп қўлланувчи лексик бирликларни ўз ичига олади. Энди идеографик луғатнинг кенг кўламлилигини, ранг-баранглигини, уни тузиш ўта мураккаблигини ҳисобга оладиган бўлсак, унга сўз танлаш масаласи олдимизда кўндаланг бўлади.

Энг ажабланирлиси шундаки, аксарият идеографик тадқиқотларда, жумладан, юқоридаги бўлинишда ҳам ҳали бутун оламнинг асосини, яшовчанлигини ташкил қилувчи иш-ҳаракат, ҳолат, муносабат, баҳо ва микдорга етарлича эътибор қаратилмаган. Шунга кўра, семантик учбурчакнинг янги талқинида мазкур категорияларни учбурчакнинг ички қисмига жойлаштириш маъқул бўлади. Сабаби ушбу категориялар юқоридаги учта майдоннинг барчасига бирдек тегишли саналади.



Масалан, *турмоқ*, *юрмоқ*, *чиқмоқ*, *ётмоқ*, *ўтирмоқ* каби феълларни олайлик. Солиштириш учун қуйидаги мисолларга эътибор беринг.

1. Одам ўйланиб турибди; Юлдуз хира нур сочиб турибди; Завод анчадан буён ишлаб турибди. 2. Ўртоғим мен томон юрди; Ой ғарбга қараб юрди; Машина секин юрди. 3. Онам уйдан чиқди; Куёш чарақлаб чиқди; Автобус довоннинг энг баланд жойига чиқди.

Демак, маълум маънода биз ҳақмиз. Иш-

ҳаракат, ҳолат, муносабат, баҳо, миқдор билан боғлиқ лексемаларни бир жойга йиғиш, уларни алоҳида тушунча майдонлари сифатида тадқиқ этиш, идеографик луғатлар яратиш чоғида улардан унумли фойдаланиш жуда муҳимдир.

Идеографик тадқиқотларнинг асосини ономасиология ташкил этар экан, унга кўра, сўзлар маълум бир муайян тушунча атрофида тўпланади, жамланади, лекин бу жамланиш тартибсиз равишда эмас, аниқ бир режа, чизик орқали амалга оширилади. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, майдоннинг марказий (ядро) ва чегара (периферия) қисмларига тўдаланадиган аниқ сўзлар бўлади. Мисол учун «қарамок» ҳаракатини ифодаловчи лексемани олиб кўрайлик. У «кўз» га алоқадорлик семасига кўра «эшитмок», «сўзламок», «ҳидламок», «емоқ», «юрмок» каби лексемалардан кескин фарқланади. Уларга маълум даражада ҳатто зидланади. Масалан: Комилжон деразадан кўчага қаради. Ўнг тарафдан қадам товуши эшитилди.

«Қарамок» лексемаси «боқмок», «термулмок», «назар ташламок», «олаймок», «гўлаймок»; «олис», «узоқ», «секин», «йўл», «кўча», «шерик», «меҳмон» каби лексик бирликлар билан ўзаро муносабатга киришиб, алоҳида бир семантик гуруҳни ташкил қилади. Майдон ядросида «қарамок», «боқмок», «термулмок» сўзлари турса, ундан узоқлашган сари «секин», «йўл», «кўча», «шерик», «меҳмон» сингари лексемалар кўринмас маъновий чизик орқали уларга боғланади, яъни улар майдоннинг чегара (периферия) қисмида туради.

Шу маънода идеографик луғатга сўз танлашда лексемаларнинг икки асосий жиҳатига эътибор бериш ўринлидир:

1. Ўхшашлик (парадигматик) муносабатларига. «Қарамок» феъли бу борада қуйидаги хусусиятларини намоиш этади:

а) маънодошларга эга: боқмок, термулмок, назар солмок, назар ташламок;

б) зид маъноли жуфтига эга: кўз юммок (беркитмок) семаси билан; («Кўз юммок» нинг 2–3-семалари, яъни 1. Вафот этмок, қазо қилмок, ўлмок, жон бермок; 2. Эътиборга олмаслик, индамаслик ва ҳоказолар алоҳида

семантик майдонларни ҳосил қилади. Идеографик луғат тузишда буни ҳам, албатта, ҳисобга олиш даркор.)

в) даражаланади: Ижобий томонга: назар ташламок, қарамок, термулмок; Салбий томонга: олаймок, гўлаймок, бакраймок.

2. Синтагматик (қўшничилик) хусусиятларига. Айрим ҳолатларда муайян сўзнинг майдонга кириш ёки кирмаслиги ядрога турган сўзларга қай даражада боғлиқлигига қараб белгиланади. Шу боис, идеографик луғатларни яратиш чоғида лексемаларнинг қўшничилик, кетма-кетлик қаторларига алоҳида диққат қилиш талаб этилади. Масалан: кўз қири билан қарамок, уялиб қарамок, узоқ термулмок, секин назар ташламок, билдирмай қарамок, суқ билан боқмок, қараб ўтмок ва шу каби.

Демак, луғат учун сўз танлашда таҳлилга тортилаётган лексеманинг барча системавий алоқаларига, айниқса, унинг маъновий муносабатларига алоҳида диққатни қаратиш лозим бўлади.

Биламизки, луғатларнинг аксарияти ўқув характерида бўлади. Бундан идеографик луғат ҳам мустасно бўлмаслиги керак, албатта. А.Ҳожиёвнинг таъбирича, «ўқув луғатлари ўқиш-ўқитиш мақсади билан тузилади, талабалар ёки мактаб ўқувчилари учун мўлжалланади. Бундай луғатлар танланган лексик материалнинг ҳажми, танлаш йўли, муайян ўқув дастурини назарда тутиши, ўқувчи китобхонларнинг билим даражасини ҳисобга олиши каби хусусиятлари билан ажралиб туради»⁴.

Идеография йўналишида қатор тадқиқотлари билан эл назарига тушган таниқли рус олими Ю.Н.Караулов идеография атамасининг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаган ва шу асосда рус тилида қўлланувчи 4000 та фаол сўз мисолида «Минимальный идеографический словарь» (МИС) ни яратган. Бунда у 340 та семантик майдонни ажратган. Масалан, «УЧИТЬСЯ» семантик майдонида учиться, учить, выучить, изучать, изучить, научить, обучать, обучить, обучение, задавать, задать, преподавать, преподавать, знать, знание, любознатель-

⁴ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т.: ЎзМЭ Илмий нашриёти, 2002. Б. 140.

ный, любознательность, образование, учащийся, преподаватель, задача, задание, сочинение – жами 18 та сўз, улардан 6 тасининг маънодошлари ҳам берилган⁵. Бундан шу нарсга ойдинлашадик, идеографик луғат тузиш асосида майдон назарияси ётади, чунончи, идеографик луғатда бир тушунчага оид сўзлар мазмуний майдонларга бирлаштирилган ҳолда келтирилади. Луғатнинг бу тури ўқувчига қулай ва осон бўлиб, у бир-бирига яқин маъноли сўзларни бир ердан топиш, уларнинг қайси сўзлар билан бирикишини англаш имкониятига эга бўлади.

Демак, бутун иш системавийлик негизида бажарилади. Объектга ҳам амалий, ҳам назарий тилшунослик жиҳатидан системали ёндашув талаб этилади. Шунга асосланадиган бўлсак, идеографик луғат олдига қуйидаги филологик талаблар қўйилади:

1. «Хар қандай тилнинг ривожланишида унинг лексикаси тез, сезиларли ва жиддий ўзгаришларга учрайди. Лексикадаги тараққиёт янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши, маълум луғавий бирликларнинг истеъмолдан чиқиши, сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларнинг йўқолиши каби ҳодисалар билан характерланади. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага етгач, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи луғатларга эҳтиёж туғилади»⁶. Демак, идеографик луғатда берилаётган материаллар ўзбек тилшунослигида эришилган ютуқларга ҳар томонлама мос келиши, хусусан, идеография назариясининг амалиётдаги кўриниши бўлмоғи зарур.

2. Яратилажак идеографик луғат илмийликка йўғрилган бўлиши лозим. Унда кейинги 15-20 йил ичида ўзбек тилшунослигида кенг қулоч отиб ривожланаётган системавийлик йўналиши ўз аксини топиши зарур. Э.Бегматовнинг уқтиришича: «Ўзбек тилининг мустақиллик даври ривожига ва унинг лисоний меъёрларини белгилаш тажрибалари шуни кўрсатадики, тилнинг ижтимоий ҳаёти, амалиётига кишиларнинг аралашishi, уни онгли равишда бошқариш иши илмий асосланган бўлиши, унинг назарий тамойил-

лари, қоидалари ишлаб чиқирилиши, бу масалада ортиқча ҳиссиётга, сохта тилсеварликка берилмаслик лозим»⁷.

Демак, яратилиши лозим бўлган ҳар қандай луғатнинг илмийлиги талаб этилади.

3. Луғатга қўйиладиган талаблардан яна бири материалларнинг аниқ ҳажмда бўлиши ва уларнинг муайян кетма-кетлик, изчиллик асосида, «сакраш»дан холи ҳолда берилиши ҳисобланади. Масалан, «Табиат» макромайдонидан кейинги поғонада «Ноорганик олам» ҳамда «Органик олам» микромайдонлари, ундан сўнгра «Органик олам» қамровида «Ўсимликлар дунёси» ва «Ҳайвонот олами» семантик майдонларининг берилиши мақсадга мувофиқ. «Табиат» дан кейинги поғонада бирданига «Ер», «Дарахтлар», «Тупроқ», «Буталар», «Сув» каби тушунчаларнинг берилиши ножоиз.

4. Луғатни тузишда умумийлик-хусусийлик диалектикасига таяниб иш кўриш лозим. Мазкур усул лексемалар орасидаги синонимик, гиперо-гипонимик, партонимик, градуонимик, ассоциатив каби муносабатларни, шунингдек, тушунчанинг серқирралигини ёритиб беришда қўл келади. Луғатдан фойдаланувчи маълум тушунчанинг қайси гуруҳга алоқадорлигини ва ўз навбатида қандай тушунчаларни қамраб олишини осонгина англаб етади.


5. Идеографик луғатда берилаётган лексемалар аниқ ва тушунарли, содда бўлиши талаб этилади. Масалан, луғатдан фойдаланувчи «кулмоқ» феъли остида «хурсандчилик», «бирор нарсдан шодланиш» семалари борлигини осон англаб этиши зарур. Ушбу лексеманинг «ўйин», «кулги», «яхши хабар», «тўй» каби лексемалар билан маъновий бирикиши натижасида алоҳида ижобий тушунча майдонини ҳосил қилиши (жилмаймоқ, қиқирламоқ, хандон отмоқ), иккинчи томондан «ёқмаслик» семаси билан «иржаймоқ», «тиржаймоқ», «тишининг оқини кўрсатмоқ» кўринишидаги семантик қаторни ҳосил қилишини англаб этиши ва шунинг ёрдамида изоҳсиз изоҳ чиқара билиши керак. Мазкур тушунча майдонини чизмада қуйидагича

5 Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. М.: Наука, 1976.

6 Мадвалиев А. Янги луғатлар яратиш – давр тақозоси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. № 4. Б. 17.

7 Бегматов Э. Ўзбек адабий тилининг мустақиллик даври ривожига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. № 4. Б. 8.

кўрсатиш мумкин.



6. Идеографик луғатдаги материалларнинг баён этилишига қўйиладиган филологик талаблардан яна бири изчиллик саналади. Тушунча майдонларини ташкил қилаётган феъллар бир-бирига аралашиб кетмаслиги, аниқ бир режа остида бирикиши даркор. Ҳолбуки, кўпмаънолилиқ борасида бирорта сўз туркуми феълга тенг кела олмайди.

7. Луғат сўзлиги алифбо тамойилидан буткул чекинган ҳолда, фақат мазмуний майдонлар доирасида берилиши лозим. Бу усул кишиларни тайёр материалдан кўр-кўрона фойдаланиш билан чекланиб қолишга эмас, балки мустақил изланишга, фикр юритишга, изоҳ ва хулосалар чиқаришга ўргатишда қўл келади. Шу йўл билан бугунги кун кишисида янги турдаги луғатдан, шунингдек интернет материалларидан фойдаланиш малакасини шакллантириш мумкин.

Санаб ўтилган талабларга риоя қилинган тақдирдагина ўзбек тилидаги биринчи идеографик луғатни яратишнинг назарий ҳамда амалий масалаларини тўғри ҳал қилишимиз мумкин бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда луғатлар яратиш ишига жиддий киришиш, филологик ва ўқув луғатларининг замон талабларига мос келадиган янги турларини тузиб нашр эттириш бугунги ўзбек лексикографияси олдида турган биринчи вазифадир.

Ёркиной ҲАМРАЕВА,

Қарши давлат университети катта ўқитувчиси.



АРАБ ТИЛИ ХРЕСТОМАТИЯСИ

Машҳур арабшунос олим, 1945 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозир Мирзо Улуғбек номли Миллий университет) шарқшунослик факультетидаги арабшунослик кафедрасининг ташкилотчиси ва биринчи мудири, ҳурматли устоз Мажидхон Баҳодиров ва ўғиллари, арабшунос, фалсафа фанлари доктори Роик Баҳодиров тайёрлаган “Араб тили. Ўқув матнлари” тўпламини чоп этилиши “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлардан яна бири бўлди.

М.Баҳодиров ва Р.Баҳодиров томонидан бевосита араб манбалари асосида араб тилида тайёрланган ушбу хрестоматия йигирма фасл ва ҳадиси шарифларнинг олти мўътабар тўплами муаллифлари – Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий, Абу Довуд, ан-Насойи ва Ибн Можанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотлардан иборат.

Ўқув қўлланманинг асосий қисмини ташкил қилувчи йигирма фаслнинг ҳар бири тузилиши жиҳатидан мутаносиб шаклда баён этилган бўлиб, уларда авваламбор инсоният тамаддунига ўзининг муносиб улушини кўшган ва ўрта асрларда илм-фан ривожига ўчмас из қолдирган аجدодларимиз – буюк табиб Абу Бакр ар-Розий; Шарқ фалсафаси асосчиси, Арастудан сўнг шарафли “иккинчи муаллим” номини олган Абу Наср ал-Фаробий; астрономия, тарих, геодезия, геология илмларини ривожлантирган Абу Райҳон ал-Беруний; машҳур табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино; Шарқ фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Ибн Рушд; араб тили грамматикаси, шеърятига оид буюк асарлар яратган хоразмлик алломалар – Абул-Қосим аз-Замахшарий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хатиб ал-Хоразмий, Садр ал-Афодил ал-Хоразмий, Юсуф ибн Муҳаммад Абу Якуб ас-Саккокий; ислом тарихчиси Ибн ал-Асир ал-Жазарий; араб маданияти намояндалари ҳақида био-библиограф асарлар муаллифлари – суриялик машҳур аллома Абу Абдуллоҳ Ёкут ал-Ҳамавий ва Ибн Халликон номи билан машҳур бўлган Шамсуддин Абу ал-Аббос Аҳмад ибн Иброҳим; Шамсуддин Ибн Батута номи билан шуҳрати та-

ралган сайёҳ – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ каби тарихда маълум ва машҳур бўлган буюк қомусий алломаларнинг ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Айни пайтда ўқув қўлланма араб тилини ўрганаётган ёшлар ва ушбу тилни мукаммал эгаллаш иштиёқмандларига бағишлангани боис унда араб тили билан бир вақтда араб адабиёти ва шеъриясида катта из қолдирган олимлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Ўқув қўлланмада улар сирасида араб тили грамматикасининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган тобеъинлардан бири – Абу Асвад ад-Дуалий; аруз вазни асосчиси – Халил ибн Аҳмад; араб классик шеъриятининг йирик намояндалари – мақомот муаллифларидан Бадиъ аз-Замон ал-Ҳамадоний ва басралик машҳур шоир Абу Муҳаммад ал-Қосим ал-Ҳаририй; ўрта аср араб шеърияти, алалхусус “хамриёт” жанрининг йирик намояндаси Абу Нувос; куфалик шоир ал-Мутанаббӣ; суриялик файласуф шоир Абул-Ало ал-Маарий каби шахслар борасида ҳам муфасссал маълумотлар берилганини зикр этиш даркор.

Алломалар ҳақидаги маълумотлардан сўнг ҳар бир фаслда биринчи навбатда ислом динида илм-фан аҳамиятини кенг ёритувчи ҳадислар келтирилган. Унда ёшлар илмнинг моҳияти ва аҳамияти, уни астойдил тўлиқ ўрганиш ва эгаллаш фойдаси ҳақида Расулуллоҳнинг маърифий ва маънавий баркамолликка ундовчи сўзлари – “Аввалги пайғамбарлардан ва мендан мерос бўлиб илм қолади”, “Қиёмат кунида уч тоифа одамларга шафоат қилинади: пайғамбарлар, кейин олимлар, кейин шахидлар” каби олтмишдан ортиқ ҳадислари билан танишадилар ва улардан истифода этадилар.

Ҳадислардан сўнг араб халқ ҳикматлари – мақолларидан намуналар келтирилган бўлиб, улар ақл инсон зийнати эканлиги, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнат қилиш, одоб-ахлоқ, хушмуомалалик каби инсоний фазилатларни улуғлашни акс эттиради.

Шу билан бирга араб тилини ўрганаётганларни қизиқтириш учун турли мавзулардаги аввал кичик-кичик, кейин эса каттароқ латифалар берилиши ўқувчини араб тилидан олган назарий билимини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳар бир фасл ниҳоясида ғоят катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масаллар берил-

ганки, бу ҳам ўз навбатида ёшларни баркамолликка ундовчи омиллардандир.

Тўпламга илова қилинган “Арабча-ўзбекча-русча” луғат мазкур қўлланмада ишлатилган 1700га яқин сўзни ўз ичига олган. Луғатда, асосан, сўзларнинг тўпламдаги матнларда ишлатилган маънолари акс эттирилади. Айни пайтда луғатнинг уч – араб, ўзбек ва рус тилини қамраб олиши ундан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш билан бир қаторда ўзбекларга араб тилидаги сўзларнинг рус тилида англатувчи маъноларини, русийзабон талабаларга эса, ўзбек тилидаги маъноларни ўрганишга ҳам ёрдам беради.

Тўпламдан фойдаланиш илм толибларига араб тили сарфи (морфология) ва наҳви (синтаксис)дан олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлаш билан бир қаторда илм-фан тараққиётига, алалхусус ҳадис илмига улкан ҳисса қўшган буюк намояндалар – улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди билан танишиш, фахрланиш, ундан намуна олиш ҳамда уларга муносиб авлод бўлиб етишишга интилишларида ҳам катта тарбиявий-маърифий аҳамият касб этади.

М.Баҳодиров ва Р.Баҳодиров томонидан тайёрланган мазкур ўқув қўлланмага баҳо берганда, уни ҳозирги кунга қадар республикада араб тилидаги матнлар тўплами – хрестоматияси тайёрлаш юзасидан биринчи ва эътиборга сазовор китоб ҳамда у шубҳасиз араб тилини ўрганаётган ёшларга ғоят керакли ва фойдали қўлланма эканлиги, ушбу йўналишдаги мавжуд бўшлиқни тўлатишда катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мазкур қўлланманинг яратилиши қўйилган вазифалардан бири сифатида ёшларни аждодларимизнинг бебаҳо мероси билан яқиндан таништириш ва ундан ўрнатилиш олиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган тадбирлар сирасидан муносиб ўрин олади деб ҳисоблаш жоиз.

Аҳаджон ҲАСАНОВ,

Тошкент ислом университети
Диншунослик ва жаҳон динларини киёсий ўрганиш
ЮНЕСКО кафедраси профессори,
тарих фанлари доктори.

Убайдулла УВАТОВ,

Имом Бухорий халқаро маркази директори,
тарих фанлари доктори, профессор.

**Фил.ф.н. Наibaхон Мамадалиеванинг
«XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX
асрнинг биринчи ярми ўзбек тили ёзма
ёдгорликлари лексик хусусиятлари»
номли монографиясига
ТАҚРИЗ**

Тил ижтимоий ҳодиса бўлганлиги туфайли унда халқнинг руҳий дунёси, урф-одати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий аҳволи бевосита акс этади. Шунинг учун ҳам тил халқ зийнатининг ҳолис ва мумтоз кўзгусидир. Шу боисдан тил ҳақида, айниқса, ҳар бир киши ўз она тили ҳақида тўла маълумотга эга бўлса, ўз тилининг товушлар тизими, луғат бойлиги, сўз қўллаш имкониятлари, жумла тузилиши мантиқини атрофлича ҳис этса, тилининг ва халқининг тарихини ҳам англай олади. Президентимиз Ислон Каримов миллий тилга катта эътибор бериб, “Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Она тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар”, деб таъкидлаган эди.

Бугунги миллий мафкура ва миллий ғоялар тўла шаклланаётган, омманинг онига сингиб бориб, моддий ҳаракатлантирувчи ва сафарбар этувчи кучга айланаётган бир даврда миллий тил яна ўзгача бир аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, ўтган асрлар ёзма ёдгорликларининг тил хусусиятини, хусусан, лексик бирликлари ва уларнинг таркибини ўрганиш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолди. Шу нуктаи назардан фил.ф.н. Наibaхон Мамадалиеванинг “XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек тили ёзма ёдгорликлари лексик хусусиятлари” номли монографияси учун танланган мавзу жуда долзарб ҳисобланади.

Илм аҳлига тақдим этилаётган ушбу монографияда XVII–XIX асрнинг биринчи ярмида хонликлардаги сиёсий-ижтимоий ҳолат, ўша даврда мавжуд бўлган маҳаллий адабий муҳитлар ва уларнинг намояндалари, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тил тараққиётига таъсири масаласи тилшуносликнинг ажралмас қисми эканлиги тарихий

ва илмий манбалар асосида ўрганилган, хонликлар даври намояндалари ҳаёти ва ижоди мустақилликкача ва истиқлол даврида олимлар томонидан қай йўсинда талқин этилгани таҳлил қилинган.

Бугунги кунгача бадиий адабиётда амалга оширилган турли таснифлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида ҳукмрон мафкура ғояси асосий ўринни эгаллаб, диний-маърифий асарлар, айниқса уларнинг тил хусусиятлари эътибордан четда қолган. Монографияда XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми даврида яратилган ёзма ёдгорликлар уларнинг лексик хусусиятига кўра тасниф қилинган. Бундай тасниф орқали ўша даврда яратилган анъанавий лиро-эпик ва насрий, диний-маърифий (мафкуравий), танқидий-юмористик асарлар лексикаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Шунингдек, монографияда тадқиқот объекти бўлган давр ёзма ёдгорликлари лексик хусусиятлари комплекс тарзда ўрганилиши ҳам XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми ёзма ёдгорликлари анъанавий лексикаси қатлам ва унсурлари, лексиканинг ўзгарувчанлик белгиси асосида тил сатҳлари тизимида тутган ўрни, лексик микросистемаларида сўзлараро муносабат ва сўзнинг қийматини аниқлашга ёрдам беради.

Истиқлолгача мумтоз адабиётнинг у ёки бу асари лексик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда ундаги учрайдиган экзотизмлар – Қуръон оятлари, ҳадис, ислом этикети билан алоқадор сўз ва иборалар асосан қайси лексик қатламга тегишли бўлишидан қатъи назар, мавзу гуруҳининг “диний атамалар” бўлимига киритилган. Монографияда XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми ёзма ёдгорликларида учрайдиган экзотизмларни ўрганиш учун алоҳида боб ажратилган ва уларнинг қўлланиш мақсади, ўринлари, мазмун-моҳияти шакллари аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқот объекти бўлган даврда тарихий шароит замирида ўзининг дунёқараши,

асарлари тил хусусиятлари билан анъанавий ёзма ёдгорликлардан тубдан фарқ қилувчи, янги йўналишда ижод қилувчи ёзувчи ва шоирлар гуруҳи шаклланди. Улар асарларининг лексик, семантик, фонетик хусусиятлар бўйича ўзаро фарқи, лексикасидаги диалектизмлар, қарғаш, сўкиш, жаргон ҳамда шахс ва касб билан боғлиқ сўзлар, халқ мақолларидан моҳирона фойдаланишларини ўрганиш орқали муаллиф ўз монографиясида давр ноанъанавий лексикасининг муҳим хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотларни беради.

XVII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ёзувчи ва шоирлар, уларнинг асарлари, яратилган тазкира ва халқ китобларини аниқлаш, бошқа давр ёзма ёдгорликлари тили билан қиёсий ўрганиш, асарлар матнини ту-

гал ва тўғри англаш учун кўрсатилган давр тил хусусиятини ўзида мужассамлаштирган луғат, шарҳли кўрсаткичлар тузиш зарур. Бундай изоҳли луғат эса давр лексикасининг турли жиҳатини ўрганиш ва системалаштириш, луғат ва кўрсаткич учун материал сифатида хизмат қила олади. Шу билан бирга, монографиядан адабиётшунослик, тилшунослик, лексикология, тил тарихи, манбашунослик, диншунослик ва исломшунослик соҳасида амалга ошириладиган тадқиқотлар учун манба сифатида фойдаланиш мумкин, у қайд этилган соҳа йўналишларида таҳсил олаётган талаба ва магистрлар учун қўлланма бўлиши мумкин.

Муҳаббат ҚУРБОНОВА,
филология фанлари доктори.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар, илмий ходимлар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.
Илмий-таҳлилий ахборот нашри бир йилда тўрт марта чоп этилади.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТ

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент — 2009

Мухаррирлар:

Б. Эралиев, С. Очилов

Бадий муҳаррир:

А. Қамбаров

Мусахҳих:

У. Инсонбоева

Дизайнер-саҳифаловчи:

И. Караджаев

Матн терувчилар:

С. Жўраева, М. Акбарова

Босишга рухсат этилди 03.07.2009. Бичими 60x84¹/₈.
Офсет усулда босилди. Шартли босма табоғи 6,97.
Нашр табоғи 6,92. Адади 500 нусха. Буюртма № 56.
Шартнома № 01–06–09. Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмаҳонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.